



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASINING QARORI

20 22 yil « 12 » aprel

№ 172

Toshkent sh.

Йўл ҳаракати қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида

“Йўл ҳаракати хавфсизлиги тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Конунининг ижросини таъминлаш, шунингдек, 1968 йилдаги Йўл ҳаракати тўғрисидаги Вена Конвенцияси талаблари ҳамда илғор хорижий тажрибага мувофиқ Йўл ҳаракати қоидаларини янада такомиллаштириш, йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олиш, йўл ҳаракати хавфсизлигини назорат қилиш ва самарадорлигини ошириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қиласди:

1. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ:

а) аҳоли пунктларида транспорт воситаларининг тезлигини соатига 70 километрдан, мактаб ва мактабгача таълим ташкилотлари атрофидаги йўлларда **300 метргача бўлган масофада 30 километрдан, туар жой даҳалари ва ёндош худудларда (уй-жой бинолари орасидаги ер участкасида) эса соатига 20 километрдан оширмасдан ҳаракатланишга рухсат этилади.**

Бунда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Автомобиль йўлларида инсон хавфсизлигини ишончли таъминлаш ва ўлим ҳолатларини кескин камайтириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2022 йил 4 апрелдаги ПҚ-190-сон қарори билан ташкил этилган **Йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш соҳасидаги республика комиссиясининг қарори** асосида Тошкент ва Нукус шаҳарлари ҳамда вилоятлар марказларидаги йўл ҳаракати қатнови юқори бўлган ва аҳоли гавжум худудларда транспорт воситалари ҳаракатланишининг юқори тезлиги соатига **60 километр** этиб белгиланиши мумкин;

б) енгил автомобилларда юк ташишга уларнинг том қисмига ўрнатилган юкхонадаги юкнинг баландлиги **1 метрдан** (махсус мосламалар билан мустаҳкамланган ҳолда велосипедларни ташиш бундан мустасно) ва узунлиги **автомобилнинг габаритидан 0,5 метрдан** ошмаган тақдирда йўл қўйилади;

в) юк автомобиллари, Йўл ҳаракати қоидаларида белгиланган айrim истиснолардан ташқари барча ҳолатларда, йўлнинг факат ўнг қатнов қисмидан ҳаракатланиши шарт;

г) транспорт воситаларининг қайрилиб олиш жойларида ва унга **30 метр** етмасдан ёки ўтиб **тўхташ тақиқланади**;

д) сутканинг қоронғи вақтида ва етарлича кўринмайдиган шароитда велосипед йўлкаси бўлмаган ҳолда йўлнинг қатнов қисмида ҳаракатланаётган велосипедчилар нур қайтаргичли камзулда ёки нур қайтарувчи элементлар бўлган устки кийимда бўлиши шарт.

Бунда ушбу нур қайтарувчи элементлар бошқа ҳайдовчиларга кўринадиган бўлиши керак.

2. Янги таҳрирдаги Йўл ҳаракати қоидалари 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин ва **2022 йил 1 майдан** бошлаб амалга киритилсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги:

фуқароларнинг, айниқса, болаларнинг йўл-транспорт ҳодисалари ҳамда оқибатларидан ҳимояланганигини таъминлаш мақсадида аҳоли ҳамда ҳайдовчилар ўртасида 7 ёшгача бўлган болаларни махсус болалар ўриндиғида, 7 ёшдан 12 ёшгача бўлган болаларни махсус ушлаб турувчи мосламали хавфсизлик камарини таққан ҳолда ташиш, транспорт воситасининг орқа ўриндиғидаги йўловчилар ҳам хавфсизлик камарларини тақиб олишлари, шунингдек, сутканинг қоронғи вақтида ва етарлича кўринмайдиган шароитда йўлни кесиб ўтишда ва йўл ёқаларидан ёки қатнов қисмининг четидан ҳаракатланишда, пиёдаларнинг устки кийимида нур қайтарувчи элементлар бўлиши инсон ҳаётини сақлаб қолиш учун муҳим эканлигини кенг тарғиб қилиш бўйича манзилли чора-тадбирларни амалга оширсин;

Йўл ҳаракати қоидалари, жумладан, унга киритилган ўзгаришларнинг мазмун-моҳиятини оммавий ахборот воситалари, ижтимоий тармоқлар ва расмий веб-сайтда кенг ёритилиши ташкил этилишини таъминласин;

манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда ўзлари қабул қилган норматив-хуқуқий хужжатларни **бир ой муддатда** ушбу қарорга мувофиқлаштиурсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Хукуматининг 2-иловага мувофиқ айrim қарорлари **2022 йил 1 майдан** бошлаб ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

5. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазири П.Р. Бобожонов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири



А. Арипов

Вазирлар Маҳкамасининг
2022 йил 12 апрелдаги 172-сон қарорига
1-илова

Йўл ҳаракати қоидалари

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Йўл ҳаракати қоидалари (кейинги ўринларда – Қоидалар) Ўзбекистон Республикаси худудида йўл ҳаракатининг ягона тартибини белгилайди.

2. Ўзбекистон Республикаси йўлларида транспорт воситаларининг ўнг томонлама ҳаракатланиш тартиби белгиланган.

3. Йўл ҳаракати қатнашчилари “Йўл ҳаракати хавфсизлиги тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини, ушбу Қоидаларни ва унда келтирилган светофор ишоралари, йўл белгилари (ушбу қоидаларга 1-илова), йўл чизиқларининг (ушбу қоидаларга 2-илова) талабларини билишлари, уларга амал қилишлари, шунингдек, уларга берилган ваколат доирасида йўлларда ҳаракатни тартибга солувчиларнинг кўрсатмаларини сўзсиз бажаришлари шарт.

4. Йўл ҳаракати қатнашчилари йўлдаги бошқа ҳаракат қатнашчиларининг ҳаракатланишига тўсқинлик қиласлиги ва хавф туғдирмасликлари керак.

Тегишли ваколатга эга бўлмаган юридик ва жисмоний шахсларга йўл қопламасини бузиш, ўзгартириш ёки заарар етказиш, ифлослантириш, йўл белгиларини, светофорларни ва ҳаракатланишни ташкил этишининг бошқа техник воситаларини ўзбошимчалик билан олиб ташлаш, ўрнатиш, тўсиб кўйиш, шикастлантириш, йўлларда ҳаракатланишга тўсқинлик қилувчи нарсаларни қолдириш, “сунъий нотекислик” курилмаларини ўрнатиш тақиқланади.

Ҳаракатланишга тўсқинлик юзага келтирадиган шахс уни тезда бартараф қилиш учун имконияти даражасида барча чораларни кўриши, агар бунинг иложи бўлмаса, мавжуд барча воситалар билан хавф-хатар ҳақида ҳаракат қатнашчиларини огоҳлантириши ва ички ишлар органларига (кейинги ўринларда ИИО) хабар бериши шарт.

5. Мазкур Қоидаларни бузган шахслар Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларига мувофиқ жавоб берадилар.

6. Қоидалarda кўйидаги асосий тушунча ва атамалардан фойдаланилади:

автомагистраль – 5.1. йўл белгиси билан белгиланган, ҳар бир йўналишнинг қатнов қисмлари ажратувчи минтаقا билан ажратилган (у бўлмагандан йўл тўсиқлари билан) ҳамда бошқа йўллар, трамвай ва темир йўллари, пиёда ва велосипед йўлкалари билан бир сатҳда кесишмайдиган йўл.

автопоезд – улагич мосламалари билан уланган эгарли шатакка олувчи ва ярим тиркама ёки юк автомобили ва тиркама (тиркамалар)дан иборат транспорт воситаси таркиби.

йўл ҳаракати хавфсизлиги – йўл ҳаракати қатнашчиларининг йўл-транспорт ҳодисалари ва уларнинг оқибатларидан ҳимояланганлик даражасини акс эттирувчи йўл ҳаракати ҳолати;

велосипед – камида иккита ғилдиракка эга бўлган ва одатда миниб олган шахс(лар)нинг мускул кучи билан, хусусан, тепкилар ёки дастаклар ёрдамида ҳаракатлантириладиган транспорт воситаси (ногиронлиги бўлган шахслар кажавасидан ташқари). Велосипед номинал (белгиланган) куввати 0,25 киловаттдан, тезлиги соатига 25 километрдан ошмайдиган двигателга эга бўлиши мумкин.

велосипедчи – велосипедни бошқарадииган шахс;

велосипед йўлкаси – алоҳида йўл ёки конструктив жиҳатдан қатнов қисми ва тротуардан ажратилган йўлнинг таркибий қисми бўлиб, тегишли йўл белгиси билан белгиланади;

велосипедчилар учун тасма – йўлнинг бошқа қисмларидан йўл чизиги билан ажратилган, тегишли йўл белгиси билан белгиланган йўл қисми бўлиб, фақат велосипед ҳаракатланиши учун мўлжалланган;

транспорт воситаси – одамларни, юкларни ташишга ёки маҳсус ишларни бажаришга мўлжалланган қурилма;

транспорт воситасининг эгаси – транспорт воситасига мулк ҳуқуқи ёки бошқа ашёвий ҳуқуқлар асосида эгалик қилувчи юридик ёки жисмоний шахс;

ҳайдовчи – йўлларда транспорт воситасини бошқариб бораётган шахс. Бошқаришни ўргатувчи, от аравани бошқараётган, ҳайвонларни миниб ҳаракатланаётган ёки уларни етаклаб бораётган, чорва моллари (пода)ни ҳайдаб бораётган шахслар ҳайдовчига тенглаштирилади;

мажбурий тўхташ – техник нуқсон, ташилаётган юк, ҳайдовчи ва йўловчининг ҳолати, йўлдаги бирор тўсик туфайли хавф юзага келганда ёхуд об-ҳаво шароитига боғлиқ ҳолда транспорт воситаси ҳаракатини тўхтатиш. Ҳайдовчининг ушбу ҳатти-ҳаракати охирги зарур чора бўлиб, қоидабузарлик деб эътироф этилмайди;

асосий йўл – тупроқли ёки шағалли йўлга нисбатан қаттиқ қопламали (асфальт, цемент-бетонли ва шунга ўхшашлар ётқизилган), кесишаётган ёки туташган йўлга нисбатан 2.1, 2.3.1-2.3.3 ёки 5.1 йўл белгилари билан белгиланган ёхуд ёндош ҳудуддан чиқадиган йўлга нисбатан ҳар қандай йўл. Иккинчи даражали йўлнинг бевосита чорраҳага туташ қисмининг қопламали бўлиши уни асосий йўл билан тенг ҳуқуқли қилмайди;

арава – отга (ёки бошқа ҳайвонларга) кўшиб тортиладиган ёки одам мушак кучи билан ҳаракатга келтириладиган двигатель билан жиҳозланмаган, юк ташишга мўлжалланган қурилма;

йўл – транспорт воситалари ва пиёдаларнинг ҳаракатланиши учун қурилган ёки мослаштирилган ва фойдаланиладиган ер полосаси ёхуд сунъий иншоот юзаси. Йўл автомобиль йўлларини, шаҳар электр транспорти йўлларини йўлкаларни ва тротуарларни ўз ичига олади;

йўл-транспорт ҳодисаси – транспорт воситасининг йўлда ҳаракатланиш жараёнида рўй берган, фуқароларнинг ҳалок бўлишига ёки соғлиғига заар етишига, транспорт воситалари, иншоотлар, юкларнинг шикастланиши ёхуд бошқа моддий заар етишига сабаб бўлган ҳодиса;

йўл ҳаракати – одам ва юкларни транспорт воситалари ёрдамида ёки бундай воситаларсиз йўллар доирасида ташиш ёхуд йўл ҳаракати қатнашчиларининг йўлларда ҳаракатланиши жараёнида юзага келувчи муносабатлар мажмуи;

темир йўл кесишмаси – йўлнинг темир йўллар билан бир сатҳда кесишган жойи;

йўналишли транспорт воситаси – белгиланган йўналиши ва бекатлари бўлган, йўловчи ташиш учун мўлжалланган умумий фойдаланишдаги транспорт воситалари (троллейбус, трамвай, автобус, йўналишли такси);

механик транспорт воситаси – двигатель билан ҳаракатга келтириладиган транспорт воситаси (мопеддан ташқари). Бу атама барча трактор ва ўзи юрар мосламаларга ҳам тааллуклидир;

мопед – энг юқори конструктив тезлиги соатига 50 километрдан, иш ҳажми 50 см³ дан ошмайдиган ички ёнув двигателига эга бўлган ёки номинал (белгиланган) қуввати 0,25 киловаттдан ортиқ ва 4 киловаттдан кам бўлган электр двигателли икки ёки уч ғилдиракли транспорт воситаси. Ҳудди шундай тавсифларга эга бўлган квадрицикл (квадроцикл), трицикл, скутер ҳамда йўлнинг қатнов қисмида ҳаракатланишига мослаштирилган бошқа механик мосламалар ҳам мопедларга тенгглаштирилади;

мотоцикл – двигателининг иш ҳажми 50 см³дан (ички ёнув двигателни бўлганда) ва ҳар қанақа двигателда энг юқори конструктив тезлиги соатига 50 километрдан ошадиган икки ғилдиракли ва ён тиркамали (кажавали) ёки ён тиркамасиз механик транспорт воситаси.

Трицикллар, шунингдек, рухсат этилган тўлиқ вазни 400 килограммдан (юк ташиш учун мўлжалланган транспорт воситалари учун 550 килограммдан) ошмайдиган, мотоциклга ўхшаш ўриндиқقا ва рулга эга бўлган ва двигателенинг энг юқори қуввати 15 киловаттдан ошмайдиган квадрицикл (квадроцикл) ҳамда бошқа механик мосламалар ҳам мотоциклларга тенгглаштирилади;

аҳоли пункти – кириш ва чиқиш йўллари 5.22 – 5.25 йўл белгилари билан белгиланган ҳудуд;

етарлича кўринмаслик – ёмғир, қор ёғиши, туман тушиши ва шунга ўхшаш шароитларда, шунингдек, куннинг ғира-шира вақтида йўлнинг кўриниш масофаси 300 метрдан кам бўлиши;

кувиб ўтиш – бир ёки бир нечта транспорт воситаларини қарама-қарши йўналишда ҳаракатланиш учун мўлжалланган тасмага чиқиб, сўнгра илгари эгаллаган қаторига қайтиб ўтиш билан боғлиқ бўлган ўзиб кетиш;

қайта тизилиш – дастлабки ҳаракат йўналишини сақлаган ҳолда ўз ҳаракатланиш тасмасидан бошқа ҳаракатланиш қаторига ўтиш;

ўзиб кетиш – транспорт воситасининг бир йўналишда транспорт воситаси тезлигидан ортиқ тезликда ҳаракатланиши;

йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш – йўл-транспорт ҳодисаларининг келиб чиқиш сабабларининг олдини олишга, уларнинг оғир оқибатларини камайтиришга қаратилган фаолият;

йўл ёқаси – йўлнинг қатнов қисмига у билан бир сатҳда бевосита туташгган, қоплама тури билан фарқ қиласидиган ёки 1.1 йўл чизиги ёрдамида ажратилган, ушбу Қоидаларга мувофиқ ҳаракатланиш, тўхташ ва тўхтаб туриш учун мўлжалланган бўлаги;

йўл ҳаракатини ташкил этиш – йўлларда ҳаракатни бошқариш бўйича хукуқий, ташкилий-техника тадбирлар ва бошқарув ҳаракатлари мажмуи;

пиёдаларнинг ташкилий жамланмаси – Қоидаларнинг 16-банди талабларига мувофиқ йўлда бир йўналишда биргаликда ҳаракатланаётган одамлар гурӯҳи;

транспорт воситаларининг ташкилий жамланмаси – олдида кўк ёки қизил ёхуд кўк ва қизил рангли ялтироқ маёқчаси ёқилган транспорт воситаси кузатиб бораётган, бевосита бир-бирининг кетидан, битта ҳаракатланиш бўлагида, яқинни ёритувчи фаралар чироқларини ёқиб келаётган, уч ва ундан ортиқ механик транспорт воситалари гурӯҳи;

болалар гурӯҳини ташкилий ташиш – йўналишли транспорт воситаларига дахли бўлмаган автобусларда саккиз ва ундан ортиқ болаларнинг ташкилий ташилиши;

тўхташ – транспорт воситаси ҳаракатини 10 дақиқагача бўлган муддатга тўхтатиш (ҳаракатсиз ҳолатга келтириш);

тўхтаб туриш – транспорт воситасига йўловчиларни чиқариш ёки тушириш, юк ортиш ёки тушириш билан боғлик бўлмаган ҳолларда ҳаракатни 10 дақиқадан кўпроқ вақтга атайн тўхтатиш;

йўловчи – транспорт воситасидаги (ҳайдовчидан ташқари) шахс, шунингдек транспорт воситасига кираётган (унга чиқиб ўтираётган) ёки транспорт воситасидан чиқаётган (ундан тушаётган) шахс;

чорраҳа – йўлларнинг ўзаро бир сатҳда кесишадиган, туташадиган ва айриладиган жойи. Чорраҳа чегараси унинг марказидан қатнов қисмлари охиридаги қарама-қарши томонларнинг энг узоқ бурилиш жойларини туташтирувчи тасаввур қилинадиган чизиклар билан аниқланади.

Ёндош ҳудудлардан чиқиши жойлари чорраҳа ҳисобланмайди;

огоҳлантирувчи ишоралар – авария ҳолатларининг олдини олиш мақсадида, шунингдек, ҳаракат йўналишини ўзгартиришда, тўхтатишда қўлланиладиган ишоралар;

пиёда – транспорт воситасидан ташқаридаги бўлган ва йўлда бирор-бир юмуш билан банд бўлмаган шахс. Ногиронлиги бўлган шахсларнинг двигателсиз аравачасида ҳаракатланаётган, велосипед, мопед, мотоцикл, чана, аравача ва болалар ёки ногиронлиги бўлган шахслар аравачасини етаклаган, шунингдек, ҳаракатланиш учун роликли конькилар, двигателсиз самокатлар ва бошқа шуларга ўхшаш воситалардан фойдаланаётган шахслар ҳам пиёдаларга тенглаштирилади;

пиёдалар ўтиш жойи – қатнов қисмидаги 5.16.1, 5.16.2 йўл белгилари ва 1.14.1 – 1.14.3 йўл чизиклари билан белгиланган ва пиёдалар йўлни кесиб ўтишда ҳаракатланишлари учун ажратилган жой.

Йўл чизиклари бўлмаса, пиёдалар ўтиш жойининг кенглиги 5.16.1 ва 5.16.2 йўл белгилари орасидаги масофа билан аниқланади;

пиёдалар йўлкаси – пиёдалар ҳаракатланиши учун қурилган ёки мослаштирилган, тегишли йўл белгиси билан белгиланган алоҳида йўл ёки сунъий иншоот юзаси. Транспорт воситалари ҳаракати тақиқланган қисми;

пиёда ва велосипед йўлкаси – қатнов қисмидан ажратилган, велосипедчиларнинг ва пиёдаларнинг алоҳида-алоҳида ёки биргаликда ҳаракатланиши учун мўлжалланган ва 4.6.1-4.6.6 йўл белгилари ўрнатилган йўлнинг таркибий қисми ёхуд алоҳида йўл;

реверсив ҳаракатланиш – қатнов қисмининг маҳсус ажратилган, 5.35 – 5.37 йўл белгилари, 1.9 йўл чизифи билан белгиланган ва устида реверсив светофор ўрнатилган бўлагида ҳаракатланиш йўналишининг қарама-қарши томонга ўзгариши;

руҳсат этилган тўлиқ вазн – жиҳозланган транспорт воситасининг ишлаб чиқарган корхона томонидан белгиланган юк, ҳайдовчи ва йўловчилари билан биргалиқдаги энг юқори вазни (ўлчови).

Бир таркибда ҳаракатланаётган (тиркама ва бошқалар) транспорт воситаларининг руҳсат этилган тўлиқ вазнига шу таркибга кирувчи транспорт воситаларининг руҳсат этилган тўлиқ вазнлари йиғиндиси киради;

тартибга солувчи – Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Давлат йўл ҳаракати хавфсизлиги хизматининг (кейинги ўринларда – ДИХХХ), ҳарбий автомобиль назорати органлари ходими, ўз хизмат вазифаларини бажараётган, ушбу Қоидаларда кўзда тутилган ишоралар ёрдамида йўл ҳаракатини тартибга солиш ваколатига эга бўлган ва уни бевосита амалга ошираётган йўлдан фойдаланиш хизмати ходимлари, темир йўл кесишимаси ва сол кечувларидаги навбатчилар ҳамда жамоатчилик вакиллари. Тартибга солувчи маҳсус кийим ва (ёки) таниқлик белгиси (қўл боғичи, жезл, қизил ишорали ёруғлик қайтаргич, қизил чироқ ёки байроқча)га эга бўлиши шарт;

тротуар – қатнов қисмiga туташган ёки ундан майсазор, ариқ, маҳсус тўсиқлар билан ажратилган ва пиёдаларнинг ҳаракатланиши учун мўлжалланган йўл қисми;

тиркама – механик транспорт воситаси таркибida ҳаракатланишга мўлжалланган ва двигатель билан жиҳозланмаган транспорт воситаси. Ушбу атама ярим тиркама ва узайтириладиган тиркамаларга ҳам тааллуклидир;

фото ва видео қайд этиш – йўл ҳаракати қоидалари бузилишини маҳсус автоматлаштирилган фото ва видео техник воситалари, шунингдек, видеокузатув ва тасвирга олиш техника воситалари ҳамда мобиль қурилмалар ёрдамида қайд этиш;

хавфли юк – ўзига хос хоссалари ва хусусиятлари туфайли муайян омиллар мавжуд бўлган тақдирда ташиш, юк ортиш-тушириш ишлари жараёнида ташилаётган юклар, техника воситалари, қурилмалар, бино ва иншоотлар, бошқа обьектларнинг портлаши, ёниши ёки шикастланишига, шунингдек одамлар ҳаёти ва соғлиғига, агроф муҳитга зарар етказилишига сабаб бўлиши мумкин бўлган моддалар, материаллар, буюмлар, чиқиндилар;

хавфсизлик оролчаси – ҳаракатланиш тасмаларини (шу жумладан велосипедчилар тасмаларини) ажратувчи, конструкциясига кўра қатнов қисми устига бордюр тошлари билан кўтарилилган ёки ҳаракатни ташкил этиш техник

воситалари билан белгиланган қатнов қисмидан ўтаётган пиёдалар, талаб қилинган ҳолда тўхтаб ўтишлари учун мўлжалланган йўл курилмаси. Ажратувчи минтақа оралиғидан ўтказилган пиёдалар ўтиш жойи ҳам хавфсизлик оролчаси ҳисобланади. Икки томонлама ҳаракатланиши йўлларда қарама – қарши йўналишларни ажратувчи хавфсизлик оролчаларини ўнг томондан айланиб ўтилади;

кўриниши чекланган жойлар – жойлардаги паст-баландликлар, бурилишлар, ўсимликлар, дараҳтлар, қурилишлар, иншоотлар ёки бошқа объектлар, шу жумладан, транспорт воситалари туфайли ҳаракатланиш йўналишида йўл кўринишининг чекланиши;

ёndoш ҳудуд – бевосита йўлга туташган ва транспорт воситалари ўтиб кетиши учун мўлжалланмаган ҳудуд (ховлилар, маҳаллалар, турар жой даҳалари, транспорт воситаси тўхтаб туриш жойлари, ёнилғи куйиш шохобчалари, корхона ва шунга ўхшашлар).

Ёndoш ҳудуддан чиқаётган транспорт воситалари барча йўл ҳаракати қатнашчиларига йўл бериши шарт;

катнов қисмлари кесишимаси – йўлларнинг қатнов қисмлари ўзаро кесишиб ўтадиган ва тасаввур қилинадиган чизиклар билан аниқланган ҳудуд;

катнов қисми – йўлнинг рельссиз транспорт воситалари ҳаракатланиши учун мўлжалланган қисми;

сутканинг қоронги вақти – кечки гира-ширанинг охиридан тонгги гира-ширанинг бошланишигача бўлган оралиқдаги вақт;

ҳаракатланиш тасмаси – автомобилларнинг бир қатор бўлиб ҳаракатланиши учун етарлича кенг бўлган, йўл чизиклари билан белгиланган ёки белгиланмаган йўл қатнов қисмининг ҳар қандай бўйлама тасмаси;

ҳақиқий вазн – транспорт воситасининг юки, ҳайдовчи ва йўловчилари билан биргалиқдаги вазни;

йўл бериш (тўсқинлик қилмаслик) – йўл ҳаракати қатнашчиларига нисбатан имтиёзи бўлган бошқа йўл ҳаракати қатнашчисининг ҳаракат йўналиши ёки тезлигини ўзgartиришга мажбур этиши мумкин бўлган ҳолларда, ҳаракатни давом эттираслигини ёки бошламаслигини, бирор-бир манёвр бажариши мумкин эмаслигини билдирувчи талаб;

йўл ҳаракати қатнашчиси – йўл ҳаракати жараёнида транспорт воситасининг ҳайдовчиси, йўловчиси ёки пиёда тариқасида бевосита иштирок этувчи шахс;

имтиёз – мўлжалланган йўналишда бошқа йўл ҳаракати қатнашчиларига нисбатан олдин ҳаракатланиш хуқуки;

тўхтаб туриш жойи – транспорт воситаларини ташкилий тўхтаб туриши (жойлаштирилиши) учун мўлжалланган, тегишли йўл белгиси билан белгиланган, қатнов қисмининг бир бўлаги ёки қатнов қисмига, тротуарга, йўл ёқасига, кўпrikка, эстакадага ва кўча-йўл тормогининг бошқа объектларига туташган, махsus жихозланган жой;

пулли тўхтаб туриш жойи – тўлов асосда фойдаланиладиган тўхтаб туриш жойи;

ҳаракатланиш учун хавф – йўл ҳаракати жараёнидан ўша йўналишда ва ўша тезликда ҳаракатланишин давом эттириш йўл-транспорт ҳодисаси содир бўлишига таҳдид қиласиган омил;

ажратувчи миңтаقا – йўлнинг ёнма-ён жойлашган қатнов қисмларини ажратувчи, транспорт воситалари ҳаракатланиши ёки тўхташи учун мўлжалланмаган, йўл сатҳидан кўтарилиган ёки майсазор, ариқ, маҳсус тўсиқлар билан ажратилиган баланд қисми;

электромобиль – ташқи электр манбаидан қувватланиб фақат электр двигатели билан ҳаракатланадиган транспорт воситаси;

хавф – йўл ҳаракати хавфсизлигига хавф солувчи ҳар қандай омил;

тўсиқ – йўлнинг қатнов қисмида ҳаракатсиз ҳолда бўлган жисм (бузилиб қолган транспорт воситаси, тушиб қолган юқ, йиқилган дарахт ва бошқалар).

Тирбандлик туфайли ёки Коидалар талабига биноан ушбу тасмада тўхтаган транспорт воситаси тўсиқ хисобланмайди;

тезкор ва маҳсус хизматларнинг транспорт воситаси – тезкор вазифаларни бажаришга мўлжалланган, кўк ёки қизил ёхуд кўк ва қизил рангли ялтироқ маёқча билан жихозланган ҳамда маҳсус рангли бүёк схемалар ва ёзувлар билан белгиланган транспорт воситаси;

авария ҳолатини юзага келтириш – йўл ҳаракатининг бошқа қатнашчиларини ҳаракат йўналиши ёки тезлигини кескин ўзгартиришга, шунингдек, ўз хавфсизлигини ёхуд бошқа фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш учун ўзга чораларни кўришга мажбур қилиш;

хорижий автотранспорт воситалари – хорижий давлатларнинг рўйхатга олиш идораларида рўйхатда турган ва Ўзбекистон Республикаси худудига чет эл фуқаролари ва Ўзбекистон Республикаси худудида доимий яшаш жойига эга бўлмаган фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг шахсий эҳтиёжларини қондириш, юклар ва йўловчиларни ҳалқаро ташиш мақсадларида вақтинча олиб кириладиган автотранспорт воситалари.

2-боб. Ҳайдовчиларнинг умумий вазифалари

7. Механик транспорт воситасининг ҳайдовчиси қўйидаги ҳужжатларни ёнида олиб юриши ва ИИО ходимлари талаб қилганда уларга текшириш учун бериши шарт:

тегишли тоифадаги транспорт воситасини бошқариш ҳуқуқини берувчи ҳайдовчилик гувоҳномасини, унинг талонини (эски намунадаги ҳайдовчилик гувоҳномаси бўлса), ҳайдовчилик гувоҳномаси белгиланган тартибда олиб қўйилган ҳолларда вақтинча рухсатномани;

вақтинча рухсатнома билан транспорт воситасини бошқаришда ҳайдовчининг шахсини тасдиқловчи ҳужжатни;

транспорт воситасини (мопеддан ташқари), мавжуд бўлганда тиркамани рўйхатдан ўtkазиш ҳақидаги гувоҳномани;

транспорт воситасининг эгаси бўлмаган ҳолларда эса, умумий эгалик ҳуқуқини ёки тасарруф этиш ҳуқуқини берувчи, эгалик қилишга ва фойдаланишга берилганлигини тасдиқловчи ҳужжатни, транспорт

воситаси эгасининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий сұғурта қилиш бүйича сұғурта полисида күрсатилган транспорт воситаси эгасининг яқин қариндошлари (ота-она, эр (хотин), болалар, ака-укалар, опа-сингиллар) бундан мустасно;

транспорт воситаси эгасининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий сұғурта қилиш бүйича сұғурта полисини (электрон күринишінде ҳам бўлиши мумкин).

“Ногиронлиги бўлган шахс” таникли белгиси ўрнатилган транспорт воситасини биринчи ёки иккинчи гурух ногиронлиги бўлган шахс бошқараётганда ногиронлигини тасдиқловчи хужжатни;

қонунчилик хужжатларида кўзда тутилган ҳолларда лицензия гувоҳномасини, юридик шахс томонидан берилган транспорт воситасини бошқариш ҳуқуқини берувчи ишончномани ёки йўл варақасини, ташилаётган юқ хужжатларини;

юридик шахслар транспорт воситалари ҳайдовчиларининг, шу жумладан йўловчи ёки юқ ташиб фаолиятини амалга оширувчи ҳайдовчиларнинг малака оширишдан ўтганлиги тўғрисидаги сертификати.

Хорижий автотранспорт воситалари ҳайдовчилари эса кўшимча:

“Автотранспорт воситасини қайтариб олиб чиқиш тўғрисидаги мажбуриятнома”ни;

ойналари тузи ўзгартирилган (қорайтирилган) енгил автотранспорт воситасининг мажбурий йигим қабул қилинганлиги ҳақидаги квитанцияни.

ДИХХХ ходимлари томонидан куйидаги хужжатлар планшет орқали текширилади:

автомототранспорт воситасидан фойдаланиш ва уни тасарруф этиш тўғрисидаги ишончнома (нотариал тартибда тасдиқланган бўлса);

автотранспорт воситаси ойналарининг тусини ўзгартиришга (қорайтиришга) рухсатнома;

транспорт воситасининг техник кўриқдан ўтганлиги тўғрисидаги маълумот.

Механик транспорт воситаси ҳайдовчисининг ёнида Ўзбекистон Республикаси ички ишлар органлари ёхуд консуллик муассасалари томонидан берилган биометрик паспорти ёки идентификацияловчи ID-картаси мавжуд бўлган тақдирда, унинг транспорт воситасини бошқариш ҳуқуқини берувчи хужжати, транспорт воситаси рўйхатдан ўтказилганлиги тўғрисидаги, шунингдек транспорт воситасига эгалик қилиш, эгаси йўқлигига ундан фойдаланиш ёки уни тасарруф этиш ҳуқуқини тасдиқловчи хужжатлар (юридик шахс томонидан берилган транспорт воситасини бошқариш ҳуқуқини берувчи ишончнома ёки йўл варақаси, ташилаётган юкнинг хужжатлар бундан мустасно), транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий сұғурта қилиш бүйича сұғурта полиси ҳайдовчидан талаб этилмайди.

Ўзбекистон Республикаси ички ишлар органлари ёхуд консуллик муассасалари томонидан берилган биометрик паспорти ёки идентификацияловчи ID-картаси ёнида бўлган ҳайдовчиларнинг:

ҳайдовчилик гувоҳномаси;

транспорт воситасини рўйхатдан ўтказганлик тўғрисидаги гувоҳномаси;

транспорт воситасига эгалик қилиш, эгаси йўқлигида ундан фойдаланиш ёки уни тасарруф этиш ҳуқуқини тасдиқловчи ҳужжатлари;

автотранспорт воситаси ойналарининг тусини ўзгартиришга (корайтиришга) рухсатнома;

транспорт воситасининг техник кўрикдан ўтганлиги тўғрисидаги маълумотни;

транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий сугурта қилиш бўйича сугурта полиси планшет орқали текширилади (планшетда аниқлаш имкони бўлмаган ҳамда фавқулодда ҳолатлар бундан мустасно).

8. Ҳайдовчи тегишли тоифадаги транспорт воситасини бошқариш ҳуқуқини берувчи ҳайдовчилик гувоҳномасига эга бўлиши шарт:

“А” – мопед, мотоцикл ва уларга тенглаштирилган мототранспорт воситалари;

“В” – рухсат этилган тўлиқ вазни 3 500 килограммдан ошмайдиган ёки ҳайдовчининг ўриндигидан ташқари ўриндиклар сони саккизтадан ортиқ бўлмаган, шунингдек, улар базасида ишлаб чиқарилган қўл билан бошқариладиган автотранспорт воситалари, тиркамасининг рухсат этилган тўлиқ вазни 750 килограммдан ортиқ бўлмаган “В” тоифадаги автотранспорт воситалари, тиркамасининг рухсат этилган тўлиқ вазни 750 килограммдан ортиқ бўлган лекин “В” тоифадаги автотранспорт воситасининг аслаҳаланган вазнидан ортиқ бўлмаган ва автотранспорт воситалари таркибининг рухсат этилган тўлиқ вазни 3 500 килограммдан ортиқ бўлмаган тиркамали “В” тоифадаги автотранспорт воситалари;

“С” – рухсат этилган тўлиқ вазни 3 500 килограммдан ортиқ бўлган автотранспорт воситалари, тиркамасининг рухсат этилган тўлиқ вазни 750 килограммдан ортиқ бўлмаган “С” тоифадаги автотранспорт воситалари;

“D” – йўловчи ташишга мўлжалланган, ҳайдовчи ўриндигидан ташқари ўриндиклар сони саккизтадан ортиқ бўлган автотранспорт воситалари, тиркамасининг рухсат этилган тўлиқ вазни 750 килограммдан ортиқ бўлмаган “D” тоифадаги автотранспорт воситалари;

“BE” – тиркамасининг рухсат этилган тўлиқ вазни 750 килограммдан ортиқ ёки тиркамасининг рухсат этилган тўлиқ вазни жиҳозланган автотранспорт воситасининг вазнидан ортиқ бўлган “B” тоифадаги автотранспорт воситалари, тиркамасининг рухсат этилган тўлиқ вазни 750 килограммдан ортиқ лекин транспорт воситалари таркибининг рухсат этилган тўлиқ вазни 3 500 килограммдан ортиқ бўлмаган “B” тоифадаги автотранспорт воситалари;

“CE” – тиркамасининг рухсат этилган тўлиқ вазни 750 килограммдан ортиқ бўлган “C” тоифадаги автотранспорт воситалари;

“DE” – тиркамасининг рухсат этилган тўлиқ вазни 750 килограммдан ортиқ бўлган “D” тоифадаги автотранспорт воситалари ҳамда бўғимли автобуслар.

Трамвай ҳайдовчисига фақат трамвай, троллейбус ҳайдовчисига фақат троллейбус бошқаришга рухсат этилади.

Тегишли тоифадаги транспорт воситасини бошқариш хуқуқини берувчи ҳайдовчилик гувоҳномаси, эски намунадаги ҳайдовчилик гувоҳномаси бўлса унинг талони мавжуд бўлганда, ўзига тегишли бўлмаган транспорт воситасини, унинг эгаси ёнида бўлганида ёхуд автомототранспорт воситасидан фойдаланиш ва уларни тасарруф этиш тўғрисидаги ишончномаси бўлган шахс иштирокидагина (уларнинг розилиги билан) бошқариш мумкин, агар транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий сугурта қилиш бўйича сугурта полиси ушбу транспорт воситасидан чекланмаган шахсларнинг фойдаланилишини ҳисобга олган ҳолда тузилган ёки транспорт воситасини бошқараётган шахс сугурта полисида кўрсатилган бўлса.

Транспорт воситаси эгасининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий сугурта қилиш бўйича сугурта полисида кўрсатилган транспорт воситаси эгасининг яқин қариндошлари (ота-она, эр (хотин), болалар, ака-укалар, опа-сингиллар) ушбу транспорт воситасидан мустақил фойдаланиши ва бошқариши мумкин.

9. Конструкциясида хавфсизлик камарлари назарда тутилган транспорт воситасини бошқараётган ҳайдовчи ва унинг олд ўриндиғидаги йўловчилар ҳаракатни бошлашдан олдин хавфсизлик камарларини тақиб олишлари шарт.

Куйидаги шахсларга хавфсизлик камарини тақмасликка рухсат берилади:

автомобилнинг орқа ўриндиғидаги 12 ёшгача бўлган болалар (ушбу Қоидаларнинг 159-бандига мувофиқ);

ўқув-машқ транспорт воситасини ўқувчи бошқараётган вақтда автомототранспорт воситасини ёки шаҳар электр транспортини бошқаришни ўргатувчи амалий машғулотлар инструктори;

ҳомиладор аёллар, саломатлиги хавфсизлик камари тақиши имконини бермайдиган беморлар (Софлиқни сақлаш вазирлиги томонидан белгиланган касалликлар рўйхатига мувофиқ ва ушбу касалликлар билан касалланганлиги бўйича тиббий маълумотнома мавжуд бўлганда);

хизмат вазифасини бажараётган ходимга бириктирилган кўк ёки қизил ёхуд кўк ва қизил рангли ялтироқ маёқчаси билан жиҳозланган ҳамда маҳсус рангли бўёқ схемалар ва ёзувлар билан белгиланган транспорт воситалари ҳайдовчиси ва йўловчилари.

Мотоцикл ва мопедда ҳаракатланаётган ҳайдовчи ва йўловчилар маҳсус мотошлем кийишлари ва уни қадаб олишлари шарт.

10. Республика худудида ҳаракатланаётган хорижий давлат фуқароси бошқарувидаги механик транспорт воситаси ҳайдовчисининг ёнида йўл ҳаракати ҳақидаги Конвенция талаблариiga мос келадиган ҳайдовчилик гувоҳномаси ва транспорт воситасининг (тиркама бўлса унга ҳам) рўйхатдан ўтганлиги ҳақидаги ҳужжат, транспорт воситасида (тиркама бўлса унда ҳам) рўйхатдан ўтказиш давлат рақам белгиси ва у рўйхатдан ўтган давлатнинг таниқлик белгиси бўлиши шарт.

Халқаро йўлларда юкларни ташишни амалга ошираётган хорижий давлат фуқароси ҳисобланган ҳайдовчи тегишли йўл белгиси билан маҳсус жиҳозланган назорат пунктларида транспорт соҳасини назорат қилиш бўйича ваколатли ходимларнинг талабига мувофиқ тўхташи ва транспорт воситасини, шунингдек, рухсатномани ва халқаро келишувларда назарда тутилган бошқа ҳужжатларни текшириш учун уларга бериши шарт.

11. Транспорт воситасининг ҳайдовчиси қўйидагиларга мажбурдир:

а) йўлга чиқишдан олдин транспорт воситасининг техник созлигини, тозалигини ва тўлиқ жиҳозланганлигини текшириши;

б) ҳаракатланиш вақтида транспорт воситасининг техник созлигини таъминлаши;

в) ҳаракатланишни бошлидан олдин йўловчилар транспорт воситасида жойларини эгаллаганлигига, транспорт воситасининг эшиклари ёпилганлигига, йўловчилар ташиш учун маҳсус жиҳозланган юк транспорт воситаларида йўловчилар ташиётганда Коидаларнинг 24-банди талаблари бажарилганлигига ишонч ҳосил қилиши;

г) ҳаракатланиш жараёнида бошқа йўл ҳаракати қатнашчиларига, айниқса, пиёдалар, болалар, ногиронлар, қарияларга ва велосипедчиларга нисбатан эҳтиёткорлик чораларини кўриши;

д) йўловчиларни қўйидагилар ҳақида огоҳлантириши шарт:

ҳаракатланаётган вақтда автомобиль салонидан тана қисмларини (қўлдан ташқари) чиқариш тақиқланганлиги;

транспорт воситаси ҳаракатланишни бошлидан олдин хавфсизлик камарларини тақишилари (ушбу Коидаларнинг 9-бандига мувофиқ), мотоцикл, мопед ва скутерда ҳаракатланаётганда эса мотошлем кийишлари ва уни қадаб олишлари зарурлиги;

е) сутканинг қоронғи вақтида ва етарлича кўринмайдиган шароитда мажбурий тўхтаган транспорт воситасининг ҳайдовчиси таъмирлаш мақсадида йўлнинг қатнов қисмига чиқишдан олдин нур қайтаргичли маҳсус жилет кийиб олиши (енгил ва юк автомобили, автобус ва ғилдиракли тракторлар ҳайдовчилари);

ё) ИИО ходимларининг талабига кўра мастлик ҳолатини аниқловчи маҳсус текширув ёки алкоголли ичимликлар, гиёҳвандлик воситалари, уларнинг аналоглари, психотроп ёхуд кучли таъсир қилувчи моддалар таъсирида ёки ўзгача тарзда маст ҳолатда эканлигини аниқлаш учун тиббий текширувдан ўтиши;

ж) ҳаракатланиш вақтида авария ҳолатини юзага келтирмасликлари;

з) қўйидаги ҳолларда фойдаланиш учун транспорт воситасини бериши шарт:

ИИО, Миллий гвардия, Давлат хавфсизлик хизмати ва Ўзбекистон Республикаси Президенти давлат хавфсизлик хизмати органлари ходимларига қонунчилик ҳужжатларида белгиланган холларда кечиктириб бўлмайдиган хизмат вазифаларини бажариш учун, шунингдек, йўл-транспорт ҳодисаси туфайли шикастланган ёки носоз транспорт воситаларини олиб кетиш (шатакка олиш) учун (фақат юк автомобилидан);

йўлакай йўналишда кечиктириб бўлмайдиган тиббий ёрдам қўрсатишга кетаётган тиббиёт ходимларига ҳамда зудлик билан тиббий ёрдамга муҳтож бўлган фуқароларни даволаш-профилактика муассасасига олиб бориш учун.

Хорижий давлатларнинг дипломатик, консуллик ваколатхоналарига ва бошқа ваколатхоналарига ҳамда халқаро ташкилотларга тегишли транспорт воситалари, шунингдек ёнғин учириш, конвой, инкассатор хизматларининг транспорт воситаларидан фойдаланишга йўл қўйилмайди.

Транспорт воситасидан фойдаланган шахс ҳайдовчи талаб қилганда йўл варақасига юрилган вақтни, босиб ўтилган масофани, ўз исми-фамилияси, мансаби, иш жойи номини, йўл варақаси бўлмаган тақдирда, белгиланган тартибда маълумот ёки хабар ёзиб бериши керак.

Транспорт воситаларини текшириш ёки ундан фойдаланиш ҳуқуқига эга бўлган шахслар ҳайдовчининг талабига мувофиқ ўз хизмат гувоҳномасини қўрсатиши шарт.

Хизмат вақтида ҳайдовчига етказилган моддий ва маънавий зарар унинг талабига кўра қонунчилик хужжатларида белгиланган тартибда тиклаб берилади;

и) қонунчилик хужжатларида талаб қилинган ҳолларда вазн ва ҳажм параметрларини ўлчаш учун назорат жойлари (пункт)дан ўтиши.

12. Ҳайдовчига қўйидагилар тақиқланади:

транспорт воситасини спиртли ичимликлар, гиёҳвандлик воситалари, уларнинг аналоглари, психотроп ёхуд кучли таъсир қилувчи моддалар таъсирида ёки ўзгача тарзда маст ҳолатда, сезгирилик ва эътиборни сусайтирадиган дори-дармонлар таъсирида, йўл ҳаракати хавфсизлигига таҳдид соладиган чарchoқлик ва бетоблик ҳолатида бошқариш;

ҳар қандай мастлик ҳолатида, сезгирилик ва эътиборни сусайтирадиган дори-дармонлар таъсирида, йўл ҳаракати хавфсизлигига таҳдид соладиган чарchoқлик ва бетоблик ҳолатида бўлган, шунингдек, тегишли тоифадаги транспорт воситасини бошқариш ҳуқуқини берувчи ҳайдовчилик гувоҳномаси бўлмаган, йўл варақасида ёки транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий сугурта қилиш бўйича сугурта полисида исм-фамилияси қўрсатилмаган (транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий сугурта қилиш бўйича шартнома ушбу транспорт воситасидан чекланмаган шахсларнинг фойдаланилишини ҳисобга олган ҳолда тузилган ҳоллардан ташқари) шахсларга транспорт воситасини бошқариш учун топшириш;

тормоз тизими, руль бошқаруви ишламаётган, улагич мосламаси (автопоезд таркибида) носоз бўлган, сутканинг қоронги вақтида ёки кўриниш чекланган вазиятларда ёнмайдиган фара чироқлари ва орқа габарит фара чироқлари, ёмғир ёки қор ёғаётган вақтда ойна тозалагич ишламайдиган транспорт воситасини бошқариш;

тегишли рухсатсиз транспорт воситаларига маҳсус техник жиҳоз (рация, сирена ва шу кабилар)лар ўрнатиш;

транспорт воситаларининг ташкилий жамланмаси, шу жумладан пиёдалар жамланмалари ҳаракатига халақит бериш ва улар орасига кириш;

транспорт воситасини бошқариш пайтида телефондан (телефондан күлөкчинлар орқали ва қўлларни ишлатмасдан туриб сўзлашувлар олиб бориш имкониятини берадиган бошқа ускуналар орқали фойдаланиш бундан мустасно), транспорт воситаси салонининг олд қисмига ўрнатилган тели, видеомонитордан тели, видеодастурларни томоша қилиш учун фойдаланиш;

аҳоли пунктларида транспорт воситаларининг магнитофон ва овоз чиқарувчи бошқа аппаратураларни ҳамда двигатель шовқинини белгиланган меъёрдан баланд овозда қилиб фойдаланиш.

Ҳаракатланиш вақтида ушбу Қоидаларга З-иловада кўрсатилган транспорт воситаларидан фойдаланишни тақиқловчи шартлар юзага келганда, ҳайдовчи уларни бартараф этиши, агар бунинг иложи бўлмаса, зарур бўлган эҳтиёт чораларини кўрган ҳолда таъмирлаш ёки тўхтаб туриш жойига эвакуатор ёки шатакка олиш орқали транспорт воситасини олиб бориш чораларини кўриши мумкин.

3-боб. Йўл-транспорт ҳодисаси содир бўлганда ҳайдовчининг мажбуриятлари

13. Йўл-транспорт ҳодисаси содир бўлганда унга дахлдор ҳайдовчилар қўйидагиларни бажаришлари шарт:

транспорт воситасини дарҳол тўхтатиши, авария ишораларини ёқиши ва авария сабабли тўхташ белгисини Қоидаларнинг 51-банди талабларига мувофиқ ўрнатиши, транспорт воситасини ва ҳодисага дахлдор буюмларни жойидан қўзғатмаслиги;

тан жароҳати олганларга биринчи тиббий ёрдам кўрсатиш чораларини кўриши, тез тиббий ёрдам ва фавқулодда қутқарув хизматларини чақириши, шошилинч ҳолларда эса тан жароҳати олганларни яқин орадаги тиббиёт муассасасига йўлакай транспорт воситасида жўнатиши, бунинг имкони бўлмаган ҳолларда ўз транспорт воситасида олиб бориши, у ерда ўз исмифамилияси, транспорт воситасининг рўйхатдан ўтказиш давлат рақам белгиси ҳақида ахборот бериши (ўз шахсини тасдиқловчи хужжатни ёки ҳайдовчилик гувоҳномасини ва транспорт воситасининг рўйхатдан ўтганлиги тўғрисидаги хужжатни кўрсатиши) ва ҳодиса рўй берган жойга қайтиб келиши;

агар бошқа транспорт воситаларининг ҳаракатланишига тўсқинлик қиласа, дастлаб транспорт воситаларининг бир-бирига ва йўл тузилмалари обьектларига нисбатан жойлашган ҳолатини, ҳодисага алоқадор буюмлар ва изларни, гувоҳлар иштироқида, шунингдек, фотосурат ёки видеоёзув воситалари билан, турган ўрнини чизувчи мосламалар ёрдамида белгилаган ва транспорт воситасини зарур ҳолларда айнан шу ҳолатга қайта жойлаштириш имконини берадиган ҳолда қайд этишни амалга ошириши, уларнинг йўқолмаслигини ва ҳодиса рўй берган жойни айланиб ўтишни ташкил қилишнинг барча чораларини кўриши, сўнgra қатнов қисмини бўшатиши;

ҳодиса ҳақида ИИОга хабар бериши, гувоҳларнинг исм-фамилиясини ва яшаш манзилини ёзиб олиб, ИИО ходимларининг келишини кутиши.

14. Ҳайдовчилар транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тўғрисидаги қонунчиликда белгиланган тартибда йўл-транспорт ҳодисаси тўғрисидаги хабарномани тузиш билан боғлиқ ҳолларда, йўл транспорт ҳодиса ҳақида ДИХХХ ёки ИИО ходимларига хабар бермасликлари мумкин.

4-боб. Пиёдаларнинг мажбуриятлари

15. Пиёдалар тротуарлардан, пиёдалар йўлкаларидан, пиёда ва велосипед йўлкаларидан, улар бўлмаганда эса йўл ёқаларидан ҳаракатланиши керак. Ҳажми катта юкларни олиб кетаётган пиёдалар, шунингдек, ногиронларнинг двигателсиз аравачасида ҳаракатланаётган шахсларнинг тротуарлар ёки пиёдалар йўлкаларидан ҳаракатланиши бошقا пиёдаларнинг ҳаракатланишига халақит бераётган бўлса, улар қатнов қисмининг четидан ҳаракатланиши мумкин.

Тротуарлар, пиёдалар йўлкалари, пиёда ва велосипед йўлкалари ёки йўл ёқалари бўлмаса ёхуд улардан ҳаракатланишнинг имконияти бўлмаган ҳолларда, пиёдалар велосипед йўлкасидан ёки қатнов қисмининг четидан (ажратувчи минтақа бор йўлларда қатнов қисмининг ташки четидан) бир қатор бўлиб ҳаракатланишлари мумкин.

Қатнов қисми четида ҳаракатланаётган пиёдалар транспорт воситаларининг ҳаракатланишига қарама-қарши йўналишда юришлари керак. Ногиронларнинг двигателсиз аравачасида ҳаракатланаётган, мотоцикл, мопед, велосипед етаклаб кетаётган шахслар эса бундай ҳолларда транспорт воситаларининг ҳаракатланиш йўналиши бўйлаб юришлари керак.

Пиёдалар йўлкасида, тротуарда, йўл ёқасида пиёдаларнинг ҳаракатланишига халақит берадиган қурилма ва тўсиқлар ўрнатиш тақиқланади.

16. Пиёдаларнинг ташкилий жамланмасига йўлнинг қатнов қисмida бир қаторда тўрт кишидан ортиқ бўлмасдан, фақат транспорт воситаларининг ҳаракат йўналиши бўйлаб ўнг томондан ҳаракатланишга рухсат этилади.

Жамланманинг олди ва орқасида чап томондан қизил байроқча, сутканинг қоронғи вақтида ёки етарлича кўринмаслик шароитида эса олдинда оқ, орқада қизил рангли чироқ кўтарган кузатувчилар бўлиши шарт.

Болалар гуруҳини тротуарлар ва пиёдалар йўлкаларидангина, улар бўлмаганда эса йўл ёқасида фақат сутканинг ёруғ вақтида ва катта ёшдагилар кузатувида олиб юришга рухсат этилади.

17. Пиёдалар йўлнинг қатнов қисмини пиёдалар ўтиш жойларидан, шунингдек, ер ости ва ер усти ўтиш жойларидан, улар бўлмаганда эса чорраҳаларда тротуар чизиклари ёки йўл ёқаси бўйлаб кесиб ўтишлари керак.

Пиёдаларга кўринадиган оралиқда ўтиш жойи ёки чорраҳа бўлмаса, ажратувчи минтақасиз ва тўсиқсиз йўллардан йўлнинг икки томони яхши кўринадиган жойидан, қатнов қисмининг четига нисбатан тўғри бурчак остида кесиб ўтиш рухсат этилади.

18. Йўл ҳаракати тартибга солинган жойларда пиёдалар тартибга солувчининг ёки пиёдалар светофорининг, улар бўлмаганда эса транспорт светофорининг ишораларига амал қилишлари керак.

19. Тартибга солинмайдиган пиёдалар ўтиш жойларида, пиёдалар яқинлашаётган транспорт воситаларигача бўлган масофани ва уларнинг тезлигини чамалаб кўриб, ўтиш ўзлари учун хавфсиз эканлигига ишонч ҳосил қилганиларидан сўнг қатнов қисми (трамвай бекати)га чиқишлари рухсат этилади.

Шунингдек, пиёдалар йўлни пиёдалар ўтиш жойларидан ташқарида кесиб ўтишда транспорт воситаларининг ҳаракатланишига халақит бермасликлари, яқинлашаётган транспорт воситаларининг йўқлигига ишонч ҳосил қилмасдан туриб, кўринишни чекловчи тўхтаб турган транспорт воситаси ёки бошқа бирор тўсиқ панасидан чиқмасликлари керак.

Йўлнинг қатнов қисмida, шунингдек, пиёдалар ўтиш жойларида ҳаракатланаётган пиёдаларга телефондан фойдаланиш, теле, видео маҳсулотларни кўриш, радио-аудио маҳсулотларни эшлиши, китоб ёки даврий матбуот ўқиши, ҳамда эътиборни чалғитадиган бошқа электрон воситалардан фойдаланиш тақиқланади.

Пиёдалар тўхтаб турган автобус ва троллейбуснинг орқа томонидан, трамвайнинг эса олди томонидан йўлни кесиб ўтишлари шарт.

20. Йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш билан боғлиқ бўлмаса, йўлнинг қатнов қисми (трамвай йўллари)га чиқсан пиёдалар ушланиб қолмасликлари ва тўхтамасликлари керак. Ўтишга улгурмаган пиёдалар хавфсизлик оролчасида, агарда у бўлмаса қарама-қарши йўналишдаги транспорт оқимларини ажратувчи чизикда тўхташлари лозим. Кейинги ҳаракатланиш хавфсиз эканлигига ишонч ҳосил қилгандан сўнг ва светофор ёки тартибга солувчининг ишораларини ҳисобга олган ҳолда ўтишни давом эттишлари мумкин.

21. Тезкор ва маҳсус хизматларнинг кўк ёки қизил ёхуд кўк ва қизил рангли ялт-ялт этувчи маёқчалар ва маҳсус товушли ишораси ёқилган транспорт воситалари яқинлашиб келаётган бўлса, пиёдалар қатнов қисмидан ўтмасликлари, унда ҳаракатланаётганлари эса, ушбу транспорт воситаларига йўл беришлари ва зудлик билан қатнов қисмини бўшатишлари керак.

22. Йўналишли транспорт воситаларини фақат қатнов қисмидан баланд жойлашган кутиш майдончаларида, улар бўлмаганда эса, тротуар ёки йўл ёқасида кутишлари керак. Қатнов қисмидан баланд жойлашган майдончалар билан жиҳозланмаган бекатларда йўналишли транспорт воситалари тўлиқ тўхтагандан сўнг унга чиқиш учун қатнов қисмига чиқишга рухсат этилади. Ундан тушгандан кейин ушланиб қолмасдан қатнов қисмини бўшатишлари шарт.

Қатнов қисми бўйлаб бекатларга бораётган ёки ундан қайтаётган пиёдалар ушбу Коидаларнинг 18 – 21-бандлари талабларига амал қилишлари керак.

5-боб. Йўловчиларнинг мажбуриятлари

23. Йўловчилар транспорт воситасига фақат у тўлиқ тўхтагандан сўнг тротуар ёки йўл ёқаси томондан чиқишга ва тушишга мажбурдирлар.

Йўловчиларнинг транспорт воситаларидан тротуар ёки йўл ёқаси томондан тушиши ёки уларга чиқишининг иложи бўлмаган ҳолларда, агар бу ҳаракат хавф туғдирмаса ёки бошқа йўл ҳаракати қатнашчиларига халақит бермаса, йўлнинг қатнов қисми томонидан амалга оширилиши мумкин.

Мазкур Қоидаларнинг 9-бандига мувофиқ ҳавфсизлик камарлари билан жиҳозланган транспорт воситаларида ҳаракатланишдан олдин уларни тақиб олиш, мотоцикл ёки мопедларда ҳаракатланишидан олдин эса мотошлемни қадаб олиши шарт.

24. Йўловчиларга:

транспорт воситаси ҳаракатланаётган вақтда ҳайдовчини бошқаришдан чалғитиш (унга халақит бериш);

ҳаракатланаётган бортли юк автомобилларида тик туриш, бортларда ёки ундан юқоридаги юк устида ўтириш;

транспорт воситаси ҳаракатланаётган вақтда унинг эшикларини очиш;

транспорт воситаси ҳаракатланаётган вақтда салондан тана қисмларини (кўлдан ташқари) чиқариш тақиқланади.

Бу талабларнинг бажарилишини ҳайдовчи назорат қилиши керак.

6-боб. Махсус транспорт воситаларининг имтиёзлари

25. Тезкор ва маҳсус хизматларнинг кўк ёки қизил ёхуд кўк ва қизил рангли ялт-ялт этувчи маёқчалар ёқилган транспорт воситаларининг ҳайдовчилари кечикириб бўлмайдиган хизмат вазифаларини бажараётиб, ҳаракатланиш ҳавфсизлигини таъминлаш шарти билан ушбу Қоидаларнинг 7-боби (тартибга солувчининг ишораларидан ташқари), 9 – 16, 19 – 20 ва 22 боблари, 1 ва 2-иловалари талабларидан четга чиқишли мумкин.

Йўл ҳаракатининг бошқа қатнашчиларига нисбатан имтиёзга эга бўлиши учун тезкор ва маҳсус хизматларнинг транспорт воситаларида, тезкор ва маҳсус хизматларнинг кўк ёки қизил ёхуд кўк ва қизил рангли ялт-ялт этувчи маёқчалар ва маҳсус товушли ишора ёқилган бўлиши шарт. Улар ўзларига йўл берилаётганлигига ишонч ҳосил қилганларидан сўнггина имтиёздан фойдаланишлари мумкин.

Ушбу имтиёздан тезкор ва маҳсус хизматларнинг кўк ёки қизил ёхуд кўк ва қизил рангли ялт-ялт этувчи маёқчалар ва маҳсус товушли ишораси ёқилган транспорт воситалари томонидан кузатиб келинаётган транспорт воситаларининг ҳайдовчилари ҳам фойдаланадилар.

Кузатиб келинаётган транспорт воситаларида яқинни ёритувчи фара чироқлари ёқилган бўлиши шарт.

26. Ҳайдовчилар тезкор ва маҳсус хизматларнинг кўк ёки қизил ёхуд кўк ва қизил рангли ялт-ялт этувчи маёқчалар ва маҳсус товушли ишораси ёқилган ҳолда яқинлашаётган транспорт воситаларига, шунингдек уларнинг кузатувидаги, яқинни ёритувчи фара чироқлари ёқилган транспорт воситаси (транспорт воситалари)га йўл беришлари шарт.

Мазкур турдаги транспорт воситаларини қувиб ўтиш тақиқланади.

27. Тезкор ва маҳсус хизматларнинг кўк ёки қизил ёхуд кўк ва қизил рангли ялт-ялт этувчи маёқчасини ёқиб тўхтаб турган транспорт воситасига яқинлашаётган ҳайдовчилар зарур бўлган ҳолларда ҳаракатланиш тезлигини дарҳол тўхташ имкониятини берадиган даражада камайтиришлари шарт.

28. Зарғалдоқ ёки сариқ рангли ялт-ялт этувчи маёқчалар транспорт воситаларида қуидаги ҳолларда ёқилган бўлиши керак:

йўлда қурилиш, таъмирлаш ёки тозалаш ишлари олиб борилаётганда, шунингдек, шикастланган, носоз транспорт воситаларини ортишда, ташишда;

йўл ҳаракатида қатнашаётган, габарит ўлчамлари ушбу Қоидаларнинг 164-бандида белгилангандан ортиқ бўлган, шунингдек, оғир вазн ва катта ҳажмли ҳамда хавфли юкларни ташиётган транспорт воситаларини кузатиб боришда;

портловчи, тез алангаланадиган, радиоактив моддаларни ва заҳарли даражаси ўта юқори бўлган моддаларни ташишда;

умумий фойдаланингдаги транспорт воситаси йўлларида велосипедчиларнинг ташкилий жамланмасини кузатиб боришда.

Ёқилган зарғалдоқ ва (ёки) сариқ рангли маёқча ҳаракатланишда имтиёз бермайди ва йўл ҳаракатининг бошқа қатнашчиларини фақат хавф ҳақида огоҳлантиради.

29. Зарғалдоқ ёки сариқ рангли ялт-ялт этувчи маёқчалари ёқилган транспорт воситаларининг ҳайдовчилари йўл қурилиши, таъмирланиши ва тозаланиши жараёнида ҳамда техник шикастланган, носоз бўлган, шунингдек, қонунчиликда кўзда тутилган ҳолларда бошқа транспорт воситаларини ортишда, ташишда йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш шарти билан ушбу Қоидаларнинг йўл белгилари (2.2, 2.4 – 2.6, 3.11 – 3.14, 3.17.2, 3.20 йўл белгиларидан ташқари), йўл чизиклари ҳамда 67 – 71 ва 121-бандлари талабларидан четга чиқишлари мумкин.

Йўл ҳаракатида қатнашаётган, габарит ўлчамлари ушбу Қоидаларнинг 164-бандида белгилангандан ортиқ бўлган, оғир вазн ва катта ҳажмли юқ ташиётган транспорт воситаларининг ҳамда уларни кузатиб келаётган зарғалдоқ ёки сариқ рангли ялт-ялт этувчи маёқчалари ёқилган транспорт воситаларининг ҳайдовчилари ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш шарти билан йўл чизиклари талабларидан четга чиқишлари мумкин.

7-боб. Светофор ва тартибга солувчининг ишоралари

30. Светофорларда яшил, сариқ, қизил ва оқ рангли ёруғлик ишоралари қўлланилади.

Светофор ишоралари вазифасига қараб доирасимон, кўрсаткич (кўрсаткичлар), пиёда ёки велосипед тасвири туширилган кўринишида ва X-симон бўлиши мумкин.

Доирасимон ишорали светофорларда яшил ишоралар билан бир сатҳда жойлашган ишоралар яшил кўрсаткич (кўрсаткичлар) кўринишидаги битта ёки иккита қўшимча тармоқ бўлиши мумкин.

31. Светофорнинг доирасимон ишоралари куйидаги маънони билдиради:

яшил ишора ҳаракатланишга рухсат беради;

милтилловчи яшил ишора ҳам ҳаракатланишга рухсат беради ва унинг таъсир вақти тугаётганлиги ҳамда кўп ўтмай тақиқловчи ишора ёниши ҳақида ахборот беради.

яшил ишора ўчишига сонияларда қанча вақт қолганлиги ҳақида ахборот бериш учун рақамли табло қўлланилиши мумкин;

сариқ ишора ҳаракатланишни тақиқлайди (Қоидаларнинг 42-бандида кўзда тутилган ҳолатлардан ташқари) ва ишоралар алмашуви ҳақида огоҳлантиради;

милтилловчи сариқ ишора эҳтиёткорлик чораларини кўрган ҳолда ҳаракатланишга рухсат беради ва тартибга солинмаган чорраҳа ёки пиёдалар ўтиш жойи борлигидан хабардор қиласи, хавф-хатар ҳақида огоҳлантиради;

қизил ишора, шунингдек, милтилловчи қизил ишора ҳаракатланишни тақиқлайди;

қизил ва сариқ ишораларнинг бир вақтда ёниши ҳаракатланишни тақиқлайди ва кўп ўтмай яшил ишора ёниши ҳақида ахборот беради.

32. Йўналтиргич кўринишидаги қизил, сариқ ва яшил рангли светофор ишоралари ҳам доирасимон шаклидаги светофор ишоралари билан бир хил маънога эга бўлади. Улар фақат кўрсатилган йўналишга таъсир этади.

Агар тегишли йўл белгиси билан қайрилиб олиш тақиқланмаган бўлса, чапга бурилишга рухсат берувчи йўналтиргич қайрилиб олишга ҳам рухсат беради. Қўшимча тармоқдаги яшил йўналтиргич ҳам худди шу маънони билдиради.

Светофорнинг қўшимча тармоқдаги ишора ўчирилган бўлса, шу тармоқ тартибга солаётган йўналишда ҳаракатланиш тақиқланганлигини билдиради.

33. Светофорнинг асосий яшил ишорасига йўналтиргич (йўналтиргичлар)нинг шакли туширилган бўлса, у ҳайдовчиларга светофорнинг қўшимча тармоғи борлиги ҳақида ахборот беради ва асосий яшил ишора ёнганда ҳаракатланишга рухсат берилган йўналишларни кўрсатади.

34. Агар светофор ишораси пиёда тасвири кўринишида бўлса, у фақат пиёдаларга, велосипед тасвири кўринишида бўлса, у фақат велосипедчилар ҳаракатланишига таъсир қиласи. Бунда яшил ишора пиёдалар ёки велосипедчиларнинг ҳаракатланишига рухсат беради, қизил ишора уларнинг ҳаракатланишини тақиқлайди.

Велосипедчилар ҳаракатланишини тартибга солиш учун ўлчами кичрайтирилган доирасимон ишораларга эга бўлган светофор қўлланилиши мумкин. Бундай ҳолда светофор билан велосипед тасвирига эга бўлган тегишли белги ўрнатилади.

Кўзи ожиз пиёдаларга қатнов қисмини кесиб ўтишлари мумкинлиги ҳақида ахборот бериш учун светофорнинг ёруғлик ишораларига товушли ишора ҳам қўшилиши мумкин.

35. Қатнов қисмидаги ҳаракатланиш йўналиши қарама-қарши томонга ўзгариши мумкин бўлган тасмаларида транспорт воситаларининг ҳаракатланишини тартибга солиш учун X-симон қизил ишорали ва пастга йўналган кўрсаткич кўринишидаги яшил ишорали реверсив светофорлар қўлланилади. Бу ишоралар қайси тасма устига ўрнатилган бўлса, унда ҳаракатланишни тақиқлайди ёки ҳаракатланишга рухсат беради.

Икки томони 1.9 йўл чизиги билан белгиланган тасма устига ўрнатилган ва ишоралари ўчирилган реверсив светофор шу тасмага киришни тақиқлайди.

36. Трамвайларнинг ҳамда махсус ажратилган тасма бўйлаб ҳаракатланаётган бошқа йўналиши транспорт воситаларининг ҳаракатланишини тартибга солиш учун “Т” ҳарфи кўринишида жойлашган тўртта доирасимон оқ ранг ишорали светофорлар қўлланилиши мумкин.

Юқоридаги бир ёки бир нечта ва пастки ишора бир вақтнинг ўзида ёнганда, ҳаракатланишга рухсат этилади. Улардан чапдагиси чапга, ўнгдагиси ўнгга, ўртадагиси тўғрига юришга рухсат беради. Пастдаги ишора ўчирилиб, юқоридаги учта ишора бир вақтда ёнса, ҳаракатланиш тақиқланади.

37. Темир йўл кесишимларида ўрнатилган доирасимон оқ ранги миллиловчи ишора транспорт воситаларининг кесишима орқали ҳаракатланишига рухсат беради. Светофорнинг миллиловчи оқ ва қизил ишоралари ўчирилган бўлиб, кўриниш чегарасида темир йўл кесиши масига яқинлашиб келаётган поезд (локомотив, дрезина) бўлмаса ҳаракатланишга рухсат этади.

Темир йўл кесишимларида светофорнинг қизил миллиловчи ишораси билан бир вақтда йўл ҳаракати қатнашчиларининг кесишима орқали ҳаракатланиши тақиқланганлиги тўғрисида қўшимча ахборот сифатида товушли ишора ҳам берилиши мумкин.

38. Тартибга солувчининг ишоралари қўйидаги маънони билдиради:

Кўллари ён томонга узатилганда ёки туширилганда:

чап ва ўнг ён томонидан трамвайга тўғрига, рельссиз транспорт воситаларига тўғрига ва ўнгга ҳаракатланишга, пиёдаларга қатнов қисмини кесиб ўтишга рухсат берилади;

олд ва орқа томонидан барча транспорт воситалари ва пиёдаларнинг ҳаракатланиши тақиқланади.

Ўнг қўли олдинга узатилганда:

чап ёнидан трамвайга чапга, рельссиз транспорт воситаларига барча йўналишларда;

олди томонидан барча транспорт воситаларига факат ўнгга ҳаракатланишга рухсат берилади;

орқа томонидан ва ўнг ёнидан барча транспорт воситаларининг ҳаракатланиши тақиқланади;

пиёдаларга тартибга солувчининг орқа томонида қатнов қисмини кесиб ўтишга рухсат этилади.

Кўлини юқорига кўтарганда:

ушбу Қоидаларнинг 42-бандида кўрсатилганидан бошқа ҳолларда транспорт воситалари ва пиёдаларнинг барча йўналишларда ҳаракатланиши тақиқланади;

тартибга солувчи ҳайдовчи ва пиёдаларга тушунарли бўлган бошқа ишораларни ҳам бериши мумкин. Ишоралар яхши кўриниши учун тартибга солувчи жезл ёки ёруғлик қайтарадиган қизил ранги мосламаларни қўллаши мумкин. Шунингдек, тартибга солувчи ўз фаолиятини махсус мослама (тумба) устида туриб олиб бориши мумкин.

39. Ҳаракатни тартибга солувчи ёки ИИО ходими ўз хизмат вазифаларини бажараётганда, қўл ишораси ёки овоз кучайтиргич ёрдамида ҳайдовчидан транспорт воситасини тўхтатишини талаб қилиши мумкин. Бунда транспорт воситасининг ҳайдовчиси кўрсатилган жойда тўхташи шарт.

40. Йўл ҳаракати қатнашчиларининг эътиборини жалб этиш учун хуштак билан қўшимча ишора берилади.

41. Светофор (реверсивдан ташқари)нинг ёки тартибга солувчининг тақиқловчи ишорасида ҳайдовчилар транспорт воситаларини тўхташ чизиги (5.33 йўл белгиси) олдида (бунда транспорт воситасининг энг олдинги нуқтаси тўхташ чизиги устига чиқиб кетмаслиги керак), бундай чизик бўлмагандა эса:

чорраҳада қатнов қисми билан кесишган жойида, пиёдаларга (ушбу Коидаларнинг 102-бандини ҳисобга олган ҳолда) халақит бермасдан;

темир йўл кесиши маси олдида ушбу Коидаларнинг 119-бандига мувофик;

бошқа жойларда светофор ёки тартибга солувчининг олдида, ҳаракатланишига рухсат берилган транспорт воситалари ва пиёдаларга халақит бермаган ҳолда тўхташи керак.

42. Светофорнинг яшил ишорасидан кейин сариқ ишора ёнгандаги тартибга солувчининг қўли юқорига кўтарилигандаги, Коидаларнинг 41-бандида назарда тутилган жойларда кескин тормоз бермасдан тўхташга улгурда олмайдиган ҳайдовчиларга ҳаракатланиши давом эттиришга рухсат этилади.

Ушбу ишоралар берилганда, қатнов қисмидаги бўлган пиёдалар уни бўшатишлари, агар бунинг иложи бўлмаса, қарама-қарши йўналишлардаги транспорт оқимларини ажратувчи чизикда тўхташлари керак.

43. Тартибга солувчининг ишоралари ва кўрсатмалари светофор ишоралари, йўл белгилари ва чизиклари талабларига зид бўлган ҳолларда ҳайдовчи, велосипедчи ва пиёдалар тартибга солувчининг ишоралари ва кўрсатмаларига амал қилишлари керак.

Светофор ишоралари имтиёз белгилари талабларига зид бўлган ҳолларда ҳайдовчилар светофор ишораларига амал қилишлари керак.

Агар светофорнинг ишоралари ишламаётган бўлса, ҳайдовчи бошқа (кўндаланг) йўналишдаги светофор ишоралари ишламаётганлигига ишонч ҳосил қилганидан сўнггина ҳаракат хавфсизлигини таъминлаган ҳолда ҳаракатни давом эттириши лозим.

8-боб. Огоҳлантирувчи ва авария (хавф-хатар) ишоралари

44. Куйидагилар огоҳлантирувчи ишоралар ҳисобланади:

бурилишни кўрсатадиган милтилловчи чироқ ёки қўл билан бериладиган ишоралар;

тўхташ фара чироғи;

товушли ишоралар;

фара чироқларининг ёқиб ўчирилиши;

сутканинг ёруғ вақтида яқинни ёритувчи фара чироқларини ёқилиши.

45. Ҳайдовчи ҳаракатланиши бошлашдан, қайта тизилишдан, бурилиш (қайрилиб олиш)дан ва тўхташдан олдин тегишли йўналишни кўрсатувчи ёруғлик ишораларини ёқиши, улар бўлмагандаги ёки ишламагандаги қўл билан ишоралар бериши шарт.

Чапга бурилиш (қайрилиб олиш)ни билдирувчи ишорага чап қўлни ёнга узатиш ёки ўнг қўлни тирсакдан тўғри бурчак остида букиб, юқорига кўтариш мос келади.

Ўнгта бурилиш (қайрилиб олиш)ни билдирувчи ишорага ўнг қўлни ёнга узатиш ёки чап қўлни тирсакдан тўғри бурчак остида букиб, юқорига кўтариш мос келади.

Тўхташ ишораси чап ёки ўнг қўлни юқорига кўтариб берилади.

46. Бурилиш кўрсаткичи ёки қўл билан берилаётган ишора манёврни бажаришдан олдинроқ берилиши ва уни тугаллагач, дарҳол тўхтатилиши керак (қўл билан берилаётган ишорани манёврни бевосита бажаришдан олдин тугаллаш мумкин).

Бериладиган ишоралар йўл ҳаракатининг бошқа қатнашчиларини чалғитмаслиги керак.

Огоҳлантирувчи ишора бериш ҳайдовчига олдин ўтиш хуқуқини бермайди ва уни зарурий эҳтиёт чораларини кўриш масъулиятидан озод этмайди.

47. Ҳайдовчи ҳаракат йўналишини ўзгартириш ҳақидаги огоҳлантирувчи ишорани беришдан олдин орқадан келаётган, уни қувиб ўтишни ёки ўзиб кетишни бошлаган ва бошқа ҳаракат иштирокчиларига халақит бермаётганлигига ишонч ҳосил қилиши керак.

48. Товушли ишоралар фақат куйидаги ҳолларда кўлланилиши мумкин:

аҳоли пунктларидан ташқарида бошқа ҳайдовчиларни қувиб ўтиш ҳақида огоҳлантириш учун;

зарур бўлган ҳолларда йўл-транспорт ҳодисасининг олдини олиш учун.

Юқорида кўрсатилган ҳоллардан ташқари товушли ишоралардан фойдаланиш тақиқланади.

49. Қувиб ўтиш ҳақида товушли ишора ўрнига ёки у билан бирга фара чироқларини ёқиб-ўчириб, огоҳлантириш ишорасини ҳам бериш мумкин.

50. Бурилишни кўрсатувчи барча ёруғлик ишораларининг бир вақтда милтиллаши авария (хавф-хатар) ишораси ҳисобланади.

Авария ишораси куйидаги ҳолларда ёқилиши керак:

йўл-транспорт ҳодисаси содир бўлганда;

тўхташ тақиқланган жойларда мажбурий тўхтаганда;

фара чироқлари ёруғлиги ҳайдовчининг кўзини қамаштирганда;

шатакка олишда (шатакка олинган механик транспорт воситасида);

“Болаларни тапшиш” таниқлик белгиларига эга бўлган транспорт воситасига болалар чиқаётганда ва ундан тушаётганда.

Транспорт воситаси хавф туғдириши мумкин бўлган бошқа ҳолларда ҳам ҳайдовчи йўл ҳаракати қатнашчиларини огоҳлантириш мақсадида авария ишорасини ёқиши керак.

51. Транспорт воситаси тўсатдан тўхтаб қолганда, зудлик билан авария ёруғлик ишорасини ёқиши, агар у ишламаса, авария сабабли тўхташ белгисини дарҳол ўрнатиш керак. Авария сабабли тўхташ белгиси қўйидаги ҳолларда қўлланилади:

йўл-транспорт ҳодисаси содир бўлганда;

тўхташ тақиқланган жойларда ва кўриниши чекланган жойларда мажбурий тўхтаганда;

Ушбу белги бошқа ҳайдовчиларни хавфли вазият ҳақида ўз вақтида огоҳлантириш имконини берадиган масофада ўрнатилиши керак. Бу масофа аҳоли пунктларида транспорт воситасидан 15 метр, аҳоли пунктларидан ташқаридаги жойларда эса 30 метрдан кам бўлмаслиги керак.

52. Шатакка олинган механик транспорт воситасида авария ёруғлик ишоралари бўлмаса ёки улар ишламаса, унинг орқа қисмига авария сабабли тўхташ белгиси ўрнатилиши керак.

9-боб. Ҳаракатланишни бошлаш, манёвр қилиш

53. Ҳайдовчи ҳаракатланишни бошлаш, манёвр қилиш (қайта тизилиш, бурилиш, қайрилиб олиш, қувиб ўтиш ва айлануб ўтиш) ва тўхташдан олдин бажарилаётган манёвр бошқа йўл ҳаракати қатнашчиларини ҳаракатланишига хавф туғдирмаслиги керак.

54. Ҳайдовчи ёндош ҳудуддан йўлга чиқаётганда унда ҳаракатланаётган пиёдалар ва транспорт воситаларига, шунингдек, йўлдан чиқишида ҳаракатланиш йўналишини кесиб ўтаётган пиёдалар ва велосипедчиларга йўл бериши керак.

55. Ҳайдовчи қайта тизилишда ҳаракатланиш йўналишини ўзгартирмасдан ҳаракатланаётган йўлакай транспорт воситаларига йўл бериши керак.

Бир йўналишда ҳаракатланаётган транспорт воситалари бир вақтда қайта тизилаётганда, ҳайдовчи ўнг томондаги транспорт воситасига йўл бериши керак.

56. Айланма ҳаракатланиш ташкил қилинган чорраҳаларга кириш учун бурилишдан бошқа барча ҳолларда, ҳайдовчи ўнгта, чапга бурилиши ёки қайрилиб олишдан олдинроқ шу йўналишда ҳаракатланиши учун мўлжалланган қатнов қисмининг энг четки ҳолатни эгаллаши шарт.

Агар 5.8.1 ёки 5.8.2 йўл белгилари ёхуд 1.18 йўл чизиги билан бошқа ҳаракатланиш тартиби ўрнатилмаган бўлса, қатнов қисмининг ўртасида у билан бир сатҳда жойлашган бир йўналишдаги трамвай изидан чапга бурилиш ва қайрилиб олишга рухсат этилади. Бироқ, бу трамвай ҳаракатига халақит бермаслиги керак.

57. Бурилишни шундай амалга ошириш керакки, бунда қатнов қисмларининг кесишмасидан чиқаётган транспорт воситаси қарама-қарши йўналишдаги ҳаракатланиш томонига ўтиб кетмаслиги керак.

Ўнгта бурилишда транспорт воситаси иложи борича қатнов қисмининг ўнг четига яқинроқда ҳаракатланиши керак.

58. Агар транспорт воситаси ўзининг габаритлари (энг катта ташқи ўлчамлари) ёки бошқа сабабларга кўра (энг чекка тасмалардаги тирбандликлар бундан мустасно) Коидаларнинг 56-банди талабларига мувофиқ бурилишни бажара олмаса, ҳаракат хавфсизлигини таъминлаган ҳолда, бошқа транспорт воситаларига халақит бермасдан, талаблардан четга чиқишига йўл қўйилади.

59. Рельссиз транспорт воситасининг ҳайдовчиси чорраҳадан ташқарида чапга бурилиш ёки қайрилиб олишда қарама-қарши йўналишдан ҳаракатланаётган транспорт воситаларига ва бир йўналишдаги трамвайга йўл бериши шарт.

Чорраҳадан ташқарида қайрилиб олишда, агар қатнов қисмининг кенглиги манёврни четки чап ҳолатдан бажариш учун етарли бўлмаса, уни қатнов қисмининг ўнг четидан (ўнг йўл ёқасидан) амалга оширишга йўл қўйилади. Бу ҳолда ҳайдовчи шу йўналишдаги ва қарама-қарши йўналишдаги транспорт воситаларига йўл бериши шарт.

60. Транспорт воситаларининг ҳаракатланиш йўналишлари кесишигданда ва ўтиш навбати Коидаларда назарда тутилмаган ҳолларда, ҳайдовчи ўнг томондан яқинлашаётган транспорт воситасига йўл бериши керак.

61. Секинлашиш бўлаги бор бўлган йўлда бурилмоқчи бўлган ҳайдовчи ўз вақтида ушбу тасмага қайта тизилиши ва тезликни фақат унда камайтириши керак.

Йўлга чиқиш жойида тезлашиш бўлаги бўлса, ҳайдовчи унда ҳаракатланиши ва қўшни тасмада ҳаракатланаётган транспорт воситаларига йўл бериб, транспорт оқимиға қўшилиши керак.

62. Куйидаги жойларда қайрилиб олиш тақиқланади:

- пиёдаларнинг ўтиш жойларида;
- туннелларда;
- кўприклар, йўл ўтказгичлар, эстакадалар ва уларнинг остида (тегишли йўл белгилари билан бундай манёврни бажариш рухсат берилган йўл қисмлари бундан мустасно);

темир йўл кесишималарида;

йўлнинг кўриниши бирор-бир йўналишда 100 метрдан кам бўлган жойларда.

63. Транспорт воситасини орқага ҳаракатлантиришда ҳайдовчи йўл ҳаракати - хавфсизлигини таъминлаши ва йўл ҳаракатининг бошқа қатнашчиларига халақит бермаслиги шарт. Зарурат туғилганда ҳайдовчи бошқа шахсларнинг ёрдамидан фойдаланиши керак.

Орқага ҳаракатланиш чорраҳаларда ва ушбу Коидаларнинг 62-бандига мувофиқ қайрилиб олиш мумкин бўлмаган жойларда тақиқланади.

10-боб. Йўлнинг қатнов қисмида транспорт воситаларининг жойлашуви

64. Рельссиз транспорт воситалари ҳаракатланадиган тасмалар сони чизиклар ва (ёки) 5.8.1, 5.8.2, 5.8.7, 5.8.8 йўл белгилари билан белгиланади. Бундай чизиклар ёки йўл белгилари бўлмаса, ҳайдовчилар ҳаракатланиш тасмалари сонини, қатнов қисмининг кенглигини, транспорт воситалари орасидаги зарур ёнлама оралиқ масофани ва уларнинг габарит ўлчамларини ҳисобга олган ҳолда ўзлари аниклайдилар. Бунда ҳаракатланиш икки томонлама бўлган йўл қатнов қисмининг чап томондаги ярми, қатнов қисмининг жойлардаги кенгайишлари (секинлашиш ва тезлашиш тасмалари, баландликка кўтарилишдаги қўшимча тасмалар, йўналиши транспорт воситаларининг тўхташ жойларидаги кенгайишлар)ни ҳисобга олмаган ҳолда, қарама-қарши йўналишда ҳаракатланиш учун мўлжалланган деб ҳисобланади.

Трамвай йўли, ажратувчи тасма, узлуксиз 1.1, 1.3 йўл чизиклар ёки узук-узук томони чапда жойлашган 1.11 йўл чизиги билан ажратилган йўлларда қарама-қарши йўналишга чиқиш тақиқланади.

65. Тўрт ва ундан ортиқ тасмали, ҳаракат икки томонлама бўлган йўлларда қарама-қарши йўналишда ҳаракатланиш учун мўлжалланган тасмаларга чиқиш тақиқланади.

66. Ҳаракат икки томонлама бўлган ва чизиқлар билан белгиланган (1.9 йўл чизиги билан белгиланганидан ташқари) учта тасмали йўлларда, икки йўналишда ҳаракатланиш учун мўлжалланган ўрта қаторга фақат қувиб ўтиш, айланиб ўтиш, чапга бурилиш ва қайрилиб олиш учунгина чиқишга рухсат этилади. Қарама-қарши йўналишда ҳаракатланиш учун мўлжалланган четки чап қаторни эгаллаш тақиқланади.

67. Аҳоли пунктларидан ташқаридаги йўлларда ҳамда аҳоли пунктларидан айрим турдаги транспорт воситалари учун ушбу Қоидаларда белгилангандан юқори тезлиқда ҳаракатланиш рухсат этилган йўл қисмларида ҳайдовчилар транспорт воситаларини мумкин қадар қатнов қисмининг ўнг четига яқинроқ олиб ҳаракатланишлари керак. Ўнг тасмалар бўш бўлганда чап тасмаларни эгаллаш тақиқланади.

Аҳоли пунктларидан ушбу банднинг биринчи хатбоши ва ушбу Қоидаларнинг 69, 123 ва 161-бандларидаги талабларни ҳисобга олган ҳолда, ҳайдовчилар ўзларига қулай бўлган ҳаракатланиш бўлагидан фойдаланишлари мумкин. Ҳаракатланиш серқатновлиги сабабли бошқа тасмалар банд бўлганда ҳаракатланиш қаторини фақат ўнгга ёки чапга бурилиш, қайрилиб олиш, тўхташ ёки тўсиқни айланиб ўтиш учун ўзгартиришга рухсат этилади.

Бироқ, бир йўналишдаги уч ва ундан ортиқ тасмали ҳар қандай йўлда четки чап қаторни ҳаракат серқатновлиги сабабли бошқа бўлаклар банд бўлган ҳолларда, шунингдек, қувиб ўтиш, чапга бурилиш ёки қайрилиб олишга, юк автомобилларига фақат чапга бурилиш ёки қайрилиб олиш учун четки чап қаторни эгаллашга рухсат этилади.

Бошқа ҳолларда юк автомобилларига йўлнинг четки чап қаторида ҳаракатланиш тақиқланади.

Ҳаракат бир томонлама бўлган йўлнинг чап бўлагида тўхташ ва тўхтаб туриш ушбу Қоидаларнинг 88-бандига мувофиқ амалга оширилади.

68. Тезлигини соатига 40 километрдан ошириши мумкин бўлмаган ёки техник сабабларга кўра тезлигини бундан ошира олмайдиган транспорт воситалари айланиб ўтиш, қувиб ўтиш, чапга бурилиш ёки қайрилиб олиш учун қайта тизилишдан ёки рухсат этилган ҳолларда йўлнинг чап томонида тўхташдан бошқа ҳолларда фақат четки ўнг қаторида ҳаракатланишлари керак.

69. Бир йўналишдаги қатнов қисмининг чап томонида у билан бир сатҳда жойлашган трамвай йўлидан, шу йўналишдаги бошқа тасмалар банд бўлганда ҳаракатланишга, шунингдек, айланиб ўтишга, чапга бурилиш ва қайрилиб олишга ушбу Қоидаларнинг 56-бандини ҳисобга олган ҳолда рухсат этилади. Бироқ бу трамвайга халақит бермаслиги керак. Қарама-қарши йўналишдаги трамвай йўлидан ҳаракатланиш тақиқланади.

Агар чорраҳадан олдин 5.8.1 ёки 5.8.2 йўл белгилари ўрнатилган бўлса, чорраҳадан ўтишда трамвай йўлларидан ҳаракатланиш тақиқланади.

70. Агар қатнов қисми йўл чизиқлари билан тасмаларга ажратилган бўлса, транспорт воситаларининг ҳаракатланиши қатъий равища белгиланган тасмаларда амалга оширилиши керак. Фақат қайта тизилишда узук-узук чизиқларни босиб ўтишга рухсат этилади.

71. Реверсив ҳаракатланиши йўлга бурилишда ҳайдовчи транспорт воситасини шундай бошқариши керакки, бунда транспорт воситаси қатнов қисмлари кесишимасидан чиқишида четки ўнг қаторни эгаллаши керак. Шу йўналишдаги бошқа тасмалардан ҳам ҳаракатланиш рухсат этилганига ишонч ҳосил қилингандан кейингина ҳайдовчига қайта тизилишга рухсат этилади.

72. Коидаларнинг 88, 166-бандларида кўзда тутилганлардан бошқа ҳолларда транспорт воситаларининг ажратувчи минтақалар, йўл ёқалари, тротуарлар, пиёдалар йўлкаларида, велосипед йўлкалари, велосипедчилар учун тасмалар, пиёдалар ва велосипедчиларнинг бирга ва алоҳида ҳаракатланадиган йўлакларда механик транспорт воситаларининг ҳаракатланиши тақиқланади.

Бу жойларда йўлдан фойдаланиш ва коммунал хизмат машиналарининг ҳаракатланишига, шунингдек, бевосита йўл ёқалари, тротуарлар ёки пиёдалар йўлкалари олдида жойлашган савдо шохобчалари, корхоналар ва бошқа иншоостларга юқ олиб кириш учун бошқа имконияти бўлмаган транспорт воситаларига яқин йўлдан киришга рухсат этилади. Бунда ҳаракатланиш хавфсизлиги таъминланган бўлиши шарт.

73. Ҳайдовчи ўзидан олдинда ҳаракатланаётган транспорт воситаси кескин тормоз берганда, тўқнашиб кетмаслик кафолатини берадиган даражадаги оралиқ масофани, шунингдек, йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлайдиган ёнлама оралиқ масофани сақлаши керак.

74. Аҳоли яшаш жойларидан ташқаридаги икки томонлама ҳаракат ташкил этилган икки тасмали йўлларда тезлигини соатига 50 километрдан ошириши мумкин бўлмаган, шунингдек, узунлиги 7 метрдан ортиқ бўлган транспорт воситаларининг (транспорт воситаларининг таркиби) ҳайдовчилари ўзи ва олдида ҳаракатланаётган транспорт воситаси орасида, уларни қувиб ўтаётган транспорт воситалари олдин эгаллаган қаторига бемалол қайта тизилиши учун имкон берадиган масофани сақлашлари керак.

Қувиб ўтиш тақиқланган йўлларда, шунингдек, транспорт воситаларининг ташкилий жамланмаси таркибида ва серқатнов бўлган йўлларда ҳаракатланаётганда ушбу талабга амал қилинмайди.

75. Агар бирор тўсиқ сабабли қарама-қарши йўналишларда ҳаракатланиш қийин бўлса, тўсиқ ўз томонида бўлган ҳайдовчи йўл бериши керак.

76. Агар йўл белгилари ва чизиқлари бошқа йўналишни кўрсатмаган бўлса, ҳайдовчилар ажратувчи бўлгаги бўлмаган икки томонлама ҳаракат ташкил этилган йўллардаги хавфсизлик оролчалари, устунчалар ва йўл иншооти қисмлари (кўприк, йўл ўтказгич устунлари ва шунга ўхшашлар)ни ўнг томондан айланиб ўтишлари керак.

11-боб. Ҳаракатланиш тезлиги

77. Ҳайдовчи ҳаракатланишнинг серқатновлигини, транспорт воситасининг ва юкнинг хусусияти ҳамда ҳолатини, йўл ва об-ҳаво шароитини, шунингдек, ҳаракатланиш йўналишидаги қўринишни ҳисобга олиб транспорт воситасини белгиланган тезлиқдан оширмаган ҳолда хавфсизликни таъминловчи тезлик билан бошқариши керак.

Тезлик ҳайдовчига ушбу Қоидалар талабларини бажариш учун транспорт воситасининг ҳаракатланишини доимий назорат қилиб бориш имкониятини беринши керак.

Ҳайдовчи транспорт воситасини бошқариш пайтида аниқлай олиши мумкин бўлган хавф юзага келса, у транспорт воситасининг тезлигини тўлиқ тўхташни таъминлайдиган даражада камайтириши ёки тўсиқни бошқа ҳаракат қатнашчилари учун хавф туғдирмаган ҳолда айланиб ўтиш чораларини кўриши керак.

78. Аҳоли пунктларида транспорт воситаларининг тезлигини соатига 70 километрдан, тегишли йўл белгилари ўрнатилган мактаб ва мактабгача таълим ташкилотларига етмасдан ва ўтиб кетиб 300 метрдан кам масофада соатига 30 километрдан, туар жой даҳалари ва ёндош ҳудудларда (уй-жой бинолари орасидаги ер участкасида) эса соатига 20 километрдан оширмасдан ҳаракатланишга рухсат этилади.

Йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш соҳасидаги республика маҳсус комиссиясининг қарорига асосан Тошкент шаҳри ва йирик шаҳарларнинг йўл ҳаракати қатнови юқори ва аҳоли гавжум ҳудудларида транспорт воситаларининг тезлигини соатига 60 километрдан оширмасдан ҳаракатланишга рухсат этилади.

79. Аҳоли пунктларидан ташқарида:

енгил автомобилларга ва рухсат этилган тўлиқ вазни 3,5 тоннадан ошмайдиган юк автомобилларига тезликни соатига 100 километрдан оширмасдан;

шаҳарлараро қатнайдиган автобусларга ва микроавтобусларга тезликни соатига 90 километрдан оширмасдан;

бошқа автобуслар, тиркамали енгил автомобиллар, мотоцикллар, рухсат этилган тўлиқ вазни 3,5 тоннадан ортиқ бўлган юк автомобилларига тезликни соатига 80 километрдан оширмасдан;

тиркамали юк автомобилларига тезликни соатига 70 километрдан оширмасдан ҳаракатланиш рухсат этилади.

80. Ҳар қандай йўлларда:

юкхонасида одам ташиётган юк автомобилларига тезликни соатига 60 километрдан оширмасдан;

болалар гурухини ташкилий ташиётган транспорт воситаларида тезликни соатига 60 километрдан оширмасдан;

механик транспорт воситаларини шатакка олган транспорт воситаларида тезликни соатига 50 километрдан оширмасдан;

хавфли, оғир вазни ва катта ўлчамли юкларни ташиётган, ташкилий жамланмада ҳаракатланаётган транспорт воситаларида **ДИХХХ** билан келишилган тезлиқдан оширмасдан ҳаракатланишга рухсат этилади.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, Тошкент шаҳар ва вилоятлар ҳокимликлари **ДИХХХ** билан келишилган ҳолда, йўл шароитлари юқори ва кичик тезлиқда хавфсиз ҳаракатланишини таъминлайдиган ҳолларда, йўлларнинг айрим қисмлари ёки ҳаракатланиш тасмаларида ҳаракатланиш тезлигини оширишга ёки камайтиришга (тегишли йўл белгилари ўрнатиб) рухсат беради.

81. Ҳайдовчига қўйидагилар тақиқланади:

тезликни мазкур транспорт воситасининг техник тавсифномасида кўрсатилган энг юқори тезлиқдан ошириш;

тезликни транспорт воситасига ўрнатилган “Тезлиги чекланган” таниклик белгисида кўрсатилганидан ошириш;

зарурият бўлмагандан жуда паст тезлиқда ҳаракатланиб, бошқа транспорт воситаларига халақит бериш;

йўл-транспорт ҳодисасининг олдини олиш зарурати бўлмагандан, кескин тормоз бериш.

12-боб. Қувиб ўтиш

82. Қувиб ўтишни бошлашдан олдин ҳайдовчи чапга бурилишни билдирувчи ишорасини ёқиб:

ўзи ўтмокчи бўлган ҳаракатланиш бўлаги қувиб ўтиш учун етарлича масофада бўш эканлигига, қувиб ўтиш жараёнида ҳаракатланишга хавф туғдирмаслигига ва бошқа ҳаракат қатнашчиларига халақит бермаслигига;

шу тасмада орқада ҳаракатланаётган транспорт воситаси қувиб ўтишни бошламаганлигига;

олдинда ҳаракатланаётган транспорт воситаси қувиб ўтиш, чапга бурилиш (қайта тизилиш) ишорасини бермаётганлигига;

кувиб ўтишни тугаллаётганда қувиб ўтилаётган транспорт воситасига халақит бермасдан илгари эгаллаган қаторга қайтиб ўта олишига ишонч ҳосил қилиши шарт.

83. Бир йўналишда ҳаракатланаётган рельссиз транспорт воситаларини ҳар икки томонидан ўзиб кетишга рухсат берилади. Бироқ чапга бурилиш ишорасини бериб, бурилишга киришган транспорт воситасини ўзиб кетиш ўнг томондан амалга оширилади.

84. Қувиб ўтилаётган транспорт воситасининг ҳайдовчисига ҳаракатланиш тезлигини ошириш ёки бошқа хатти-ҳаракатлар билан қувиб ўтишга тўқинлик қилиш тақиқланади.

85. Қувиб ўтишни тугаллагандан сўнг ҳайдовчи илгари эгаллаган ҳаракатланиш йўналишига қайтиши шарт.

86. Қувиб ўтиш қўйидаги ҳолларда тақиқланади:

тартибга солинган чорраҳаларда;

тартибга солинмайдиган чорраҳаларда асосий ҳисобланмайдиган йўлларда ҳаракатланишда;

кўприкларда, йўл ўтказгичларда, эстакадаларда ва уларнинг остида;

пиёдалар ўтиш жойларида;

темир йўл кесишмаларида ва уларгача 100 метрдан кам масофа қолганда;

кувиб ёки айланиб ўтаётган транспорт воситаларини;

тепаликнинг охирида ва йўлнинг кўриниши чекланган жойларида;

3.20 ва 3.22 йўл белгилари таъсир оралиғида.

87. Аҳоли пунктларидан ташқаридаги йўлларда секин ҳаракатланадиган, катта ҳажмли ёки катта ҳажмли юк ташиётган транспорт воситасини қувиб ўтиш қийин бўлган ҳолларда унинг ҳайдовчиси ушбу транспорт воситасини иложи борича йўлнинг ўнг томонига олиши, зарур бўлганда эса орқасида тўпланиб қолган транспорт воситаларини ўтказиб юбориш учун тўхташи керак.

13-боб. Тўхташ ва тўхтаб туриш

88. Транспорт воситаларига йўлнинг ўнг томонида йўл ёқасида, у бўлмаганда эса қатнов қисмининг четида ва Қоидаларнинг 89-бандида кўрсатилган ҳолларда тротуарда тўхташ ва тўхтаб туришга рухсат этилади.

Аҳоли пунктларида ўртада трамвай йўли бўлмаган, ҳар йўналишда биттадан тасмаси бўлган, шунингдек бир томонлама ҳаракат ташкил этилган йўлларда йўлнинг чап томонида тўхташ ва тўхтаб туришга рухсат этилади.

Рухсат этилган тўлиқ вазни 3,5 тоннадан кўп бўлган юк транспорт воситалари бир томонлама ҳаракатли йўлларнинг чап томонида фақат юк ортиш ва тушириш учун тўхташлари мумкин.

89. Транспорт воситаларини йўлнинг қатнов қисмида бир қатор қилиб, қатнов қисми четига йўл ҳаракатининг бошқа қатнашчиларига халақит бермаслик шарти билан фақат параллель равища кажаваси бўлмаган икки филдиракли транспорт воситаларини икки қатор қилиб қўйишга рухсат этилади.

Қатнов қисмининг айрим кенгайтирилиб қатнов қисмидан ажратилган жойларида йўл ҳаракатининг бошқа қатнашчиларига халақит бермаслик шарти билан бошқача тартибда қўйишга ҳам рухсат этилади.

Қатнов қисмига чегарадош тротуар четида фақат енгил автомобиллар, мотоцикллар, мопедлар ва велосипедларга тўхтаб туришга 5.15 йўл белгиси билан бирга 7.6.2, 7.6.3, 7.6.6–7.6.9 қўшимча ахборот белгиларидан бири ўрнатилган жойларда рухсат этилади.

90. Аҳоли пунктларидан ташқарида тунаб қолиш, дам олиш ёки бошқа мақсадларда узоқ вақт тўхтаб туришга фақат бунинг учун кўзда тутилган майдончаларда ёки йўлдан ташқарида рухсат этилади.

91. Қуйидагиларда тўхташ тақиқланади:

трамвай йўлларида, шунингдек, бевосита уларга яқинроқда трамвайлар ҳаракатланишига халақит берадиган ҳолларда;

темир йўл кесишмаларида;

туннелларда;

бир йўналишда ҳаракатланиш учун учтадан кам тасмага эга бўлган кўприк, йўл ўтказгич ва эстакадаларнинг устида;

кўприк, йўл ўтказгич ва эстакадаларнинг остида (тегишли йўл белгилари билан тўхтаб туриш рухсат берилган йўл қисмлари бундан мустасно);

бошқа транспорт воситаларининг ҳаракатланишига тўсқинлик қилган ҳолда йўлнинг қатнов қисмларида;

тўхтаган транспорт воситаси билан бўйлама сидирға чизик (қатнов қисмининг четини белгиловчи чизикдан ташқари), ажратувчи минақа ёки қатнов қисмининг қарама-қарши чети орасидаги масофа 3 метрдан кам бўлган жойларда;

пиёдалар ўтиш жойларида ва улардан олдин 10 метрдан кам масофа қолганда;

велосипед йўлкаси билан кесишувда ва улардан олдин 10 метрдан кам масофа қолганда;

велосипедчилар учун тасмада (одам тушириш ва одам миндириш бундан мустасно);

қатнов қисмида кўриниш масофаси 100 метрдан кам бўлган йўл дўнгликлари яқинида ва хавфли бурилишларда;

қатнов қисми кесишималарида ва кесишаётган қатнов қисми четига 30 метрдан кам масофада (уч томонлама кесишадиган чорраҳаларда ёндан туташган йўлнинг сидирға чизик ёки ажратувчи минақа билан ажратилган қарама-қарши томони бундан мустасно);

бекат майдончаларида, йўналишли транспорт воситалари тўхташ жойларида, жумладан, 1.17 чизиги билан белгиланган, улар бўлмаганда эса йўналишли транспорт воситалари тўхташ жойи белгилари ва бекатдан ҳаракатланиш йўналиши бўйлаб (етмасдан ва ўтиб кетиб) 15 метрдан кам масофада (йўналишли транспорт воситалари ҳаракатига халақит бермаса йўловчиларни чиқариш ёки тушириш учун тўхташ бундан мустасно);

транспорт воситаси светофор ишоралари, йўл белгиларини бошқа ҳайдовчилардан тўсиб қўядиган, бошқа транспорт воситаларининг ҳаракатланишига (кириш ва чиқишига) имкон қолдирмайдиган ёки пиёдаларнинг ҳаракатига халақит берадиган жойларда;

транспорт воситаларининг қайрилиб олиш жойларида ва унга 30 метр етмасдан ёки ўтиб;

3.27 йўл белгиси ёки 1.4 йўл чизиги таъсири оралиғида.

5.15 ва 7.17 йўл белгилари ёки 1.24 йўл чизигининг биргаликдаги таъсири оралиғида, ногиронлиги бўлган шахслар томонидан бошқариладиган транспорт воситалари бундан мустасно.

92. Қуйидагиларда тўхтаб туриш тақиқланади:

тўхташ тақиқланган жойларда;

аҳоли пунктларидан ташқарида 2.1 йўл белгиси билан белгиланган йўлларнинг қатнов қисмида;

темир йўл кесишималарининг (ҳар иккала томонида) 50 метр яқинида;

3.27 – 3.30 йўл белгилари ёки 1.4, 1.10 йўл чизиқлари таъсири оралиғида;

5.15 ва 7.17 йўл белгилари ёки 1.24 йўл чизигининг биргаликдаги таъсири оралиғида, ногиронлиги бўлган шахслар томонидан бошқариладиган транспорт воситалари бундан мустасно.

93. Тўхташ тақиқланган жойларда мажбурий тўхтаганда, ҳайдовчи транспорт воситасини йўлнинг четига олиб чиқиш ва ушбу жойдан олиб кетишининг барча чораларини кўриши шарт.

94. Агар йўл ҳаракатининг бошқа қатнашчиларига халақит берадиган бўлса ёки хавф тугдирса, транспорт воситасининг эшикларини очиш тақиқланади.

95. Транспорт воситасининг ўз-ўзидан ҳаракатланиб кетишини ёки ўзи йўқлигига ундан фойдаланишни истисно қиласидан зарур эҳтиёт чораларини кўргандан кейингина ҳайдовчи ўз жойини ташлаб кетиши ёки транспорт воситасини қолдириши мумкин.

14-боб. Чорраҳаларда ҳаракатланиш

96. Чапга ёки ўнгга бурилаётган ҳайдовчи кесишаётган йўлнинг қатнов қисмидан ўтаётган пиёда(лар)га, шунингдек велосипед йўлкасидан йўлни кесиб ўтаётган велосипедчи(лар)га йўл бериши керак.

97. Ҳайдовчи тирбандлик туфайли мажбурий тўхтаб, кўндаланг йўналишдаги транспорт воситаларининг ҳаракатланишига тўсқинлик туғдирадиган бўлса, чорраҳага кириши, агар тўхташ чизиги ёки 5.33 йўл белгисидан ўтиб бўлган ҳайдовчига эса қатнов қисмлари кесишимасига кириши тақиқланади.

98. Ҳаракатланиш навбати светофор ёки тартибга соловчининг ишоралари билан бошқариладиган чорраҳа – тартибга солинган чорраҳа ҳисобланади.

Милтиловчи сарик ишора ёниб-ўчаётган, светофорлар ишламаётган ёки тартибга соловчи бўлмаган чорраҳа – тартибга солинмаган чорраҳа ҳисобланади. Ҳайдовчилар тартибга солинмаган чорраҳалардан ўтиш қоидаларига ҳамда чорраҳада ўрнатилган имтиёз белгиларига амал қилишлари шарт.

Айланма ҳаракатланиш чорраҳасида ҳаракатланаётган транспорт воситалари айланага кириб келаётган транспорт воситаларига нисбатан устунликка (имтиёзга) эга.

15-боб. Тартибга солинган чорраҳалар

99. Светофорнинг рухсат этувчи ишорасида чапга бурилаётган ёки қайрилиб олаётган рельссиз транспорт воситасининг ҳайдовчиси қарама-қарши томондан тўғрига ҳаракатланаётган ва ўнгга бурилаётган транспорт воситаларига йўл бериши шарт. Трамвай ҳайдовчилари ҳам ушбу Қоидага амал қилишлари керак.

100. Светофорнинг тақиқловчи қизил ёки сарик ишораси билан бир вақтда ёнган қўшимча тармоқнинг кўрсаткичли яшил ишораси йўналишида ҳаракатланаётган ҳайдовчи бошқа йўналишлардан ҳаракатланаётган транспорт воситаларига йўл бериши керак.

101. Агар светофор ёки тартибга соловчининг ишоралари трамвай ва рельссиз транспорт воситаларига бир вақтда ҳаракатланишга рухсат берса, ҳаракатланиш йўналишидан қатъи назар, трамвай олдин ўтиш хукуқига эга бўлади.

Светофорнинг қизил ёки сариқ ишораси билан бир вақтда ёнган кўшимча тармоғининг йўналтиргичли яшил ишораси йўналишида ҳаракатланаётган трамвай бошқа йўналишларда ҳаракатланаётган транспорт воситаларига йўл бериши керак.

102. Светофорнинг рухсат этувчи ишорасида чорраҳага кирган ҳайдовчи ундан чиқишида светофор ишораларидан қатъий назар, мўлжалланган йўналишда ҳаракатланиши давом эттириши керак. Бироқ чорраҳада ҳайдовчининг ҳаракатланиш йўлида жойлашган светофорлар олдида тўхташ чизиклари (ёки 5.33 йўл белгиси) бўлса, у ҳар бир светофор ишораларига амал қилиши шарт.

103. Светофорнинг рухсат этувчи ишораси ёнганда ҳайдовчи чорраҳа орқали ҳаракатланиши тугаллаётган транспорт воситалари ва қатнов қисмидан тегишли йўналишда ўтишни тугаллаётган пиёда(лар)га йўл бериши шарт.

16-боб. Тартибга солинмаган чорраҳалар

104. Тенг аҳамиятга эга бўлмаган йўллар кесишган чорраҳада иккинчи даражали йўлдан ҳаракатланаётган транспорт воситасининг ҳайдовчиси асосий йўлдан яқинлашаётган транспорт воситаларига уларнинг кейинги ҳаракатланиш йўналишидан қатъий назар, йўл бериши керак.

Бундай чорраҳаларда трамвай ҳаракатланиш йўналишидан қатъий назар, тенг аҳамиятли йўлда бир йўналишда ёки қарама-қарши йўналишда ҳаракатланаётган рельссиз транспорт воситаларига нисбатан имтиёзга эга.

105. Тенг аҳамиятга эга бўлган йўллар кесишган чорраҳада рельссиз транспорт воситасининг ҳайдовчиси ўнгдан яқинлашаётган транспорт воситаларига йўл бериши шарт. Бу қоидага трамвай ҳайдовчилари ҳам ўзаро амал қилишлари керак.

Бундай чорраҳаларда кейинги ҳаракат йўналишидан қатъий назар, трамвай рельссиз транспорт воситаларига нисбатан олдин ўтиш хукуқига эга бўлади.

106. Асосий йўлнинг йўналиши чорраҳада ўзгарганда, асосий йўлда ҳаракатланаётган ҳайдовчилар ўзаро тенг аҳамиятли йўллар чорраҳасидан ўтиш қоидасига амал қилишлари керак.

Иккинчи даражали йўлларда ҳаракатланаётган ҳайдовчилар ҳам ўзаро шу қоидага амал қилишлари керак.

107. Чапга бурилишда ёки қайрилиб олишда рельссиз транспорт воситасининг ҳайдовчиси тенг аҳамиятли йўлдан қарама-қарши йўналишдан тўғрига ёки ўнгга ҳаракатланаётган транспорт воситаларига йўл бериши шарт. Бу қоидага трамвай ҳайдовчилари ҳам ўзаро амал қилишлари керак.

108. Агар ҳайдовчи ўзи ҳаракатланаётган йўлнинг қопламаси бор-йўқлигини аниқлай олмаса (коронғи вақт, лой, қор ва бошқалар) ва имтиёз белгилари бўлмаса, унда у ўзини иккинчи даражали йўлда деб ҳисоблаши керак.

17-боб. Пиёдаларнинг ўтиш жойлари ва йўналиши транспорт воситаларининг бекатлари

109. Тартибга солинмаган пиёдалар ўтиш жойига яқинлашаётган транспорт воситасининг ҳайдовчиси қатнов қисмининг шу йўналишини кесиб ўтаётган пиёда(лар)ни ўтказиб юбориш учун тезлигини камайтириши ёки тўхташи шарт.

110. Агар тартибга солинмаган пиёдалар ўтиш жойи олдида транспорт воситаси ҳаракатини секинлаштирса ёки тўхтаса, қўшни тасмаларда ҳаракатланаётган бошқа ҳайдовчилар бу транспорт воситаси олдида пиёда(лар) йўқлигига ишонч ҳосил қилганларидан сўнггина ҳаракатланишини давом эттиришлари мумкин.

111. Тартибга солинган пиёдалар ўтиш жойларида ҳайдовчилар светофорнинг рухсат этувчи ишораси ёнган тақдирда ҳам пиёда(лар)га қатнов қисмини шу йўналишда кесиб ўтишни тугаллашига имкон беришлари керак.

112. Пиёдалар ўтиш жойларидан кейин пайдо бўлган тирбандлик туфайли ҳайдовчи пиёдалар ўтиш жойида тўхташга мажбур бўладиган бўлса, пиёдалар ўтиш жойига кириш тақиқланади.

113. Барча ҳолларда, шу жумладан, пиёдалар ўтиш жойларидан ташқарида ҳам ҳайдовчи оқ ҳасса билан ишора бераётган кўзи ожиз пиёда(лар)ни ўтказиб юбориши керак.

114. Агар йўловчиларни тушириш ёки чиқариш қатнов қисмида ёки унда жойлашган майдончада амалга сширилаётган бўлса, ҳайдовчи бекатда тўхтаган йўналиши транспорт воситаси эшиклари томон бораётган ёки ундан келаётган пиёда(лар)га йўл бериши керак.

115. “Болалар гурухини ташиш” таниқлик белгиси ўрнатилган, авария ишораси ёқилган транспорт воситаси тўхтаганда, унга яқинлашаётган ҳайдовчи ҳаракат тезлигини камайтириши, зарур бўлса, тўхташи ва болаларни ўтказиб юбориши шарт.

18-боб. Темир йўл кесишимлари орқали ҳаракатланиш

116. Транспорт воситаларининг ҳайдовчилари темир йўлларни факат темир йўл кесишимлари орқали поезд (локомотив, дрезина)ларга йўл бериб кесиб ўтишлари лозим.

117. Темир йўл кесишимасига яқинлашиб уни кесиб ўтмоқчи бўлган ҳайдовчи кесишима навбатчисининг кўрсатмаларига, светофорлар ишораларига, йўл белгиларига, йўл чизикларига, шлагбаум ҳолатига амал қилиши ва яқинлашаётган поезд (локомотив, дрезина) йўқлигига ишонч ҳосил қилиш шарт.

118. Куйидаги ҳолларда темир йўл кесишимасига кириш тақиқланади:
светофор ишорасидан қатъи назар, шлагбаум ёпиқ турган ёки ёпила бошлаган ҳолатда, кесишимани тўсувчи қурилма кўтарилиб турган ёки кўтарила бошлаган ҳолатда;

шлагбаумнинг ҳолатидан ва бор-йўқлигидан қатъий назар светофорнинг тақиқловчи ишорасида;

кесишима навбатчисининг тақиқловчи ишорасида (навбатчи ҳайдовчига олди ёки орқаси билан туриб жезлни, қизил чироқ ёки байроқчани юқорига кўтариб турса ёки кўлларини ёнга узатса);

агар кесишимдан кейин, ҳайдовчини кесишимада тўхташга мажбур қиласидиган тирбандлик пайдо бўлса;

агар кўриниш чегарасидаги масофада кесишимага поезд (локомотив, дрезина) яқинлашаётган бўлса.

Бундан ташқари:

кесишима олдида турган транспорт воситаларини қарама-қарши ҳаракатланиш бўлагига чиқиб айланиб ўтиш;

шлагбаумни ўзбошимчалик билан очиш;

транспорт ҳолатига келтирилмаган қишлоқ хўжалиги, йўл қурилиши, қурилиш ва бошқа машина ҳамда механизмларни кесишима орқали олиб ўтиш;

темир йўл дистанцияси бошлигининг рухсатисиз тезлиги соатига 8 километрдан кам бўлган транспорт воситаларининг ҳаракатланиши тақиқланади.

119. Кесишима орқали ҳаракатланиш тақиқланган ҳолларда ҳайдовчи тўхташ чизиги, 2.5 йўл белгиси ёки светофор олдида, улар бўлмагандан шлагбаумга камида 5 метр, шлагбаум бўлмагандан эса биринчи темир йўл изига камида 10 метр қолганда тўхташи керак.

120. Темир йўл кесишимасида мажбуран тўхтаб қолган транспорт воситасининг ҳайдовчиси дарҳол одамларни тушириш ва кесишимани бўшатиш чораларини кўриши;

Шу билан бир вақтда ҳайдовчи:

имконияти бўлганда, яқинлашиб келаётган поезд машинистига тўхташ ишорасини бериш қоидасини тушунтириб, икки кишини темир йўл ёқаси бўйлаб иккала томонга 1000 метр масофага (агар бир киши бўлса – уни йўл яхши кўринмайдиган томонга) юбориши;

транспорт воситаси ёнида қолиши ва умумий хатар ишорасини бериши;

поезд кўринганда тўхташ ишорасини бериб, у келаётган томонга югуриши керак.

Тўхташ ишораси қўлни (кундузи ёрқин мато парчаси ёки аниқ кўринадиган бирор нарса билан, тунда эса машъала ёки чироқ билан) гир айлантириш орқали берилади.

Битта узун ва учта қисқа товушли ишоралар умумий хатар ишораси ҳисобланади.

19-боб. Автомагистралларда ҳаракатланиш

121. Автомагистралларда қуйидагилар тақиқланади:

пиёдалар, уй ҳайвонлари, от-аравалар, велосипедлар, мопедлар, тракторлар ва ўзиюрар ускуналар, техник тавсифномасига ёки ҳолатига кўра тезлиги соатига 40 километрдан кам бўлган транспорт воситаларининг ҳаракатланиши;

юқ автомобилларига йўлнинг четки чап қаторида ҳаракатланиши;

5.15 ёки 6.11 йўл белгилари билан белгиланган маҳсус тўхтаб туриш майдончаларидан бошқа жойларда тўхташ;

ажратувчи бўлакнинг технологик узилиш жойларига кириш ва уларда қайрилиб олиш;

орқага ҳаракатланиш;

транспорт воситасини ўрганиш учун бошқариш.

122. Ҳайдовчи қатнов қисмида мажбурий тўхтаганда, транспорт воситасини ушбу Қоидаларнинг 8-боби талабларига мувофиқ белгилаши ва бундай ҳолатлар учун мўлжалланган тасмага (қатнов қисмининг четини билдирувчи чизикдан ўнгрокда) олиб чиқишнинг барча чораларини кўриши керак.

20-боб. Тураг жой даҳаларида ҳаракатланиш

123. Тураг жой даҳалари (кириш ва чиқиш 5.38 ва 5.39 йўл белгилари билан белгиланган худудлар)да пиёдаларга тротуарлар ҳамда қатнов қисмида ҳаракатланишга рухсат этилади. Бунда пиёдалар имтиёзга эга бўладилар, бироқ улар транспорт воситаларининг ҳаракатланишига асоссиз халақит бермасликлари керак.

124. Тураг жой даҳаларида куйидагилар тақиқланади:

механик транспорт воситаларини бошқаришни ўргатиш;

двигатели ишлаб турган ҳолда тўхтаб туриш;

рухсат этилган тўлиқ вазни 3,5 тоннадан ортиқ бўлган юк автомобилларининг маҳсус ажратилган, йўл белгилари ва (ёки) йўл чизиқлари билан белгиланган жойлардан ташқарида тўхтаб туриши.

125. Тураг жой даҳаларида ҳайдовчилар пиёдалар хавфсизлигини, шунингдек, ушбу худуддаги иншоот, курилма ва ўсимликларнинг шикастланмаслигини таъминлаши зарур.

126. Тураг жой даҳаларидан чиқишида ҳайдовчилар бошқа ҳаракат қатнашчиларига йўл беришлари керак.

127. Ушбу боб талаблари даҳалар ва ҳовли худудларига (уй-жой бинолари орасидаги ер участкасига) ҳам тегишлидир.

21-боб. Тик баландлик ва нишабликларда ҳаракатланиш

128. Агар йўлнинг 1.13 ва 1.14 йўл белгилари билан белгиланган қияликларда, қарама-қарши ўйналишларда ҳаракатланишни қийинлаштирадиган тўсиқ бўлса, нишабликка ҳаракатланаётган транспорт воситасининг ҳайдовчиси йўл бериши керак.

129. Тик нишабликда, довонда ва 1.13 йўл белгиси ўрнатилган йўл қисмида тормоз тизими ишламай қолган транспорт воситасини тўхтатиш учун ҳайдовчи уни 5.40 йўл белгиси билан белгиланган аварияли ҳолатларга мўлжалланган йўлга йўналтириш керак.

130. Йўлнинг 1.13 йўл белгиси билан белгиланган қисмида узатма ва илашиш механизми (сцепление) ажратилган ҳолатда ҳаракатланиш тақиқланади.

22-боб. Йўналишли транспорт воситаларининг имтиёзлари

131. Трамвай йўллари чорраҳадан ташқарида қатнов қисмини кесиб ўтадиган жойларда трамвай рельссиз транспорт воситаларига нисбатан имтиёзга эга бўлади (деподан чиқиш жойлари бундан мустасно).

132. Йўналишли транспорт воситаларининг ҳаракатланиши учун 5.9, 5.10.1–5.10.3 йўл белгилари билан ажратилган тасмада бошқа транспорт воситаларининг ҳаракатланиши ва тўхташи тақиқланади.

Агар 5.9 йўл белгиси билан белгиланган тасма қатнов қисмининг бошқа тасмалардан узук-узук чизик билан ажратилган бўлса, бурилмоқчи бўлаётган транспорт воситалари бу тасмага қайта тизилишлари керак.

Шунингдек, бундай жойларда йўналишли транспорт воситаларининг ҳаракатига халақит бермаслик шарти билан йўлга чиқиш, қатнов қисмининг четки ўнг томонида йўловчиларни чиқариш ва тушириш учун бу бўлакка ўтишга рухсат этилади.

133. Ҳайдовчилар аҳоли пунктларида бекатдан ҳаракатланишини бошлаётган автобус ва троллейбусларга йўл беришлари керак. Ўз навбатида автобус ва троллейбус ҳайдовчилари ўзларига йўл берилганлигига ишонч ҳосил қилганликларидан кейингина ҳаракатланишини бошлашлари мумкин.

Йўналишли транспорт воситаларига бекатлардан ташқари жойларда йўловчи олиш ва тушириш тақиқланади (йўналишли таксилар бундан мустасно).

23-боб. Ташқи ёритиш асбобларидан фойдаланиш

134. Сутканинг қоронги вақтида ва етарлича кўринмайдиган шароитда, шунингдек йўлнинг ёритилганлигидан қатъи назар, туннелларда ҳаракатланаётган транспорт воситасида қўйидаги ёритиш асбоблари ёқилган бўлиши керак:

барча механик транспорт воситаларида ва мопедларда – узоқни ёки яқинни ёритувчи фара чироқлари;

велосипедларда – фара ёки чироқлар (агар мавжуд бўлса);

тиркамаларда ва шатакка олинган механик транспорт воситаларида – габарит фара чироқлари.

135. Қўйидаги ҳолларда узоқни ёритувчи фара чироқлари ўрнига яқинни ёритувчи фара чироқлари ёқилиши керак:

йўл ёритилган бўлса;

қарама-қарши йўналишдаги транспорт воситасига камида 150 метр масофа қолганда, шунингдек, қарама-қарши йўналишдаги транспорт воситасининг ҳайдовчиси фара чироқларини вақти-вақти билан ўчириб-ёқиб бунга зарурат борлигини билдирган ҳолларда ундан ҳам кўпроқ масофада;

қарама-қарши ва бир йўналишдаги транспорт воситалари ҳайдовчиларининг кўзини қамаштириши мумкин бўлган бошқа барча ҳолатларда.

Кўзи қамашган ҳайдовчи авария ишораларини ёкиши, ҳаракатланиш бўлагини ўзгартирмасдан тезликни камайтириши ва тўхташи керак.

136. Сутканинг қоронғи вақтида йўлнинг ёритилмаган қисмida, шунингдек, етарлича кўринмайдиган шароитда тўхтаган ёки тўхтаб турган транспорт воситасида габарит фара чироқлари ёқилган бўлиши керак.

Етарлича кўринмайдиган шароитда габарит чироқларига қўшимча равища яқинни ёритувчи фара чироқлари, туманга қарши фара чироқлари ва туманга қарши орқа фара чироқлари ёқилиши мумкин.

137. Куйидаги ҳолларда туманга қарши фара чироқларидан фойдаланиш мумкин:

етарлича кўринмайдиган шароитда алоҳида, шунингдек, узоқни ёритувчи ёки яқинни ёритувчи фара чироқлари билан;

сутканинг қоронғи вақтида йўлнинг ёритилмаган қисмларида узоқни ёки яқинни ёритувчи фара чироқлари билан бирга;

ушбу Қоидаларнинг 138-бандида кўзда тутилган ҳолатларда яқинни ёритувчи фара чироқлари ўрнига.

138. Сутканинг ёруғ вақтида куйидаги ҳолларда яқинни ёритувчи фара чироқлари ёқилиши керак:

транспорт воситалари ташкилий жамланма сафида ҳаракатланаётганда; йўловчиларни ташиётган автобуслар ва йўналишни транспорт воситаларида; болалар гуруҳини ташкилий ташишда;

хавфли, катта ўлчамли ва оғир вазнли юкларни ташишда;

механик транспорт воситаларини шатакка олишда (шатакка олиб кетаётган транспорт воситасида);

кучли ёғингарчилик (ёмғир, қор) шароитида;

мотоцикл ва мопедларда.

139. Конструкциясида прожектор-фара чироқлари ва изловчи-фара чироқлари бўлган транспорт воситаларидан қуйидаги ҳолларда фойдаланиш мумкин:

аҳоли пунктларидан ташқарида;

қарама-қарши йўналишда ҳаракатланаётган транспорт воситалари бўлмаганда.

Аҳоли пунктларида эса бундай фара чироқларидан фойдаланишга фақат ушбу Қоидаларнинг 25 ва 28-бандларида кўзда тутилган транспорт восталари ҳайдовчиларига рухсат этилади.

140. Туманга қарши орқа фара чироқларини фақат етарлича кўринмайдиган шароитда қўллаш мумкин. Туманга қарши орқа фара чироқларини тўхташ фара чироқлари (стоп-сигнал)га улаш тақиқланади.

141. “Автопоезд” таниклик белгиси автопоезд ҳаракатланаётганда, шунингдек, сутканинг қоронғи вақтида ва етарлича кўринмайдиган шароитда йўлда тўхташ ва тўхтаб туриш пайтида ҳам ёқиб қўйилиши керак.

24-боб. Механик транспорт воситаларини шатакка олиш

142. Қаттиқ ёки эгилувчан улагич билан шатакка олиш шатакка олинган транспорт воситасининг руль бошқарувида ҳайдовчи бўлгандагина амалга оширилиши керак. Тўғри чизиқ бўйлаб ҳаракатланганда қаттиқ улагичнинг конструкцияси шатакка олинган транспорт воситасини шатакка олган

транспорт воситасининг изидан ҳаракатланишини таъминлайдиган ҳоллар бундан мустасно.

143. Қаттиқ ёки эгилувчан улагич билан шатакка олинган автобусда, троллейбусда ва юк автомобили юхонасида одам ташиш қисман ортиш йўли билан шатакка олишда эса шатакка олинган транспорт воситасининг кабинасида ва юхонасида, шунингдек шатакка олган транспорт воситасининг юхонасида одамлар бўлиши тақиқланади.

144. Эгилувчан улагич билан шатакка олишда шатакка олган ва шатакка олинган транспорт воситалари ўртасидаги масофа 4 – 6 метр оралиғида бўлиши, қаттиқ улагич билан шатакка олишда эса 4 метрдан кўп бўлмаслиги керак.

Эгилувчан улагич ушбу Қоидаларнинг 177-банди талабларига мувофик белгиланиши керак.

145. Шатакка олиш қуйидаги ҳолатларда тақиқланади:

- руль бошқаруви ишламаётган транспорт воситаларини (қисман ортиш усули билан шатакка олиш бундан мустасно);

- икки ва ундан кўп транспорт воситаларини;
- шатакка олинган ва шатакка олган транспорт воситаларининг улагич билан бирга умумий узунлиги 20 метрдан ортиқ бўлса;

- ишчи тормоз тизими ишламаётган транспорт воситасининг ҳақиқий вазни шатакка олган транспорт воситасининг ҳақиқий вазнининг ярмидан ортиқ бўлса (ҳақиқий вазни кам бўлган бундай транспорт воситасини фақат қаттиқ улагич билан ёки қисман ортиш усули билан шатакка олишга йўл қўйилади);

- икки ғилдиракли мотоцикллар билан; шунингдек, бундай мотоциклларни;

йўл яхмалак, сирпанчик бўлган ҳолларда эгилувчан улагичда.

25-боб. Транспорт воситаларини бошқаришни ўргатиш

146. Транспорт воситаларини бошқаришни дастлабки ўргатишга ёпиқ майдончаларда ёки автодромларда ўтказилиши керак.

147. Йўлларда транспорт воситаларини бошқаришни ўргатиш фақат амалий бошқарувни ўргатувчи иштирокида дастлабки бошқарув кўникмаларига эга бўлган ўрганувчига рухсат этилади. Ўрганувчи Қоидалар талабларини билиши ва уларга амал қилиши шарт.

148. Транспорт воситасини бошқаришни ўргатаётган вақтда амалий бошқарув ўргатувчисида транспорт воситасини бошқаришни ўргатиш хукуқини берувчи ҳужжат, шунингдек, тегишли тоифадаги транспорт воситасини бошқариш хукуқини берувчи ҳайдовчилик гувоҳномаси бўлиши шарт.

149. Транспорт воситасини бўшқариш хукуқига эга бўлиши учун ўрганувчи ўқув муддати якунида:

“A” тоифаси учун – 16 ёшга;

“B” ва “C” тоифалари учун – 18 ёшга;

“BE” ва “CE” тоифалари учун- 19 ёшга;

“D” ва “DE” тоифалари ҳамда трамвай ва троллейбуслар учун 21 ёшга тўлган бўлиши керак.

150. Бошқаришни ўргатиш учун мўлжалланган механик транспорт воситалари “Бошқаришни ўргатиш транспорт воситаси” таниқлик белгиси ва ўргатувчи учун улашиш механизми ва ишчи тормознинг қўшимча тепкилари, қўшимча орқани кўрсатувчи кўзгу билан жиҳозланиши керак.

151. Бошқаришни ўргатиш йўналишлари ушбу Коидаларнинг 183-бандига мувофиқ ДИХХХ билан келишилиши шарт. Бошқа йўлларда бошқаришни ўргатиш тақиқланади.

26-боб. Одам ташиш

152. Одам ташиш учун мўлжалланган юк автомобилининг юхонасида одам ташиш “С” тоифадаги транспорт воситаларини бошқариш хуқуқига эга бўлган (одамлар сони кабинадаги йўловчиларни ҳам қўшиб ҳисоблагандан 8 нафардан ортиқ бўлмаса) ва шу тоифадаги транспорт воситасини камидан 3 йил давомида бошқарган ҳайдовчилар томонидан амалга оширилиши керак.

Юк транспорт воситаларининг юхонасида ташиладиган одамлар сони кабинадаги йўловчиларни ҳам қўшиб ҳисоблагандан 8 нафардан ортиқ бўлганда, ҳайдовчи мазкур банднинг биринчи хатбошида белгиланган талабларга қўшимча “D” тоифадаги транспорт воситаларини бошқариш хуқуқига ҳам эга бўлиши керак.

Ҳарбий ҳайдовчиларнинг юк автомобилларида одам ташишига рухсат бериш Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги томонидан белгиланган тартибида амалга оширилади.

153. Одам ташиш учун мўлжалланган юк автомобили юхонасининг борти 1,3 метрдан кам бўлмаслиги шарт. Бунда юхонанинг пастки қисмидан 0,3-0,5 метр баландликда маҳкамланган ўриндиклар жиҳозланган бўлиши керак.

154. Одам ташиш учун мослаштирилмаган юк автомобилларининг юхонасида фақат юкни олиш учун бораётган ёки уни кузатиб бораётган шахсларнинг бўлишига йўл қўйилади, бунда улар борт сатҳидан пастда ўтириш учун ўриндиклар билан таъминланган бўлиши керак.

155. Шаҳарлараро, сайёхлик, экспурсия ёки тоғли йўналишларда ва болалар гуруҳини ташкилий равишида ташиш Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 22 майдаги 424-сон қарори ҳамда 2003 йил 4 ноябрдаги 482-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасида автобусларда йўловчилар ташиш ҳавфсизлигини таъминлашга доир талабларга мувофиқ амалга оширилади.

156. Болалар гуруҳини ташкилий ташишда автобус (микроавтобус)да катта ёшли кузатиб борувчи(лар) бўлиши шарт.

Бундай автобус (микроавтобус)ларнинг олди ва орқа томонига “Болалар гуруҳини ташиш” таниқлик белгиси ўрнатилиши керак.

157. Ҳаракатни бошлашдан олдин ҳайдовчи йўловчиларга ҳавфсизлик чоралари, автомобилга чиқиш, ундан тушиш ва унга жойлашиш тартиби ҳақида тушунча бериши керак.

Хайдовчи ҳаракатни бошлашдан олдин йўловчиларни хавфсиз ташиш шароити таъминланганлигига ишонч ҳосил қилиши керак.

158. Ҳайдовчи транспорт воситаси тўлиқ тўхтагандан кейин йўловчиларнинг чиқиши ва тушишида уларнинг хавфсизлигини таъминлаши керак. Эшиклар ёпилгандан сўнг ҳаракатланишини бошлиши ва тўлиқ тўхтамагунча уларни очмаслиги шарт.

159. Одамларни ташиш қуйидаги ҳолларда тақиқланади:

болаларни юк автомобилларининг юхонасида;

транспорт воситасининг кабинасидан ташқарида (одам ташиш учун мўлжалланган бортли юк ёки фургон-юк хонали автомобиллар бундан мустасно);

Тракторлар ва бошқа ўзиорар ускуналар, юк ташиладиган тиркамалар, тиркама-үйча, юк мотоцикллари юхонасида;

Мотоциклларнинг конструкциясида кўзда тутилган жойларидан ташқарида;

12 ёшга тўлмаган болаларни мотоциклнинг орқа ўриндиғида, шунингдек болаларни ушлаб турувчи маҳсус курилма ўрнатилмаган транспорт воситасининг олд ўриндиғида;

одам сони транспорт воситасининг техник тавсифномасида кўзда тутилган миқдордан ортиқ бўлганда.

Бунда транспорт воситасининг ҳақиқий вазни уни ишлаб чиқарган корхона белгилаган рухсат этилган вазндан ошмаслиги керак.

27-боб. Юк ташиш

160. Ташилаётган юкнинг вазни ва ўқларга тушадиган оғирлик миқдорининг тақсимланиши қонунчилик ҳужжатларида белгиланган ва ишлаб чиқарган корхона томонидан ушбу транспорт воситаси учун белгиланган миқдордан ошмаслиги керак.

161. Ҳайдовчи ҳаракатни бошлашдан олдин юкнинг тўғри жойлашганлигига ва маҳкамланганлигига ишонч ҳосил қилиши, ҳаракатланиш вақтида эса, юкнинг тушиб кетмаслигини ва ҳаракатланишга халақит бермаслигини таъминлаш мақсадида унинг ҳолатини кузатиб бориши керак.

162. Куйидаги шартларга амал қилинганда юк ташишга йўл қўйилади:

агар юк ҳайдовчига теварак-атроф кўринишини чекламаса;

транспорт воситасини бошқаришни қийинлаштирмаса ва мувозанатини бузмаса;

ташки ёритиш асблолари, габарит фара чироқларини ва ёруғлик қайтаргичларини, рўйхатдан ўтказилганлик давлат рақам белгилари ва таниқлик белгиларни, шунингдек, кўл билан бериладиган ишораларни кўришини тўсмаса;

автотранспорт воситаларининг очиқ юк тапиш платформаларида, иссиқ асфальт, йирик габаритли ва оғир юклардан ташқари, курилиш материаллари, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари, саноат ва озиқ-овқат товарларини, шунингдек, тўкиладиган бошқа юкларни ташишда юк мажбурий тартибда брезент ёки бошқа қалин материал билан ёпилган бўлса;

шовқин солмаса, чанг кўтармаса, йўлни ва атроф мұхитни ифлос қиласа;

енгил автомобилнинг том қисмига ўрнатилган юкхонасидаги юкнинг баландлиги 1 метрдан (максус мосламалар билан мустаҳкамланган ҳолда велосипедларни ташиш бундан мустасно) ва узунлиги автомобилнинг габаритидан 0,5 метрдан ошмаса.

Агар юкнинг жойлашуви ва ҳолати қайд этилган талабларга жавоб бермаса, ҳайдовчи юқорида санаб ўтилган қоидалар бузилишини бартараф этиш чораларини кўриши, бунинг иложи бўлмаса, кейинги ҳаракатланишини тўхтатиши шарт.

163. Транспорт воситасининг габаритларидан олди ёки орқа томонга 1 метрдан, ён томонга габаритнинг четки қисмидан 0,4 метрдан ортиқ чиқиб турган юк “Катта ўлчамли юк” таниқлик белгиси билан белгиланиши, сутканинг қоронғи вақтида ва етарлича кўринмайдиган шароитда эса бунга қўшимча равишда олди оқ рангли чироқ ёки ёруғлик қайтаргич, орқаси эса қизил рангли чироқ ёки ёруғлик қайтаргич билан белгиланиши керак.

164. Катта ҳажмли ва оғир вазнли ҳамда хавфли юкларни ташишда габарит ўлчамлари юкли ёки юксиз ҳолда эни бўйича 2,55 (рефрижераторлар ва изотермик кузовлар учун – 2,6) метрдан ва баландлиги йўл сатҳидан 4 метрдан, узунлиги якка автотранспорт воситаси учун – 12 метрдан, ярим тиркамали ва тиркамали автопоезд учун – 20 метрдан ортиқ бўлган ёки юки транспорт воситасининг олди ва орқа нуқтасидан 2 метрдан ортиқ чиқиб турган транспорт воситаларининг ҳаракатланиши **ДИХХХ** билан келишилиши шарт.

Автобус ва микроавтобуслар томига юк ташиш учун мосламалар ўрнатиш, ҳамда белгиланмаган жойларда юк ташиш тақиқланади.

Транспорт воситасида ҳалқаро юк ташиш транспорт воситаларига қўйиладиган талабларга ва Ўзбекистон Республикаси ҳалқаро шартномалари ҳамда қонунчилик ҳужжатларини ҳисобга олган ҳолда белгиланган ташиш қоидаларига мувофиқ амалга оширилади.

28-боб. Велосипед, мопед ва аравалар ҳаракатланишига, шунингдек, ҳайвонларни ҳайдаб ўтишга доир қўшимча талаблар

165. Йўлда велосипед, аравани бошқариш, миниладиган ёки юк ортиладиган ҳайвонларни ҳайдаб ўтиш 14 ёшдан кичик бўлмаган, мопедни бошқариш эса 16 ёшдан кичик бўлмаган шахсларга рухсат этилади.

166. Велосипедлар, мопедлар, аравалар, миниладиган ёки юк ортиладиган ҳайвонларнинг йўлнинг четки ўнг бўлагида имкони борича ўнг томонидан бир қатор бўлиб ҳаракатланишига йўл қўйилади. Агар пиёдаларга халақит бермаса, йўл ёқасидан ҳаракатланишга ҳам рухсат этилади.

Йўлнинг қатнов қисмида ҳаракатланишда велосипедчилар, аравалар жамланмаси, миниладиган ёки юк ортиладиган ҳайвонлар гуруҳлари ва ҳайдаб кетилаётган ҳайвонлар тўдаси йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлайдиган ҳамда уларни қувиб ўтишни осонлаштирадиган гуруҳларга бўлинниши керак.

167. Велосипед товушли ишора мосламаси билан жиҳозланган ва тормоз тизими соз бўлиши зарур. Сутканинг қоронғи вақтда ва етарлича

кўринмайдиган шароитда харакатланиш учун велосипеднинг олд томонига оқ рангли нур қайтаргич ёки чироқ, орқа томонига қизил рангли нур қайтаргич ёки чироқ, ён томонларига эса, зарғалдоқ ёки қизил рангли нур қайтаргич ўрнатилиши керак.

Велосипед йўлкаси бўлмаган ҳолда йўлнинг қатнов қисмида харакатланаётган велосипедчилар сутканинг қоронги вақтида ва етарлича кўринмайдиган шароитда нур қайтаргичли камзулда ёки нур қайтарувчи элементли парчалари бўлган устки кийимда бўлиши шарт.

Ушбу нур қайтарувчи элементли парчалар бошқа ҳайдовчилар томонидан кўриниши таъминланиши керак.

168. Велосипедчиларга ва мопед ҳайдовчиларига куйидагилар тақиқланади:

рулни ушламасдан ёки бир қўлда ушлаб харакатланиш (манёврдан олдин ишоралар бериш бундан мустасно);

йўловчи ташиш (ишончли оёқ кўйгич билан жиҳозланган қўшимча ўриндикда 7 ёшгача бўлган йўловчини ташиш бундан мустасно);

габаритидан бўйига ва энига 0,5 метрдан ортиқ чиқиб турган ёки бошқаришга халақит берадиган юкларни ташиш;

велосипед йўлкаси бўлган ҳолда йўлнинг қатнов қисмида харакатланиш;

трамвай харакатланадиган йўлларда ва шу йўналишда харакатланиш учун бўллаги биттадан кўп бўлган йўлларда чапга бурилиш ёки қайрилиб олиш;

йўлда мотошлемни қадаб олмасдан харакатланиш (мопед ҳайдовчилари учун);

йўлнинг қатнов қисмидан, шу жумладан, пиёдалар ўтиш жойидан велосипедларни бошқариб кесиб ўтиш (велосипед йўлакларида харакатланиш бундан мустасно).

Велосипедларни ва мопедларни шатакка олиш, шунингдек, улардан шатакка олишда фойдаланиш тақиқланади (велосипед ёки мопедга мўлжалланган тиркамаларни шатакка олиш бундан мустасно).

169. Чорраҳадан ташқаридаги тартибга солинмаган велосипед йўлкаси билан йўл кесишимасида велосипед ва мопед ҳайдовчилари йўлда харакатланаётган бошқа транспорт воситаларига йўл беришлари керак.

Велосипед йўлкаси ва пиёдалар йўлкаси (тротуар) ўзаро кесишган ҳолатларда велосипедчи пиёдага йўл бериши керак.

170. От-араваларда уларни тўхтатиб турадиган мослама ва орқага тисарилиб кетишга йўл қўймайдиган тиргаклар бўлиши керак.

Коронғи вақтда ва етарлича кўринмайдиган шароитда харакатланганда от-араванинг олд томонига оқ рангли чироқ ёки иккита нур қайтаргич, орқа томонига эса қизил рангли чироқ ёки иккита нур қайтаргич ўрнатилиши керак.

Ёндош ҳудуддан ёки иккинчи даражали йўлдан кўриниши чекланган жойларда йўлга чиқаётган арава ҳайдовчиси ҳайвонларнинг жиловини қўйиб юбормаслиги керак.

171. Ҳайвонларни йўлда, асосан сутканинг ёруғ вақтида ҳайдаб борилиши керак. Подачилар ҳайвонларни мумкин қадар йўлнинг йўл ёқасида олиб юришлари керак.

172. Ҳайвонларни темир йўл кесишмалари орқали ҳайдаб ўтишда подачилар сонини ҳисобга олган ҳолда ҳайвонлар подаси хавф-хатарсиз ҳайдаб ўтилиши таъминланадиган тўдаларга бўлиниши керак.

173. Аравани бошқараётган, миниладиган ёки юк ортиладиган ҳайвонларни, подани ҳайдаб кетаётган шахсларга қуидагилар тақиқланади:

йўлларда ҳайвонларни назоратсиз қолдириш;

подани темир йўлдан ва йўлда маҳсус ажратилмаган жойлардан, шунингдек рухсат этилган жойларда эса сутканинг қоронғи вақтида ва етарлича кўринмайдиган шароитда ҳайдаб ўтиш;

бошқа йўллар бўлганда ҳайвонларни мукаммал қопламали йўлларда ҳайдаб бориши;

кўкаламзорлаштирилган жойларда (йўл, йўл ёқаси, ажратувчи минтақа ва бошқалар) ҳайвонларни боқиши ва боғлаб қўйиш.

29-боб. Мансабдор шахсларнинг ва фуқароларнинг йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш, транспорт воситаларини йўлга чиқариш, рақам ва таниқли белгиларини ўрнатиш бўйича мажбуриятлари

174. Йўл ҳаракатида иштирок этадиган транспорт воситаларининг техник ҳолати ва жиҳозлари “Йўл ҳаракати хавфсизлиги тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Конуни, шунингдек, техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив хужжатлар талабларига мувофиқ бўлиши керак.

Транспорт воситаларини ДИХХХда рўйхатдан ўтказиш ҳамда эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш қонунчилик хужжатларида белгиланган муддатларда амалга оширилиши керак.

175. Механик транспорт воситаларининг (трамвайлардан, троллейбуслардан ташқари) ва тиркамаларнинг кўзда тутилган жойларида тегишли намунадаги рўйхатдан ўтказиш давлат рақам белгилари ўрнатилган бўлиши шарт.

Юк автомобиллари, тиркамалар (енгил автомобиллар ва мотоцикллар тиркамаларидан ташқари) ва автобуслар (микроавтобуслардан ташқари) кузовининг орқа деворига унинг давлат рақам белгиси ва ҳарфлари ёзилиши керак. Рақамнинг баландлиги 300 миллиметр, кенглиги 120 миллиметр, чизигининг йўғонлиги 30 миллиметрдан кам бўлмаслиги, ҳарфлар баландлиги эса рақам ўлчамларининг 2/3 қисмига teng бўлиши керак.

Трамвайларга ва троллейбусларга тегишли ташкилот томонидан рўйхатга олинган рақамлар ёзилади.

176. Транспорт воситаларига таниқлик белгилари ўрнатилиши керак:

“Автопоезд” – юк автомобиллари ва ғилдиракли трактор (1,4 тонна ва ундан юқори)ларда тиркама бўлганда, шунингдек туташтирилган автобус ва троллейбус кабиналари томининг олд қисми ўртасига бир қатор қилиб 150 дан 300 миллиметргача оралиқда кўндаланг жойлашган учта зарғалдоқ рангли чироқ ёки ичидан ёритиладиган, томонларининг ҳар бири 250 миллиметр бўлган сариқ рангли учбурчак шаклидаги белги;

“Турумланган” (тишли, шипли) – турумланган шинали механик транспорт воситаларининг орқасида – ичига қора рангда “Т” ҳарфи түширилган, қизил ҳошияли, оқ рангли учи юқорига йўналтирилган тенг томонли учбурчак кўринишида. Учбурчакнинг томонлари 200 миллиметрдан кам бўлмаслиги, ҳошиясининг кенглиги учбурчак томонининг 1/10 қисмига тенг бўлиши керак;

“Болалар гурухини ташиш” – болалар гурухини ташкилий ташишда, транспорт воситасининг олд ва орқа томонларида қизил ҳошияли, ичига 1.21 йўл белгисидаги болалар тимсолининг тасвири түширилган, сариқ рангдаги, томонлари тенг бўлган тўртбурчак (квадрат) кўринишидаги белги. Тўртбурчакнинг томонлари 250 – 300 миллиметргача, ҳошиянинг кенглиги тўртбурчак томонининг 1/10 қисмига тенг бўлиши керак;

“Кар ҳайдовчи” – кар-соқов ёки кар ҳайдовчи бошқараётган транспорт воситасининг олд ва орқа томонларида – ичига учи пастга йўналган ҳаёлий тенг томонли учбурчакнинг бурчаклари бўйича диаметри 40 миллиметр бўлган учта қора доира түширилган, диаметри 160 миллиметрни ташкил этадиган сариқ рангли доира кўринишида;

“Бошқаришни ўргатиш учун мўлжалланган механик транспорт воситаси” – бошқаришни ўргатишда фойдаланиладиган транспорт воситаларининг олд ва орқа томонларида – ичига қора рангда “О” ҳарфи түширилган, томонлари 200 миллиметрдан 300 миллиметргача бўлган қизил ҳошияли, оқ рангли, учи юқорига йўналган тенг томонли учбурчак кўринишида. Белги ҳошиясининг кенглиги учбурчак томонининг 1/10 қисмига тенг бўлиши керак;

“Тезлик чекланган” – болалар гурухини ташкилий ташишни амалга ошираётган, оғир вазнли, хавфли ва катта ўлчамли юкларни ташиётган, шунингдек, транспорт воситасининг техник тавсифномасида кўрсатилган энг юқори тезлиги Қоидаларнинг 78, 79 ва 80-бандларида белгиланган тезликдан кам бўлган ҳолларда, механик транспорт воситалари кузови орқа деворининг чап томонига 3.24 – “Юқори тезлик чекланган” йўл белгисининг кичрайтирилган, рангли тасвири түширилган кўринишидаги белги. Белгининг диаметри 160 миллиметрдан кам бўлмаслиги, ҳошиясининг кенглиги белги диаметрининг 1/10 қисмига тенг бўлиши керак;

“Хавфли юқ” – хавфли юкни ташиётган транспорт воситасининг олд ва орқа томонига ўрнатилган ўлчами 690 x 300 миллиметр, ўнг қисми 400 x 300 миллиметр бўлган зарғалдоқ рангли, чап қисми эса юкнинг хавфли хусусиятини билдириб турган белгилар түширилган қора ҳошияли (кенглиги 15 миллиметр) оқ рангдаги тўртбурчак шаклидаги белги (ушбу Қоидаларга 4-илова);

“Катта ўлчамли юқ” – ичига кенглиги 50 миллиметрли, диагонал бўйича навбатма-навбат қизил ва оқ рангли чизиқлар түширилган, ёруғлик қайтарадиган юзали, ўлчами 400 x 400 миллиметрли тўртбурчак шаклидаги белги;

“Узун ўлчамли транспорт воситаси” – юкли ва юксиз узунлиги 20 метрдан ошадиган транспорт воситасининг, икки ёки ундан кўпроқ тиркамали автопоездларнинг орқасида – кенглиги 40 миллиметр бўлган қизил ҳошияли, ўлчами 1200x200 миллиметр бўлган, сариқ рангли, нур қайтарувчи тўртбурчак шаклидаги белги.

Кўрсатилган ўлчамли белгини жойлаштиришнинг имконияти бўлмаса, бир хил иккита 600x200 миллиметр ўлчамдаги белгини транспорт воситасининг ўқига симметрик равишда ўрнатишга йўл кўйилади;

“Авария сабабли тўхташ” – давлат стандарти талаблари асосидаги учбурчак шаклидаги белги;

Хайдовчининг хоҳишига кўра таниқлик белгилари ўрнатилган бўлиши мумкин:

“Шифокор” – шифокор-хайдовчилар бошқараётган транспорт воситаларининг олд ва орқа томонларида – томонлари 140 миллиметр бўлган, кўк рангли, ичида диаметри 125 миллиметрли оқ доирага баландлиги 90 миллиметр, чизигининг кенглиги 25 миллиметр бўлган қизил хоч туширилган квадрат кўринишидаги белги;

“Ногиронлиги бўлган шахс” – биринчи ёки иккинчи гуруҳ ногиронлиги бўлган шахс бошқараётган, шунингдек, ногиронлиги бўлган шахсларни ёки ногиронлиги бўлган болаларни ташиётган транспорт воситаларининг олд ва орқа томонларида – барча томонлари 150 миллиметрдан бўлган ва ичига 7.17 йўл белгисининг қора рангли тимсоли туширилган сарик рангли квадрат кўринишидаги белги;

“Хайдовчиликни энди бошлаган” – “Хайдовчилик малакаси етарли бўлмаган” ҳайдовчилик стажи 2 йилдан кам бўлган ҳайдовчилар бошқараётган механик транспорт воситаларининг (тракторлар, ўзиорар машиналар ва мотоцикл-лардан ташқари) орқасида – ичига қора рангли 110 миллиметр баландликдаги “!” белгисининг тасвири туширилган, сарик рангли, томонлари 150 миллиметр бўлган квадрат кўринишидаги белги.

Ушбу бандда назарда тутилган таниқлик белгилардан бошқа таниқлик белгиларини ўрнатиш, шунингдек, транспорт воситасининг кузови ва ойналарига турли хил ёзувлар киритиш тақиқланади, транспорт воситасининг кузовига реклама мақсадларида белгиланган тартибда ёзувлар киритиш бундан мустасно.

177. Механик транспорт воситаларини шатакка олишда эгилувчан улагични кўрсатадиган огоҳлантирувчи, ўлчами 200x200 миллиметр бўлган, диагонали бўйича кетма-кет жойлашган, кенглиги 50 миллиметрли қизил ва оқ рангли энли чизиклар туширилган, ёруғлик қайтарадиган юзали байроқчалар ёки квадрат кўринишидаги белги ўрнатилиши керак.

Эгилувчан улагичга камида иккита таниқли белгиси ўрнатилади.

178. Қаттиқ улагичли қурилманинг конструкцияси техник тартибга солини соҳасидаги норматив хужжатларнинг талабларига мос бўлиши керак.

179. Куйидаги ҳолларда транспорт воситаларидан фойдаланиш тақиқланади:

автомобиллар, автобуслар, автопоездлар, тиркамалар, мотоцикллар, мопедлар, велосипедлар, тракторлар ва бошқа ўзиорар машиналарнинг техник ҳолати ва жиҳозланиши транспорт воситаларидан фойдаланишни тақиқлайдиган носозликлар ва шартлар рўйхатининг талабларига (З-иловага мувофиқ) жавоб бермаса;

троллейбусларда ва трамвайларда тегишли техник фойдаланиш қоидаларида кўзда тутилган носозликлардан бирортаси бўлса;

транспорт воситалари белгиланган тартибда давлат техник кўригидан ўтмаган бўлса;

тегишли рухсатсиз қайта жиҳозланган бўлса (автомотранспорт воситаларини қайта жиҳозлаш учун рухсатнома талаб этилган ҳолларда);

транспорт воситалари **ДИХХХ** рухсатисиз ялт-ялт этувчи чироқ-маёқча ва (ёки) маҳсус товушли ишора билан жиҳозланган, кузовининг ён юзаларига **ДИХХХ** билан келишилмасдан рангли бўёқ чизмалар, қия оқ чизиқлар тортилган, кўзда тутилган жойларга тегишли давлат рақам белгилари ўрнатилмаган, агрегат ва қисмларининг рақамлари ёки тегишли намунадаги рўйхатдан ўtkазиш давлат рақам белгилари кўринмайдиган, қалбакилаштирилган, ўзгартирилган бўлса;

кузовининг ён юзаларига йўналишсиз таксининг рангли расмлар чизмасига ва (ёки) томида такси чироғига эга бўлган транспорт воситаларидан, агар бундай транспорт воситасининг ҳайдовчисида белгиланган тартибда берилган йўловчилар ташишни амалга ошириш бўйича рухсатнома бўлмаса;

сариқ ёки зарғалдоқ рангли чироқ-маёқча билан жиҳозланган, **ДИХХХ**да қайд этилмаган транспорт воситаларидан (кatta ўлчамли юкларни, портловчи, осон алнганадиган, радиоактив ва юқори даражали хавфга эга бўлган моддаларни ташиётган транспорт воситаларидан ташқари).

180. Транспорт воситаларининг техник ҳолатига ва улардан фойдаланишга жавобгар бўлган мансабдор ва бошқа шахсларга қўйидагилар тақиқланади:

техник носоз, тегишли рухсатсиз қайта жиҳозланган, белгиланган тартибда рўйхатдан ва давлат техник кўригидан ўтказилмаган ёки тегишли хужжатларсиз транспорт воситаларини йўлга чиқариш;

мастлик (гиёхвандлик моддалар, алкоголь ва бошқалар) ҳолатида ёки сезгирилик ва эътиборни сусайтирадиган дори-дармонлар таъсирида, йўл ҳаракати хавфсизлигига таҳдид соладиган чарчоқлик ёки бетоблик ҳолатида, шунингдек тегишли тоифадаги транспорт воситаларини бошқариш хукуки бўлмаган, белгиланган муддатда тиббий кўрикдан ўтмаган шахсларни транспорт воситасини бошқаришга қўйиш;

занжирли тракторларни ва бошқа ўзиорар ускуналарни ҳаракатланиш учун асфальт ёки цемент-бетон қопламали йўлларга чиқариш.

181. Йўллар, темир йўл кесишилмалари ва бошқа йўл иншоотларининг ҳолатига жавобгар бўлган мансабдор ва бошқа шахслар:

йўллар, темир йўл кесишилмалари ва бошқа йўл иншоотларини техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив хужжатлар талабларига мувофиқ ҳаракатланиш учун хавфсиз ҳолатда сақлашга;

оммавий ахборот воситалари ёрдамида йўл ҳаракатига киритилган чекловлар ва ўзгартиришлар ҳақида йўл ҳаракати қатнашчиларини хабардор қилишга;

йўл ҳаракатига халақит берадиган ҳар қандай тўсқинлик вужудга келса, уларни ўз вақтида бартараф этиш, йўлнинг айрим қисмларида улардан фойдаланиш йўл ҳаракати хавфсизлигига таҳдид соладиган ҳолларда ҳаракатни чеклаш ёки тақиқлаш чораларини кўришга мажбур.

182. Йўлларда таъмирлаш ишларини бажаришга жавобгар бўлган мансабдор ва бошқа шахслар ишлар олиб борилаётган жойларда йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлашга мажбур. Бундай жойлар, шунингдек, йўлдан ташқарига олиб чиқиши имконияти бўлмаган иш бажармаётган йўл машиналари, қурилиш материаллари, қурилма ва шунга ўхшашлар тегишли йўл белгилари, йўналтирувчи ва тўсувчи мосламалар билан, сутканинг қоронги вақтида ва етарлича кўринмайдиган шароитда эса қўшимча қизил ёки сариқ чироқли ишоралар билан белгиланиши керак.

Таъмирлаш ишлари тугагандан сўнг транспорт воситалари ва пиёдаларнинг хавфсиз ҳаракатланиши таъминланган бўлиши керак.

183. Конунчилик ҳужжатларида кўзда тутилган ҳолларда тегишли мансабдор ва бошқа шахслар томонидан ДИХХХ билан белгиланган тартибда қуидагилар келишилиши шарт:

шахарларда ва автомобиль йўлларида йўл ҳаракатини ташкил этишни лойихалаш, йўлларни ҳаракатланишини ташкил этувчи техник воситалар билан жиҳозлаш ва қайта жиҳозлаш;

ушбу Қоидаларнинг 164-бандида келтирилган транспорт воситаларининг ҳаракатланиши;

рўйхатдан ўтказилган транспорт воситалари конструкциясига йўл ҳаракати хавфсизлиги таъминланишига таъсир қиладиган ўзгартиришлар киритиш;

йўналиши транспорт воситалари йўналишлари ва бекатларининг жойлашиши;

йўлларда оммавий спорт ва бошқа тадбирларни ўтказиш;

транспорт воситаларини қайта жиҳозлаш, уларга маҳсус ёруғлик ва товуш ишораларини ўрнатиш, транспорт воситалари кузови юзаларига рангли расмлар, ёзувлар ва схемалар, қия оқ чизиқлар тортиш;

таъмирлаш ишлари олиб бориладиган йўл участкаларида ҳаракатни ташкил этиш чизмаси;

йўлларни, йўл иншоотларини қуриш, реконструкция қилиш ва таъмирлаш лойихалари;

йўл ва унинг ҳудудларида ҳар қандай обьектларнинг лойихаларини;

бошқаришни ўргатиш рухсат этилган йўллар рўйхати ва чизмаси;

ҳаракат хавфсизлиги бўйича мутахассисларни, автомототранспорт воситалари ёки шаҳар электр транспорти воситаларини бошқаришни ўргатиш бўйича амалий машғулотлар инструктори ва ҳайдовчиларни тайёрлаш дастурлари;

тезликнинг белгиланган меъёрдан оширилиши ёки камайтирилиши юзасидан қарорларни;

йўлларда сунъий нотекислик ва шлагбаумни ўрнатиш.

184. Зарғалдоқ ёки сариқ рангли милтилловчи чироқ-маёқча қуидагиларга ўрнатилади:

йўлда қурилиш, таъмирлаш ёки тозалаш ишларини, шикастланган, носоз транспорт воситаларини ортиш ва ташиш ишларини бажараётган транспорт воситаларига;

катта ҳажмли, оғир вазнли ва хавфли юкларни ташишни амалга ошираётган транспорт воситаларига;

катта ҳажмли, оғир вазнили ва хавфли юкларни ташишни амалга ошираётган транспорт воситаларини кузатиб бораётган транспорт воситаларига;

умумий фойдаланишдаги автомобиль йўлларида машқ қилиш тадбирларини ўтказишда велосипедчиларнинг ташкилий гурухларини кузатиб боришни амалга ошираётган транспорт воситаларига.

185. Кўк ёки қизил ёхуд кўк ва қизил рангли ялт-ялт этувчи маёқчалар тезкор ва маҳсус хизматларнинг транспорт воситалари томига, устига, йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш шарти билан олд ёки орқа томонига ҳам ўрнатилиши мумкин.

Маҳкамлаш усуллари транспорт воситаси ҳар хил шароитларда ҳаракатланганда ҳам ўрнатилган чироқ-маёқчаларнинг мустаҳкамлигини таъминлаши керак.

186. Транспорт воситаларининг барча рангдаги чироқ-маёқча ва маҳсус товушли ишоралар билан жиҳозланганлиги ҳақидаги маълумотлар автомототранспорт воситасини рўйхатдан ўтказиш ҳақидаги гувоҳномада кўрсатилган бўлиши керак.

Йўл белгилари

1. Огоҳлантирувчи белгилар

Огоҳлантирувчи белгилар ҳайдовчиларга хавфли йўл қисмига яқинлашаётганлиги ҳақида ахборот бериб, унда ҳаракатланишда шароитга қараб тегишли чора кўришни талаб қиласди.

- 1.1.** “Шлагбаумли темир йўл кесишмаси”.
 - 1.2.** “Шлагбаумсиз темир йўл кесишмаси”.
 - 1.3.1.** “Бир изли темир йўл”.
 - 1.3.2.** “Кўп изли темир йўл”
- 1.3.1.** – бир изли темир йўл, **1.3.2.** – икки ва ундан ортиқ изли темир йўл белгилари шлагбаум билан жиҳозланмаган темир йўл кесишмаси олдида ўрнатилиди.

1.4.1 – 1.4.6. “Темир йўл кесишмасига яқинлашув”.

Аҳоли пунктларидан ташқарида темир йўл кесишмасига яқинлашаётганлик ҳақида қўшимча огоҳлантириш беради.

- 1.5.** “Трамвай йўли билан кесишув”.
- 1.6.** “Тенг аҳамиятли йўллар кесишув”.
- 1.7.** “Айланма ҳаракатланиш билан кесишув”.
- 1.8.** “Светофор билан тартибга солиши”. Ҳаракатланиш светофор билан тартибга солинадиган чорраҳа, пиёдалар ўтиш жойи ёки йўл қисмини билдиради.

1.9. “Кўтарма кўприк”. Кўтарма кўприк ёки солда кесиб ўтиш.

1.10. “Соҳилга чиқиш”. Дарё ёки сув ҳавзаси қирғоғига чиқишни билдиради.

1.11.1, 1.11.2. “Хавфли бурилиш”. **1.11.1** – ўнгга, **1.11.2** – чапга йўл белгилари йўлнинг кичик радиусли ёки кўриниши чекланган бурилиш жойини билдиради.

1.12.1, 1.12.2. “Хавфли бурилишлар”. **1.12.1** – биринчи бурилиш ўнгга, **1.12.2** – биринчи бурилиш чапга йўл белгилари йўлнинг хавфли бурилишлари бўлган қисмини билдиради.

1.13. “Тик нишаблик”.

1.14. “Тик баландлик”.

1.15. “Сирпанчик йўл”. Қатнов қисми ўта сирпанчик бўлган йўл қисми.

1.16. “Нотекис йўл”. Қатнов қисми нотекис бўлган йўл (ўнқир-чўнқир, ўйдим-чуқур жойлар, кўприкнинг йўлга нотекис туташуви ва шу кабилар) қисмини билдиради.

1.17. “Тош отилиши хавфи”. Транспорт воситасининг фиддираги остидан шағал, тош ва шунга ўхшашларнинг отилиб чиқиш эҳтимоли бўлган йўл қисмини билдиради.

1.18.1 – 1.18.3. “Йўлнинг торайиши”. **1.18.1** – икки томонлама торайиш; **1.18.2** – ўнгга торайиш ва **1.18.3** – чапга торайишни билдиради.

1.19. “Икки томонлама ҳаракатланиш”. Йўлнинг (катнов қисмининг) қарама-қарши ҳаракатланиш қисми бошланишини билдиради.

1.20. “Пиёдалар ўтиш жойи”. **5.16.1, 5.16.2** белгилари ва (ёки) **1.14.1 – 1.14.3** чизиқлари билан белгиланган пиёдалар ўтиш жойини билдиради.

1.21. “Болалар”. Болалар муассасаси (мактаблар, болаларнинг дам олиш масканлари ва шунга ўхшашлар)га яқин йўлнинг қатнов қисмидан болаларнинг чиқиб қолиш эҳтимолини билдиради.

1.22. “Велосипед йўлкаси билан кесишув”.

1.23. “Таъмирлаш ишлари”.

1.24. “Мол ҳайдаб ўтиш”.

1.25.1. “Ёввойи ҳайвонлар”.

1.25.2. Пастлаб учувчи қушлар

1.25.3. Кемирувчи ва судралиб юрувчи ҳайвонлар белгиси

1.26. “Тошлар тушиши”. Тош кўчиши, сурилиши ва тушиши мумкин бўлган йўл қисмини билдиради.

1.27. “Ёнлама шамол”.

1.28. “Пастлаб учувчи самолётлар”.

1.29. “Туннел” Сунъий равища ёритилмаган ёки кириш пештоғининг кўриниши чекланган туннелни билдиради.

1.30. “Бошқа хавф-хатарлар”.

Огоҳлантирувчи белгиларда кўзда тутилмаган хавф-хатарлар бўлган йўл қисмини билдиради.

1.31. “Сунъий йўл нотекислиги”. Йўлнинг сунъий нотекислик ўрнатилган қисмига яқинлашаётганлиги тўғрисида огоҳлантиради. Транспорт воситасининг ҳаракатланиш тезлигини мажбурий тарзда камайтириш учун кўлланилади.

1.31.1, 1.31.2. “Бурилишнинг йўналиши”. Кичик радиусли, кўриниши чекланган йўлда ҳаракатланиш йўналишини ва йўлнинг таъмирланаётган қисмини айланиб ўтиш йўналишини билдиради.

1.31.3. “Бурилишнинг йўналиши”.

Т-симон чорраҳада ёки йўл айрилишларида ҳаракатланиш йўналишини, таъмирланаётган йўл қисмини айланиб ўтиш йўналишини билдиради.

1.32. “Тирбандлик”. Ушбу йўл белгиси вақтинчалик ёки тасвири ўзгарадиган ҳолатда тирбандлик ҳосил бўлган йўл ёки чорраҳага кириш олдидан йўлни ёки чорраҳани айланиб ўтиш имконияти бўлган жойга ўрнатилади.

1.33. “Қатнов қисми кесишмаси ҳудуди”.

1. 30 ётиқ чизиги билан белгиланган чорраҳага яқинлашаётганлигини англашиб, олдинда тирбандлик юзага келганлиги туфайли мажбурий тўхтаб, кўндаланг йўналишдаги транспорт воситаларининг ҳаракатланишига тўсқинлик туғдирадиган бўлса, чорраҳага кириш, агар тўхташ чизиги ёки **5.33** йўл белгисидан ўтиб бўлган ҳайдовчига эса қатнов қисмлари кесишмасига киришни тақиқланишини билдиради.

1.34. “Дикқат, бошқариладиган түсік”. Ушбу йўл белгиси бошқариладиган түсувчи қурилмасында етмасдан ўрнатилади ва транспорт воситалари ҳайдовчиларини олдинда түсувчи қурилма борлиги ҳақида огохлантиради.

1.35 “Пиёдаларнинг йўл ёқасидан юриши мумкин бўлган худуд”

1.1, 1.2, 1.5 – 1.32 огохлантирувчи белгилари аҳоли пунктларида хавфли жойдан 50 – 100 метр, аҳоли пунктларидан ташқарида эса 150 – 300 метр олдин ўрнатилади. Зарурият бўлганда, бу белгилар **7.1.1** қўшимча ахборот белгисида кўрсатилган бошқа масофада ҳам ўрнатилиши мумкин.

Агар нишаблик ва баландлик кетма-кет келадиган бўлса, **1.13** ва **1.14** белгилари бевосита нишаблик ва баландлик олдига ўрнатилиши мумкин.

Аҳоли пунктларидан ташқарида **1.1, 1.2, 1.9, 1.10, 1.21** ва **1.23** белгилари такрорланади. Иккинчи белги йўлнинг хавфли қисми бошланишига камида 50 метр қолганда ўрнатилади.

Агар қатнов қисмидаги қисқа муддатли йўл ишлари олиб борилаётган бўлса, **1.23** белгиси иш бажарилаётган жойга 10 – 15 метр масофа етмасдан (**7.1.1** қўшимча ахборот белгисиз) ўрнатилиши мумкин.

1.3, 1.3.1 ва **1.3.2** белгилари бевосита темир йўл кесишмалари олдида, энг яқин рельсдан 20 метрдан кам бўлмаган масофада ўрнатилади.

2. Имтиёз белгилари

Имтиёз белгилари – чорраҳаларда, қатнов қисмлари кесишигандеги жойларда, йўлнинг тор қисмларида ҳаракатланиш навбатини белгилайди.

2.1. “Асосий йўл”. Ҳаракат тартибга солинмаган чорраҳаларда олдин ўтиш ҳуқуқини беради.

Белги асосий йўл бошига ва чорраҳаларнинг бевосита олдига ўрнатилади.

2.2. “Асосий йўлнинг охири”.

2.3.1. “Иккинчи даражали йўл билан кесишишув”.

2.3.2, 2.3.3. “Иккинчи даражали йўл билан туташув”. **2.3.2** – туташув ўнгдан, **2.3.3** – туташув чапдан. **2.3.1 – 2.3.3** йўл белгилари аҳоли пунктларида кесишишмагача 50 – 100 метр масофада, аҳоли пунктларидан ташқарида эса 150 – 300 метр масофада ўрнатилади.

2.4. “Йўл беринг!”. Ҳайдовчи кесиб ўтилаётган йўлдан, **7.13** қўшимча ахборот белгиси бўлганда эса асосий йўлдан ҳаракатланаётган транспорт воситасига йўл бериши керак.

2.5. “Тўхтамасдан ҳаракатланиш тақиқланган”. Тўхташ чизиги олдида, агар у бўлмаса, кесиб ўтиладиган қатнов қисмининг четида тўхтамасдан ҳаракатланиш тақиқланади. Ҳайдовчи кесиб ўтилаётган йўлдан, **7.13** қўшимча ахборот белгиси бўлганда эса асосий йўлдан ҳаракатланаётган транспорт воситаларига йўл бериши керак.

Бу белги темир йўл кесиши мумкин ёки карантин масканидан олдин ўрнатилиши мумкин. Бундай ҳолларда ҳайдовчи тўхташ чизиги олдида, у бўлмаса, белги олдида тўхташи керак.

2.6. “Рўпара ҳаракатланишнинг устунлиги”. Қарама-қарши ҳаракатланишни қийинлаштирадиган ҳолларда йўлнинг тор қисмiga кириш тақиқланади. Ҳайдовчи йўлнинг тор қисмида бўлган ёки рўпарадан унга яқин бўлган транспорт воситасига йўл бериши керак.

2.7. “Рўпарадаги ҳаракатланишга нисбатан имтиёз”. Йўлнинг тор қисмида ҳаракатланишда ҳайдовчи рўпарадан келаётган транспорт воситасига нисбатан имтиёзга эгалигини билдиради.

3. Тақиқловчи белгилар

Тақиқловчи белгилар йўл ҳаракатига айрим тақиқлар, муайян чекловлар киритади ёки уларни бекор қиласди.

3.1. “Кириш тақиқланган”. Барча транспорт воситаларининг кириши тақиқланишини билдиради.

3.2. “Ҳаракатланиш тақиқланган”. Барча транспорт воситаларининг ҳаракатланиши тақиқланишини билдиради.

3.3. “Механик транспорт воситаларининг ҳаракатланиши тақиқланган”.

3.4. “Юк автомобилларининг ҳаракатланиши тақиқланган”. Рухсат этилган тўлиқ вазни **3,5** тоннадан (агар вазни белгига кўрсатилмаган бўлса) ёки рухсат этилган тўлиқ вазни белгига кўрсатилгандан ортиқ бўлган юк автомобиллари ва транспорт воситалари таркибларининг, шунингдек тракторлар, ўзиюрар ускуналарнинг ҳаракатланиши тақиқланади.

3.4. йўл белгиси бортларига кия оқ чизик тортилган ёки одамларни ташиш учун мўлжалланган юк автомобилларининг ҳаракатланишини тақиқламайди.

3.5. “Мотоцикллар ҳаракатланиши тақиқланган”.

3.6. “Тракторлар ҳаракатланиши тақиқланган”. Тракторлар ва ўзиюрар ускуналарнинг ҳаракатланиши тақиқланади.

3.7. “Тиркама билан ҳаракатланиш тақиқланган”. Юк автомобиллари ва тракторларнинг барча турдаги тиркамалар билан ҳаракатланиши, шунингдек, механик транспорт воситаларини шатакка олиш тақиқланади.

3.8. “От-арава ҳаракатланиши тақиқланган”. От-арава (чана), отлиқлар, юк ортилган ҳайвонларнинг ҳаракатланиши, шунингдек, чорва (пода) ҳайдаб ўтиш тақиқланади.

3.9. “Велосипедда ҳаракатланиш тақиқланган”. Велосипедда ва мопедда ҳаракатланиш тақиқланади.

3.10. “Пиёданинг ҳаракатланиши тақиқланган”.

3.11. “Вазн чекланган”. Ҳақиқий умумий вазни белгига кўрсатилганидан ортиқ бўлган транспорт воситаларининг, шунингдек, транспорт воситалари таркибларининг ҳаракатланиши тақиқланади.

3.12. “Ўқقا тушадиган оғирлик чекланган”. Ҳар қандай ўқига тушадиган ҳақиқий оғирлик белгига кўрсатилганидан ортиқ бўлган транспорт воситаларининг ҳаракатланиши тақиқланади.

3.13. “Чекланган баландлик”. Габарит баландлиги (юк билан ёки юксиз) белгига кўрсатилгандан ортиқ бўлган транспорт воситаларининг ҳаракатланиши тақиқланади.

3.14. “Чекланган кенглик”. Габарит кенглиги (юк билан ёки юксиз) белгига кўрсатилганидан ортиқ бўлган транспорт воситаларининг ҳаракатланиши тақиқланади.

3.15. “Чекланган узунлик”. Габарит узунлиги (юк билан ёки юксиз) белгига кўрсатилганидан ортиқ бўлган транспорт воситалари (транспорт воситалари таркиблари)нинг ҳаракатланиши тақиқланади.

3.16. “Энг кам оралиқ”. Белгига кўрсатилганидан кам бўйлама оралиқ масофада ҳаракатланиш тақиқланади.

3.17.1. “Божхона”. Божхона (назорат пункти) олдида тўхтамасдан ўтиб кетиш тақиқланади.

3.17.2. “Хавф-хатар”. Йўл-транспорт ҳодисаси, авария, ёнгин ёки бошқа хавф-хатар вазиятлар туфайли, истисносиз, барча транспорт воситаларининг бундан кейин ҳаракатланиши тақиқланади.

3.17.3. “Назорат жойи”. Транспорт воситаларининг текшириб ўтказилиши мажбурий бўлган вақтинча ёки доимий назорат пунктларида ўрнатилади.

Ушбу йўл белгиси **2.5** йўл белгиси билан бирга ўрнатилиши мумкин.

3.18.1. “Ўнгга бурилиш тақиқланган”.

3.18.2. “Чапга бурилиш тақиқланади”.

3.19. “Қайрилиш тақиқланган”.

3.20. “Қувиб ўтиш тақиқланган”. Соатига 40 км дан кам тезлиқда ҳаракатланаётган якка транспорт воситасидан бошқа транспорт воситаларини қувиб ўтиш тақиқланишини билдиради

3.21. “Қувиб ўтиш тақиқланган худуднинг охири”.

3.22. “Юк автомобилларида қувиб ўтиш тақиқланган”. Тўлик вазни 3,5 тоннадан ортиқ бўлган юк автомобилларида барча транспорт воситаларини қувиб ўтиш тақиқланишини билдиради (соатига 40 км дан кам тезлиқда ҳаракатланаётган транспорт воситаси, трактор, от-арава, велосипед бундан мустасно).

3.23. “Юк автомобилларида қувиб ўтиш тақиқланган худуднинг охири”.

3.24. “Юкори тезлик чекланган”. Белгига кўрсатилганидан ортиқ тезлиқда (км/с) ҳаракатланиш тақиқланишини билдиради

3.25. “Юкори тезлик чекланган худуднинг охири”.

3.26. “Товуш мосламаларидан фойдаланиш тақиқланган”. Йўл транспорт ҳодисасининг олдини олиш ҳолларидан бошқа вазиятларда товуш мосламасидан фойдаланиш тақиқланади.

3.27. “Тўхташ тақиқланган”. Транспорт воситаларининг тўхташи ва тўхтаб туриши тақиқланади (хизмат вазифасини бажараётган ходимга бириктирилган кўк ёки қизил ёхуд кўк ва қизил рангли ялтироқ маёқчаси билан жиҳозланган ҳамда маҳсус рангли буёқ схемалар ва ёзувлар билан белгиланган транспорт воситалари бундан мустасно).

3.28. “Тұхтаб туриш тақиқланган”. Транспорт воситаларининг тұхтаб туриши тақиқланади (хизмат вазифасини бажараётган ходимга бириктирилған күк ёки қизил ёхуд күк ва қизил рангли ялтироқ маёқчаси билан жиҳозланган ҳамда махсус рангли бүёқ схемалар ва ёзувлар билан белгиланған транспорт воситалари бундан мустасно).

3.29. “Ойнинг тоқ кунларида тұхтаб туриш тақиқланған” (хизмат вазифасини бажараётган ходимга бириктирилған күк ёки қизил ёхуд күк ва қизил рангли ялтироқ маёқчаси билан жиҳозланған ҳамда махсус рангли бүёқ схемалар ва ёзувлар билан белгиланған транспорт воситалари бундан мустасно).

3.30. “Ойнинг жуфт кунларида тұхтаб туриш тақиқланған” (хизмат вазифасини бажараётган ходимга бириктирилған күк ёки қизил ёхуд күк ва қизил рангли ялтироқ маёқчаси билан жиҳозланған ҳамда махсус рангли бүёқ схемалар ва ёзувлар билан белгиланған транспорт воситалари бундан мустасно).

3.29 ва **3.30** белгилари қатнов қисмининг қарама-қарши томонларида бир вақтда ўрнатылғанда, қатнов қисмининг ҳар иккала томонида соат 19:00 дан 21:00 гача тұхтаб туришга рухсат этилади (жойини ўзгартириш вақты).

3.31. “Барча чекловларнинг охири”. **3.16, 3.20, 3.22, 3.24, 3.26 – 3.30** белгиларидан бир нечтасига бир вақтда амал қиласынан худудларнинг охири.

3.32. “Хавфли юк ташиётганды транспорт воситасининг ҳаракати тақиқланған”.

3.33. “Портловчи ва тез алангаланувчи юкни ташиётганды транспорт воситасининг ҳаракати тақиқланған”.

3.1 – 3.3, 3.18.1, 3.18.2, 3.19, 3.27 белгилари **3.2 – 3.8** белгилари таъсир оралиғида жойлашған корхоналарга хизмат күрсатувчи транспорт воситаларига, шунингдек, ушбу белгилар таъсир оралиғида яшовчи ёки ишловчи фуқароларға хизмат қилувчи ёки уларға тегишли бўлған транспорт воситаларига таъсир қилмайди. Бундай ҳолларда транспорт воситалари белгиланған жойга яқин чорраҳадан кириб ёки чиқиб кетишлари керак.

3.27 белгиси йўналишсиз енгил таксиларга йўловчиларни тушуриши чиқариш (юкларни ортиш-тушуриш) вақтида таъсир қилмайди;

Ушбу Қоидаларнинг 176-бандига биноан «Ногирон» таниш белгиси билан белгиланған автомобиллар ва кажавали мотоциклларни бошқараётган ногирон ҳайдовчилар **3.2, 3.3** ва **3.28** белгилари талабларидан четга чиқишилари мумкин. **7.18** белги бўлганда **3.27** белгисининг таъсир доирасида тұхташга рухсат этилади.

3.28 – 3.30 белгиларининг таксометри ишлаб турған таксиларга тааллукли эмас.

3.18.1 ва **3.18.2** белгилари қатнов қисмларининг қайси кесиши маси олдига ўрнатылса, шу кесиши мага татбиқ этилади.

3.16, 3.20, 3.22, 3.24, 3.26 – 3.30 белгиларининг таъсирі белги ўрнатылған жойдан кейинги энг яқин чорраҳагача, қайрилиб олиш жойигача, улар бўлмагандан – аҳоли пунктининг охиригача таъсирі қиласы.

Ёндош худудлардан йўлга чиқиш жойларида ёки йўлнинг дала, ўрмон йўллари ва бошқа доимий ҳаракатланиш, ўтиб кетиш учун мўлжалланмаган йўллар билан кесишган (туташган) жойларида, уларнинг олдида тегишли белгилар ўрнатилмаган бўлса, бу белгиларнинг таъсири йўқолмайди.

Аҳоли пунктларига етмасдан ўрнатилган **3.24** белгисининг таъсири **5.22** белгисигача кучини сақлайди.

Белгиларнинг таъсир доираси аниқлаштирилиши мумкин:

3.16 ва **3.26** белгилари учун **7.2.1** қўшимча ахборот белгиси билан;

3.20, 3.22, 3.24 белгилари **3.21, 3.23, 3.25** белгилари ва **7.2.1** қўшимча ахборот белгиси орқали;

3.24 белгисининг таъсир оралиғи ундан кейин бошқа энг юқори ҳаракатланиш тезлиги кўрсатилган **3.24** белгисини ўрнатиш билан;

3.27 – 3.30 белгиларининг амал қилиш оралиғи охирига **3.27 – 3.30** белгилари **7.2.3** қўшимча ахборот белгиси билан бирга тақорор ўрнатилади ёки **7.2.2** қўшимча ахборот белгиси билан кўлланилади.

3.27 белгиси **1.4** ётиқ чизиғи билан биргаликда, **3.28** белгиси эса **1.10** ётиқ чизиғи билан биргаликда кўлланиши мумкин, бунда белгиларнинг таъсир худуди йўл чизиғи узунлиги билан аниқланади.

3.10, 3.27 – 3.30 белгилари йўлнинг қайси томонида ўрнатилган бўлса, уларнинг таъсири фақат ўша томонга амал қилинади.

4. Буюрувчи белгилар

Буюрувчи белгилар муайян ҳаракатланиш тартибини белгилайди ёки бекор қиласи.

4.1.1. “Ҳаракатланиш тўғрига”.

4.1.2. “Ҳаракатланиш ўнгга”.

4.1.3. “Ҳаракатланиш чапга”.

4.1.4. “Ҳаракатланиш тўғрига ёки ўнгга”.

4.1.5. “Ҳаракатланиш тўғрига ёки чапга”.

4.1.6. “Ҳаракатланиш ўнгга ёки чапга”.

Фақат белгиларда кўрсатилган кўрсаткичлар йўналишларида ҳаракатланишга рухсат этилади. Чапга бурилишга рухсат берувчи белгилар қайрилиб олишга ҳам рухсат беради. (Муайян кесишмада талаб этилган ҳаракатланиш йўналишига тегишли кўрсаткичларнинг шакли туширилган **4.1.1 – 4.1.6** белгиларини кўллаш мумкин).

4.1.1 – 4.1.6 белгиларининг таъсири йўналишили транспорт воситаларига жорий қилинмайди.

4.1.1 – 4.1.6 йўл белгилари қатнов қисмларининг қайси кесишмасидан олдин ўрнатилса, белгининг таъсири шу кесишмага жорий қилинади.

Йўлнинг қисми бошланишида ўрнатилган **4.1.1** белгисининг таъсири яқин чорраҳагача жорий қилинади. Белги ўнг томонда жойлашган ҳовлиларга ва йўлга ёндош бошқа худудларга бурилишни тақиқламайди.

4.2.1. “Тўсиқни ўнгдан айланиб ўтиш”.

4.2.2. “Тўсиқни чапдан айланиб ўтиш”. Фақат кўрсаткич кўрсатган томондан айланиб ўтиш рухсат этилади.

4.2.3. “Тўсиқни ўнгдан ёки чапдан айланиб ўтиш”. Ҳар томонидан айланиб ўтиш рухсат этилади.

4.3. “Айланма ҳаракатланиш”. Кўрсаткичлар йўналишларида ҳаракатланиш рухсат этилади.

4.4. “Енгил автомобиллар ҳаракати”. Енгил автомобиллар, автобус, мотоцикллар, белгиланган йўналиши транспорт воситалари ва рухсат этилган тўлиқ вазни 3,5 тоннадан ошмайдиган юк автомобиллари ҳаракатланишига рухсат этилишини билдиради.

Белгининг таъсир оралиғида яшовчи ва ишловчи фуқароларга тегишли, уларга ва корхоналарга хизмат кўрсатувчи транспорт воситаларига бу белги татбиқ этилмайди. Бундай ҳолларда транспорт воситалари белгиланган жойга энг яқин чорраҳадан кириб ёки чиқиб кетишлари керак.

4.5. “Велосипед йўлкаси”. Фақат велосипед ва мопедларда ҳаракатланишига рухсат этилишини билдиради. Тротуар ёки пиёдалар йўлкаси бўлмаса, велосипед йўлкасидан пиёдалар ҳам юришлари мумкин.

4.6. “Пиёдалар йўлкаси”. Фақат пиёдалар юришига рухсат этилади.

4.6.1. “Пиёдалар ва велосипедчиларнинг биргаликдаги ҳаракати ташкил этилган йўлак”.

4.6.2. “Пиёдалар ва велосипедчиларнинг биргаликдаги ҳаракати ташкил этилган йўлакнинг охири”.

4.6.3. “Пиёдалар ва велосипедчиларнинг ҳаракати алоҳида ташкил этилган йўлак”. **1.1, 1.25** ва **1.26** ётиқ йўл чизиги ёрдамида, конструктив тарзда ёхуд бошқа усулда пиёдалар ва велосипедчиларнинг ҳаракати ажратилган пиёдалар ва велосипедчилар йўлаги.

4.6.4. “Пиёдалар ва велосипедчиларнинг ҳаракати алоҳида ташкил этилган йўлакнинг охири”.

4.6.5. “Пиёдалар ва велосипедчиларнинг ҳаракати алоҳида ташкил этилган йўлак”. **1.1, 1.25** ва **1.26** ётиқ йўл чизиги ёрдамида, конструктив тарзда ёхуд бошқа усулда пиёдалар ва велосипедчиларнинг ҳаракати ажратилган пиёдалар ва велосипедчилар йўлаги.

4.6.6. “Пиёдалар ва велосипедчиларнинг ҳаракати алоҳида ташкил этилган йўлакнинг охири”.

4.7. “Энг кам тезлик”. Фақат белгида кўрсатилган ёки ундан юкори тезликда (км/соат) ҳаракатланишига рухсат этилишини билдиради.

4.8. “Энг кам тезлик белгиланган йўлнинг охири”.

4.9.1, 4.9.2 ва **4.9.3** “Хавфли юк ташиётган транспорт воситаларининг ҳаракат йўналиши”. “Хавфли юк” таниш белгиси билан жиҳозланган транспорт воситаларининг ҳаракатига йўл белгисида кўрсатилган йўналишларда рухсат берилади: **4.9.1** – тўғрига, **4.9.2** – чапга, **4.9.3** – ўнгга.

5. Ахборот-кўрсатгич белгилари

Ахборот-кўрсатгич белгилари маълум ҳаракат тартибларини киритади ёки уларни бекор қиласди, ҳамда аҳоли пунктлари ва бошқа манзилларнинг жойлашуви ҳақида маълумот беради.

5.1. “Автомагистраль”. Йўл ҳаракати қоидаларининг автомагистралларда ҳаракатланиш тартиби ўрнатилган йўлни билдиради.

5.2. “Автомагистралнинг охири”.

5.3. “Автомобиллар учун мўлжалланган йўл”. Фақат автомобиллар, автобус ва мотоциклларнинг ҳаракатланиши учун мўлжалланган йўлни билдиради.

5.4. “Автомобиллар учун мўлжалланган йўлнинг охири”.

5.5. “Бир томонлама ҳаракатли йўл”. Транспорт воситалари бутун кенглик бўйича бир йўналишда ҳаракатланадиган йўл ёки қатнов қисми.

5.6. “Бир томонлама ҳаракатли йўлнинг охири”.

5.7.1, 5.7.2. “Бир томонлама ҳаракатли йўлга чиқиши”. Ҳаракатланиш бир томонлама бўлган йўлга ёки қатнов қисмiga чиқиши.

5.8.1. “Тасмалар бўйича ҳаракат йўналиши”. Тасмалар сони ва ҳар бири бўйича рухсат этилган ҳаракатланиш йўналишлари. Бошқа йўналишлар бўйича ҳаракатланиш тақиқланади.

5.8.2. “Тасма бўйича ҳаракатланиш йўналиши”. Тасма бўйича рухсат этилган ҳаракатланиш йўналиши. Бошқа йўналишлар бўйича ҳаракатланиш тақиқланади.

Йўлнинг четки чап бўлгадан чапга бурилишга рухсат берувчи **5.8.1** ва **5.8.2** белгилари шу тасмадан қайрилишга ҳам рухсат беради.

Чорраҳадан олдин ўрнатилган **5.8.1** ва **5.8.2** белгиларининг таъсири, агар шу туркумдаги бошқа белгилар ўрнатилмаган бўлса, бутун чорраҳага татбик этилади.

5.8.3. “Тасманинг бошланиши”. Йўлнинг секинлашиш бўлаги ёки баландликка кўтарилишдаги қўшимча тасманинг бошланиш қисми.

Агар белгига **4.7** “Энг кам тезлик” белгисининг тасвири тушган бўлса, кўрсатилган ёки ундан каттароқ тезликда ҳаракатлана олмайдиган транспорт воситасининг ҳайдовчиси асосий тасмадан қўшимча тасмага қайта тизилиши керак.

5.8.4. “Тасманинг бошланиши”. Уч тасмали йўлларда шу йўналишда ҳаракатланиш учун мўлжалланган ўрта тасма қисмининг бошланиши.

5.8.5. “Тасма охири”. Баландликка кўтарилишдаги қўшимча тасманинг ёки тезланиш тасманинг охирини билдиради.

5.8.6. “Тасма охири”. Уч тасмали йўлларда шу йўналишда ҳаракатланиш учун мўлжалланган ўрта тасма қисмининг охирини билдиради.

5.8.7, 5.8.8. “Тасмалар бўйича ҳаракатланиш йўналиши”. Агар **5.8.7** белгисида бирор транспорт воситасининг ҳаракатланишини тақиқловчи белги тасвирланган бўлса, унда бу тур транспорт воситасининг тегишли тасмада ҳаракатланиши тақиқланишини билдиради.

5.8.7 ва **5.8.8** белгилари йўналишлар сонига кўра тўрт ва ундан ортиқ тасмалий йўлларга ҳам татбиқ этилиши мумкин. Тасвири алмашадиган **5.8.7**, **5.8.8** белгилари ёрдамида реверсив ҳаракат ташкил этилиши мумкин.

5.9. “Йўналишли транспорт воситалари учун мўлжалланган тасма”. Транспорт воситалари йўналишида ҳаракатланадиган йўналишли транспорт воситалари учун мўлжалланган тасмани билдиради.

Белги қайси тасма устида жойлашган бўлса, шу тасмага татбиқ этилади. Йўлнинг ўнг томонига ўрнатилган белгининг таъсири ўнг тасмага татбиқ этилади.

5.10.1. “Йўналишли транспорт воситалари учун алоҳида ажратилган тасмаси бор йўл”. Йўналишли транспорт воситаларининг умумий оқимга қарши ҳаракатланиши учун ажратилган тасмани билдиради.

5.10.2, 5.10.3. “Йўналишли транспорт воситалари учун алоҳида ажратилган тасмаси бор йўлга чиқиш”.

5.10.4. “Йўналишли транспорт воситалари учун алоҳида ажратилган тасмаси бор йўлнинг охири”.

5.11.1. “Қайрилиб олиш жойи”. Чапга бурилиш тақиқланади.

5.11.2. “Қайрилиб олиш оралиғи”. Қайрилиб олиш оралигининг узунлигини билдиради. Чапга бурилиш тақиқланади.

5.12. “Автобус ва (ёки) троллейбус тўхташ жойи”.

5.13. “Трамвай тўхташ жойи”.

5.14. “Йўналишсиз таксилар тўхтаб туриш жойи”.

5.15. “Тўхтаб туриш жойи”.

5.15.1. “Пуллик тўхтаб туриш жойи”.

5.15.2 Ер усти автомобиль қўйиш жойи.

5.15.3 Ер ости автомобиль қўйиш жойи.

5.15.4 Электр кувватлашни автомобиль қўйиш жойи.

5.16.1, 5.16.2. “Пиёдалар ўтиш жойи”. Ўтиш жойи олдида **1.14.1-1.14.2** ётиқ чизиги бўлмаганда **5.16.2** белгиси йўлдан ўнг томонга ўтиш жойининг олд чегарасига, **5.16.1** белгиси эса чап томонга ўтиш жойининг орқа чегарасига ўрнатилади.

5.17.1, 5.17.2. “Пиёдаларнинг ер остидан ўтиш жойи”.

5.17.3, 5.17.4. “Пиёдаларнинг ер устидан ўтиш жойи”.

5.18. “Тавсия этилган тезлик”. Йўлнинг шу қисмида тавсия этилган ҳаракатланиш тезлигини билдиради. Белгига энг яқин чорраҳагача амал қилинади. **5.18** белгиси огоҳлантирувчи белги билан бирга қўлланса, унинг таъсир оралиғи хавфли қисмнинг узунлиги билан аниқланади.

5.19.1 – 5.19.4. “Охири берк йўл”. Йўлнинг кўрсатилган йўналишда охири берклигини билдиради.

5.20.1, 5.20.2. “Йўналишларнинг дастлабки кўрсаткичи”. Белгидаги кўрсатилган аҳоли пункти ва бошқа манзилларга ҳаракатланиш йўналишини билдиради. Белгига **5.29.1** белгисининг ҳамда автомагистраль, аэропорт ва бошқа рамзий белгилар тасвири туширилган бўлиши мумкин. **5.20.1** белгисида ҳаракатланиш тартибининг хусусиятлари тўғрисида ахборот берувчи бошқа белгиларнинг тасвири ҳам тушган бўлиши мумкин. **5.20.1** белгисининг паст

қисмida белги ўрнатилған жойдан чорраҳагача бўлган масофа кўрсатилади.
5.20.1 белгиси йўлнинг **3.11 – 3.15** тақиқловчи белгиларидан бири ўрнатилған қисмларини айланиб ўтиш йўналишини кўрсатиш учун ҳам қўлланилади.

5.20.3. “Харакатланиш чизмаси”. Чорраҳада айрим йўналишларда харакатланиш тақиқланган бўлса харакатланиш йўналиши ёки мураккаб чорраҳаларда рухсат этилган харакатланиш йўналишини билдиради.

5.20.4. “Йўлларининг бир сатҳда кесишмайдиган қисмларида бурилиш ёки қайрилиб олиш йўналиш кўрсаткичи”. Автомобиль йўлларининг бир сатҳда кесишмайдиган қисмларида ер остидан ёки ер устидан транспорт воситаларининг бурилиш ва қайрилиб олиш йўналишини кўрсатиш учун қўлланилади.

5.20.5 Хизмат кўрсатиш майдони.

5.21.1. “Йўналиш кўрсаткичи”.

5.21.2. “Йўналишлар кўрсаткичи”. Кўрсатилған манзилларга харакатланиш йўналишларини билдиради. Белгиларда манзилларгача бўлган масофа (км) кўрсатилиши, автомагистраллар, аэропортлар ва бошқа рамзий белгилар тасвирланган бўлиши мумкин.

5.22. “Аҳоли пунктининг бошланиши”. Ушбу Коидаларнинг аҳоли пунктларида харакатланиш тартибини белгиловчи талабларига амал қилинадиган жойларнинг номи ҳамда унинг бошланишини билдиради.

5.23. “Аҳоли пунктининг охири”. Ушбу Коидаларнинг аҳоли пунктларида харакатланиш тартиб-талаблари бекор қилинган жойни билдиради.

5.24. “Аҳоли пунктининг бошланиши”. Ушбу Коидаларнинг аҳоли пунктларида харакатланиш тартибини белгиловчи талабларига амал қилинмайдиган жойларнинг номи ҳамда унинг бошланишини билдиради.

5.25. “Аҳоли пунктининг охири”. **5.24** йўл белгиси билан кўрсатилган аҳоли пунктининг охирини билдиради.

5.26. “Манзил номи”. Аҳоли пунктларидан бошқа манзилларнинг номини билдиради (дарё, кўл, довон, хушманзара жой ва бошқалар).

5.27. “Масофалар кўрсаткичи”. Йўналиш бўйича жойлашган аҳоли пунктларигача бўлган масофани билдиради (км).

5.28. “Километр белгиси”. Йўлнинг боши ёки охиригача бўлган масофани билдиради (км).

5.29.1, 5.29.2. “Йўл рақами”. **5.29.1** – йўлга берилган рақам, **5.29.2** – йўлнинг рақами ва йўналишини билдиради.

5.30.1 – 5.30.3. “Юк автомобиллари учун харакатланиш йўналиши”. Чорраҳада юк автомобиллари, тракторлар ва ўзиорар мосламаларга бирор йўналишда харакатланиш тақиқланган бўлса, бундай транспорт воситаларига тавсия этилган харакатланиш йўналишлари кўрсатади.

5.31. “Айланиб ўтиш тасвири”. Харакатланиш учун вақтинча ёпиб қўйилган йўл қисмини четлаб ўтиш чизмаси.

5.32.1 – 5.32.3. “Четлаб ўтиш йўналиши”. Харакатланиш вақтинча ёпиб қўйилган йўл қисмини четлаб ўтиш йўналишини билдиради.

5.33. “Тўхташ чизиги”. Светофорнинг (тартибга солувчининг) тақиқловчи ишорасида транспорт воситалари тўхтайдиган йўналишини билдиради.

5.34.1, 5.34.2. “Бошқа қатнов қисмига қайта тизилишнинг бошланғич кўрсаткичи”. Ажратувчи бўлаги бўлган йўлнинг ҳаракатланиш учун ёпик худудини айланиб ўтиш ёки ўнг томондаги қатнов қисмига қайтиш учун ҳаракатланиш йўналишини билдиради.

5.35. “Реверсив ҳаракатланиш”. Бир ёки бир неча тасмаларда ҳаракатланиш йўналиши қарама-қарши томонга ўзгариши мумкин бўлган йўл қисмининг бошланишини билдиради.

5.36. “Реверсив ҳаракатланишнинг охири”.

5.37. “Реверсив ҳаракатланиш йўлига чиқиши”.

5.38. “Турар жой даҳаси”. Йўл ҳаракати қоидаларининг турар жой даҳаларида ҳаракатланиш тартиби ўрнатилган йўл.

5.39. “Турар жой даҳасининг охири”.

5.40. “Фалокатли ҳолатлар учун кириш йўли”. Йўл ҳаракати ушбу Қоидаларидаги 128-бандда кўрсатилган ҳолатларда фойдаланиладиган йўл.

5.41. “Фото ва видео қайд этиш”.

Йўлларда автомобиль ҳайдовчилари Қоидалар талабига риоя этиши электрон қурилмалар ёрдамида назорат қилинаётганлигини билдирувчи йўл белгиси. Ушбу йўл белгиси Қоидалар талабига риоя этилиши стационар электрон қурилмалар орқали назоратга олинган жойларга ўрнатилади.

5.42. “Қизил чироқда ўнгга ҳаракатланиш”. Транспорт светофори қизил чироғининг ўнг ёнига **5.42** йўл белгиси ўрнатилган бўлса, транспорт воситаларининг ҳайдовчилари светофорнинг тақиқловчи ишораси ёниб турганда, барча хавфсизлик чораларини кўрган ҳолда ўнгга бурилишлари мумкин. Бунда улар ҳаракат йўналиши бўйича ва бурилаётган кўчани кесиб ўтаётган пиёдаларга ҳамда бошқа транспорт воситаларига йўл беришлари шарт.

5.43. “Радар”. Йўлларда автомобиль ҳайдовчилари белгиланган тезликка риоя этиши радарлар ёрдамида назорат қилинаётганлигини билдирувчи йўл белгиси.

Ушбу йўл белгиси белгиланган ҳаракатланиш тезлиги стационар маҳсус техника воситалари ёрдамида назоратга олинган жойларга ўрнатилади.

Шунингдек, вилоят, туман, шаҳарлар бошланадиган жойлардаги кўча ва йўлларда ҳаракатланиш тезлиги мобиль радарлар ёрдамида назорат қилинаётганлиги тўғрисида ҳайдовчиларни огоҳлантириш мақсадида ўрнатилиши мумкин.

5.44. “Велосипедчилар учун тасма”.

5.45. “Велосипедчилар учун тасманинг охири”.

5.46 “Мактаб”. Мактаб ёки мактабгача таълим ташкилотлари олдида ўрнатилади.

5.47. “Туризм обьектлари йўналиш кўрсатгичи” Туризм обьектлари жойлашган манзилларга ҳаракатланиш йўналишларини билдиради. Белгиларда манзилларгача бўлган масофа (км) кўрсатилиши, темир йўл

вокзаллари, аэропортлар ва бошқа туризм объектлари рамзий белгилари тасвирланган бўлиши мумкин.

5.47.1 “Туризм объектлари”.

5.47.2 “Туризм ахборот маркази”.

Аҳоли пунктларидан ташқарида ўрнатилган **5.20.1, 5.20.2, 5.21.1** ва **5.21.2** йўл белгиларидаги яшил ёки кўк ранг кўрсатилган аҳоли пунктига ёки объектга автомагистрал ёхуд бошқа йўл орқали ҳаракатланиш мумкинлигини англаатади.

Оқ ранг кўрсатилган объект ушбу аҳоли пунктида жойлашганини англаатади.

Аҳоли пунктида ўрнатилган **5.20.1, 5.20.2, 5.21.1** ва **5.21.2** йўл белгиларидаги яшил, кўк ранг кўрсатилган аҳоли пунктига ёки объектга ушбу аҳоли пунктидан чиққандан сўнг автомагистрал ёхуд бошқа йўл орқали ҳаракатланиш мумкинлигини англаатади, оқ ранг эса кўрсатилган объект шу аҳоли пунктида жойлашганини билдиради.

6. Сервис белгилари

Сервис белгилари тегишли объектлар жойлашуви ҳақида маълумот беради.

6.1. “Тиббий ёрдам кўрсатиш жойи”.

6.2. “Шифохона”.

6.3.1. “Автомобилларга ёнилғи қўйиш шохобчаси”.

6.3.2. Автомобилларга кўп тармоқли ёнилғи қўйиш шохобчаси

6.3.3. Электромобилларни қувватлаш шаҳобчаси

6.4. “Автомобилларга техник хизмат кўрсатиш жойи”.

6.5. “Автомобилларни ювиш жойи”.

6.6. “Телефон”.

6.7. “Ошхона”.

6.8. “Ичимлик суви”.

6.9. “Мехмонхона ёки мотель”.

6.10. “Кемпинг”.

6.11. “Дам олиш жойи”.

6.12. “ЙПХ маскани”.

6.13. “Автоташувчиларнинг назорат пункти”.

6.14. “Хожатхона”.

6.15. “Чиқинди йиғиши жойи”.

6.16. Чўмилиш ҳавзаси.

6.17. Ички ишлар бўлими.

6.18 Радио алоқаси.

6.19 Жомеъ масжиди.

6.20 Черков.

6.21 Ибодатхона.

6.22 Темир йўл вокзали.

6.23 Аэропорт.

- 6.24** Бозор.
- 6.25** Туристик ахборот маркази.
- 6.26** Қўриқхона.
- 6.27** Манзарали жой.
- 6.28** Меъморчилик ёдгорлиги.

7. Кўшимча ахборот белгилари

Кўшимча ахборот белгилари улар билан биргаликда қўлланган белгиларга аниқлик киритиш ёки уларнинг таъсирини чеклаш учун қўлланилади.

7.1.1. “Объектгача бўлган масофа”. Белгидан йўлнинг хавфли жойи, йўл ҳаракатига тегишли чекловлар киритиладиган жойи ёки ҳаракат йўналиши бўйича олдиндаги муайян жойгача бўлган масофани кўрсатади.

7.1.2. “Объектгача бўлган масофа”. Ахоли пунктларидан ташқарида чорраҳа олдига **2.5.** йўл белгиси ўрнатилган бўлса, **2.4.** йўл белгиси билан ўрнатилиб, чорраҳагача бўлган масофани кўрсатади.

7.1.3, 7.1.4. “Объектгача бўлган масофа”. Йўлдан четда жойлашган манзилгача бўлган масофани билдиради.

7.2.1. “Таъсир оралиғи”. Огоҳлантирувчи белгилар билан белгиланган хавфли жойнинг узунлигини ёки тақиқловчи ва ахборот-кўрсаткич белгиларининг таъсир оралигини кўрсатади.

7.2.2 – 7.2.6. “Таъсир оралиғи”.

7.2.2 – 3.27 – 3.30 тақиқловчи белгиларининг таъсири сақланган оралиқни кўрсатади.

7.2.3 – 3.27 – 3.30 тақиқловчи белгиларининг таъсир оралиғи охирини кўрсатади.

7.2.4 – ҳайдовчиларга уларнинг **3.27 – 3.30** йўл белгилари таъсир доирасида эканликлари ҳақида ахборот беради.

7.2.5, 7.2.6 – майдон, бинолар олди ва шунга ўхшаш жойлар четида тўхташ ва тўхтаб туриш тақиқланганда **3.27 – 3.30** белгиларининг таъсир оралиғи ва йўналишини кўрсатади.

7.3.1 – 7.3.3. “Таъсир йўналишлари”. Чорраҳа олдида ўрнатилган белгиларининг таъсир йўналишини ёки бевосита йўл яқинида жойлашган манзилларга ҳаракатланиш йўналишини кўрсатади.

7.4.1 – 7.4.10. “Транспорт воситасининг тури”. Белгининг таъсири жорий этилган транспорт воситалари турини кўрсатади.

7.4.1 белги билан ўрнатилган йўл белгисининг таъсири юк ташувчи, шу жумладан, тиркамали, тўлиқ вазни **3,5** тоннадан ортиқ бўлган транспорт воситаларига, **7.4.3** белги билан ўрнатилган йўл белгисининг таъсири енгил автомобилларга, **7.4.9** электромобилларга, **7.4.10** йўналишсиз таксиларга, шунингдек, тўлиқ вазни **3,5** тоннагача бўлган юк ташувчи транспорт воситаларига татбиқ этилади.

7.5.1. “Шанба, якшанба ва байрам кунлари”.

7.5.2. “Иш кунлари”.

7.5.3. “Хафта кунлари”. Белгига ҳафтанинг қайси кунлари амал қилиниши кўрсатилган.

7.5.4. “Амал қилиш вақти”. Белгига куннинг қайси вақтида амал қилишини кўрсатади.

7.5.5 – 7.5.7. “Амал қилиш вақти”. Белгига ҳафтанинг қайси куни ва қайси соатларида амал қилишини кўрсатади.

7.6.1 – 7.6.9. “Транспорт воситасини тўхтаб туриш жойига қўйиш усули”. 7.6.1 барча турдаги транспорт воситаларини тўхтаб туриши учун йўлнинг қатнов қисмида, тротуар ёнига қўйиш усулини, 7.6.2 – 7.6.9 тротуар ёнидаги тўхтаб туриши жойига енгил автомобиллар ва мотоциклларни қўйиш усулини билдиради.

7.7. “Двигателни ишлатмасдан тўхтаб туриш жойи”. **5.15** белгиси билан белгиланган тўхтаб туриш жойида транспорт воситаларининг двигателини ишлатмасдан тўхтаб туришига рухсат этилганлигини кўрсатади.

7.8. “Пулли хизмат кўрсатиш жойи”. Тўлов асосида хизмат кўрсатилишини билдиради.

7.9. “Тўхтаб туриш муддати чекланган”. **5.15** белгиси ўрнатилган тўхтаб туриш жойида транспорт воситалари тўхтаб туришининг энг кўп муддатини кўрсатади.

7.10. “Автомобилларни кўрикдан ўтказиш жойи”. **5.15** ёки **6.11** белгиси билан кўрсатилган майдонларда эстакада ёки кўздан кечириш чуқурчалари борлигини билдиради.

7.11. “Рухсат этилган тўла вазни чекланган”: Белгининг таъсири рухсат этилган тўла вазни кўшимча-ахборот йўл белгисида кўрсатилган микдордан ортиқ бўлган транспорт воситаларига тааллуқли эканлигини кўрсатади.

7.12. “Хавфли йўл ёқаси”. Йўл ишлари бажарилаётгани сабабли йўл ёқасига чиқиш хавфли эканлиги ҳақида огохлантиради. **1.23** белгиси билан кўлланилади.

7.13. “Асосий йўлнинг йўналиши”. Чорраҳада асосий йўлнинг йўналишини кўрсатади.

7.14. “Ҳаракатланиш тасмаси”. Белги ёки светофор таъсиридаги ҳаракатланиш бўлагини кўрсатади.

7.15. “Кўзи ожиз пиёдалар”. **1.20**, **5.16.1**, **5.16.2** белгилари ҳамда светофор билан бирга кўлланилади, пиёдалар ўтиш жойидан кўзи ожиз пиёдалар фойдаланиши мумкинлиги ҳақида огохлантиради.

7.16. “Нам қоплама”: Белги қатнов қисмининг қопламаси нам бўлган вақтда таъсир этишини кўрсатади.

7.17. “Ногиронлар”. **5.15** белгиси билан кўлланилади. Тўхтаб туриш жойи (ёки унинг бир қисми) ушбу Коидаларнинг **176**-бандига мувофиқ “Ногирон” таниқлик белгиси ўрнатилган транспорт воситалари учун ажратишганлигини кўрсатади.

7.18. “Ногиронлар мустасно”: Белгиларнинг таъсири ушбу Коидаларнинг **175**-бандига мувофиқ “Ногирон” таниқлик белгиси ўрнатилган транспорт воситаларига жорий этилмайди.

7.19. “Фото ва видео қайд этиш”. Йўл ҳаракати қатнашчиларининг ҳаракатлари махсус автоматлаштирилган фото ва видео қайд этиш техника вositалари орқали қайд этилаётганлигини билдиради. Огоҳлантирувчи, имтиёз, тақиқловчи, буюрувчи ва ахборот ишора белгилари билан биргалиқда қўлланилади.

7.20. “Хавфли юк тоифаси”. Хавфли юк тоифасининг (тоифаларининг) рақамини кўрсатади.

7.21. “Эвакуатор ишламоқда”. **3.27 – 3.30** йўл белгилари таъсир оралиғида тўхтаган транспорт вositалари мажбурий эвакуация қилинишини кўрсатади.

7.22.1, 7.22.2 ва 7.22.3 “Тўсиқ”. Ҳайдовчиларга тўсиқнинг узокдан кўринишини таъминлаш мақсадида ўрнатилади. **4.2.1 – 4.2.3** йўл белгилари билан биргалиқда ўрнатилади.

7.23. “Навбат билан ўтиш”.

7.24. “Транспорт вositасининг давлат раками”.

7.25. “Фақат хизмат автомобиллари”.

7.26 “Сунъий нотекислик”.

Кўшимча-ахборот белгилари қайси белги билан бирга жорий этилса, бевосита шу белги тагига жойлаштирилади. **7.2.2 – 7.2.4, 7.13** кўшимча-ахборот белгилари қатнов қисмининг, йўл ёқасининг, тротуарнинг тепасига ўрнатилган белгиларининг ёнига жойлаштирилади.

Вақтинча (кўчма тиргакдаги) ва доимий белгилар маъно жиҳатидан бир-бирига зид келган ҳолларда ҳайдовчилар вақтинча ўрнатилган белгиларга амал қилишлари керак.

1.8 1.15, 1.16, 1.31, 1.17, 1.18.1-1.18.3, 1.21, 1.30, 2.6, 2.7, 3.1, 3.2, 3.11-3.16, 3.18.1-3.18.25 йўл белгилари вақтинча йўл белгилари сифатида белгиланиши мумкин. Вақтинча йўл белгилари сарик рангда бўлади.

Транспорт светофорлари

Куйидаги транспорт светофорларидан фойдаланилади:

ишоралари тик жойлашган;

ишоралари ётиқ жойлашган;

кўшимча тармоқли;

ҳаракатланишини маълум йўналишларда тартибга солувчи;

реверсив;

трамвай ва йўналишли бошқа транспорт вositаларини ҳаракатини тартибга солувчи;

темир йўл кесишиналарда ҳаракатланишини тартибга солувчи;

тартибга солинмаган чоррача ва пиёдалар ўтиш жойларини белгилайдиган;

корхона, ташкилот ва қатнов қисми торайган жойларда ҳаракатланишини тартибга солувчи.

Пиёдалар светофорлари.

Күйидаги пиёдалар светофорларидан фойдаланилади:
ишоралар тик жойлашган;
тovуш ишорали;
күл билан бошқариладиган;
пиёдалар ҳаракатини тартибга солувчи;
Электрон табло ёрдамида бошқариладиган пиёдалар светофори;
Велосипедчилар светофорлари.
Белгиланган тартибда ўрнатилган электрон йўл белгилари одатдаги йўл
белгилари билан бир хил кучга эга бўлади.

1. Ётиқ чизиқлар

Йўлнинг қатнов қисми юзасидаги чизиқлар, йўналтиргичлар, ёзувлар ва бошқа белгилар ҳаракатланиш тартиби ва аниқ режимини белгилайди.

Йўл чизиқлари доимий ёки вақтинча бўлиши мумкин.

Йўл чизиқларини кўриш имконияти бўлмаса (қор, лой ва бошқалар) ушбу йўл қисмida мазкур чизиқлар маъносига мос келадиган йўл белгилари ўрнатилиши керак.

Ётиқ чизиқлар оқ рангда бўлади (**1.4**, **1.10** ва **1.17** чизиқлар сариқ рангда бўлади), шунингдек, **1.24** чизиғи (2x2 метр ўлчамдаги кўк асосда сариқ рангда ногиронлиги бўлган шахснинг тасвири туширилган бўлади).

Пиёдалар ўтиш жойидаги чизиқлар оқ ва оқ билан биргаликда бошқа ранглар кўринишида қўлланилиши мумкин.

1.1 – қарама-қарши йўналишларда ҳаракатланаётган транспорт оқимларини ажратади, йўлнинг хавфли жойларидаги ҳаракатланиш бўлаги чегарасини ва велосипедчилар учун бўлагининг чегарасини билдиради; йўлнинг кириш тақиқланган қисми чегарасини белгилайди; транспорт воситаларининг тўхтаб туриш жойи чегарасини ҳамда автомагистрал қаторига киритилмаган йўлнинг қатнов қисми чегарасини билдиради;

1.2 (энли сидирға чизик) – автомагистралларда қатнов қисми четини билдиради.

1.3 – тўрт ва ундан ортиқ ҳаракатланиш бўлаги бўлган йўлларда қарама-қарши йўналишдаги транспорт воситалари оқимини ажратади;

1.4 – тўхташ тақиқланган жойни билдиради. Якка ҳолда ёки **3.27** “Тўхташ тақиқланган” йўл белгиси билан қўлланилади ҳамда йўлнинг қатнов қисми четига ёки йўл четидаги тўсиқ устидан чизилади (хизмат вазифасини бажараётган ходимга бириктирилган кўк ёки қизил ёхуд кўк ва қизил рангли ялтироқ маёқчаси билан жихозланган ҳамда маҳсус рангли буёқ схемалар ва ёзувлар билан белгиланган транспорт воситалари бундан мустасно).

1.5 – икки ёки уч тасмали йўлларда қарама-қарши йўналишларда ҳаракатланаётган транспорт воситалари оқимларини ажратади; бир йўналишда ҳаракатланиш учун мўлжалланган икки ёки ундан кўпроқ тасмали йўлларда тасмаларнинг чегараларини ва бир йўналишдаги ҳаракатланиш бўлаги билан велосипед бўлаги чегарасини билдиради;

1.6 (яқинлашиш чизиғи – ҳар бир чизик узунлиги улар орасидаги масофадан уч баробар катта бўлган узуқ-узуқ чизик) – қарама-қарши ёки бир йўналишда ҳаракатланаётган транспорт воситалари оқимларини ажратувчи **1.1** ёки **1.11** чизифига яқинлашаётганлик ҳақида огоҳлантиради;

1.7 (ҳар бир чизиғи қисқа ва оралари шу чизиқлар бўйига teng бўлган узуқ-узуқ чизик) – чорраҳадаги ҳаракатланиш тасмаларини билдиради;

1.8 (энли узуқ-узуқ чизик) – тезлашиш ёки секинлашиш бўлаги билан йўлнинг қатнов қисмидаги асосий бўлаги ўртасидаги чегарани билдиради (чорраҳаларда, йўлнинг турли сатҳда кесишган қисмларида, автобуслар тўхтайдиган жойларда ва бошқалар);

1.9 – реверсив ҳаракат ташкил этилган бўлакларнинг чегарасини белгилайди; реверсив ҳаракатланиш амалга оширилган йўлларда (реверсив светофори ўчирилган ҳолатда) қарама-қарши йўналишдаги транспорт оқимини ажратади;

1.10 – тўхтаб туриш тақиқланган жойни билдиради; якка ҳолда ёки **3.28** йўл белгиси билан қўлланилади ва йўлнинг қатнов қисми четига ёки йўл четидаги тўсиқ устидан чизилади (хизмат вазифасини бажараётган ходимга бириклирилган кўк ёки қизил ёхуд кўк ва қизил рангли ялтироқ маёқчаси билан жихозланган ҳамда махсус рангли буёқ схемалар ва ёзувлар билан белгиланган транспорт воситалари бундан мустасно).

1.11 – фақат бир томондан қайта тизилишга рухсат этилган йўл қисмларида, бир йўналишдаги ёки қарама-қарши келаётган транспорт оқимларини ажратади; қайрилиб олиш, тўхташ майдончалари ва шунга ўхшашларга кириш-чиқиши жойларида ҳаракатланиш фақат бир йўналишда рухсат этилганлигини кўрсатади;

1.12 (тўхташ чизиги) – **2.5** белгиси ёки светофорнинг (тартибга солувчининг) тақиқловчи ишорасида ҳайдовчи тўхташ керак бўлган жойни кўрсатади;

1.13 – кесишаётган йўлда ҳаракатланаётган транспорт воситасига йўл бериш учун тўхташ зарур бўлганда, ҳайдовчига транспорт воситасини тўхтатиш жойини кўрсатади;

1.14.1 – (оқ рангли “зебра”)- пиёдаларнинг ўтиш жойини белгилайди.

1.14.2 – (оқ-сариқ рангли “зебра”)- пиёдаларнинг ўтиш жойини белгилайди.;

1.14.3 – ётиқ чизикнинг йўналтиргичлари пиёдаларнинг ҳаракатланиш йўналишини кўрсатади;

1.14.4 – оқ-қизил рангли йўл чизиги мактаб ва мактабгача таълим муассасалари олдида пиёдаларнинг ўтиш жойини белгилайди;

1.15 – йўлнинг велосипед йўлкаси кесиб ўтган жойини билдиради;

1.16.1 – **1.16.3** – транспорт воситалари оқими ажralадиган ёки кўшиладиган жойлардаги йўналтирувчи оролчаларни билдиради;

1.17 – йўналишли транспорт воситаларининг бекатлари ҳамда таксиларнинг тўхтаб туриш жойларини билдиради;

1.18 – чорраҳада тасмалар бўлаклар бўйича рухсат этилган ҳаракатланиш йўналишларини кўрсатади. Мустақил ёки **5.8.1**, **5.8.2** белгилари билан биргаликда қўлланилиши мумкин; охири берк йўл тасвиirlанган чизик шу йўналишдаги ён томонда жойлашган қатнов қисмига бурилиш тақиқланганлигини кўрсатиш учун чизилади; четки чап тасмадан чапга бурилишга рухсат берувчи йўналтиргич шу тасмадан қайрилишга ҳам рухсат беради;

1.19 – қатнов қисмининг торайган (шу йўналишдаги ҳаракатланиш тасмаларининг сони камайган) жойига ёки қарама-қарши йўналишдан келаётган транспорт воситалари оқимларини ажратувчи **1.1** ёки **1.11** чизигига яқинлашганлик ҳақида огоҳлантирувчи чизик. Биринчи ҳолда **1.18.1 – 1.18.3** белгилари билан қўлланилиши мумкин;

1.20 – ҳайдовчини **1.13** чизигига яқинлашаётгани ҳақида огоҳлантиради;

1.21 (“STOP” – Тўхтанг! ёзуви) – **2.5** белгиси билан бирга қўлланилганда ҳайдовчини **1.12** чизигига яқинлашаётганлиги ҳақида огоҳлантиради;

1.22 – йўл (ҳаракатланиш йўналиши) рақамини кўрсатади;

1.23 – йўлнинг фақат йўналишли транспорт воситалари учун мўлжалланган бўлагини билдиради.

1.24 – ногиронлиги бўлган шахсларнинг автотранспорт воситалари учун тўхтаб туриш жойи;

1.25 – пиёдалар йўлкасини ёки пиёдалар ва велосипедчилар биргаликда ҳаракатланиши мўлжалланган йўлканинг пиёдалар учун мўлжалланган қисмини билдиради;

1.26 – велосипед йўлкасини ёки велосипед ҳаракатланиши учун мўлжалланган тасмани билдиради;

1.27 – огоҳлантирувчи йўл белгиларини такрорловчи йўл чизифи;

1.28 – тақиқловчи йўл белгиларини такрорловчи йўл чизифи;

